

63.3 (543)

A 15

МАҲКАМ АБДУРАИМОВ

ТЕМУР ВА ТҶУХТАМИШ



0-020027626

415

МАҲКАМ АБДУРАИМОВ

**ТЕМУР ВА
ТЎХТАМИШ**

Синдроп
2000

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 2000

63.3 (5У)
А 15

Масъул муҳаррир — тарих фанлари доктори, профессор
КАРИМ НОРМАТОВ

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи —
филология фанлари номзоди
ОРТИҚБОЙ АБДУЛЛАЕВ



916558

Абдураимов, Маҳкам.

Темур ва Тўхтамиш /Масъул муҳаррир: К.Норматов.—
Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000.—
80 б.

Маънавий меросимизга самарали улуш қўшган атоқли тарихчи олим Маҳкам Абдураимовнинг мазкур рисоласи улуғ аждолларимиз тарихининг ёрқин саҳифаларини ёритган ҳамда буюк ватанпарварлик руҳидаги бадий, фалсафий қарашлари мужассам бўлган ижод маҳсулидан иборатдир.

ББК 63.3(5У)

А 4702620201-76
М352(04)-2000 — қатъий буюртма, 2000 © Маҳкам Абдураимов,
Фафур Фулум номидаги
Адабиёт ва санъат
нашриёти, 2000 й.

ISBN 5-635-01913-7

*Бўрибой Аҳмедов,
академик*

МАРҲУМ ОЛИМДАН ХОТИРОТ

Бугунги ёш китобхон истеъдодли тарихчи олим Маҳкам Абдураимовнинг ижоди ҳақида деярли тасаввурга эга эмас. Аммо ҳозирги кунда оқсоқолларга айланган кекса олимлар унинг асарларини яхши эшлашади. У ҳаёт бўлганда бу йил 84 ёшга тўлар эди.

Маҳкам Абдураимов 50—70-йиллар орасида фаол ижод этди. Унинг матбуотда чоп этилган илқ мақолаларидаёқ изланиш руҳи, теран тадқиқотчилик нигоҳи ярқираб кўзга ташланарди.

У янгиликка интилар, тарих қатламларидаги номаълум саҳифаларни очишни яхши кўрарди.

Олим ана шу йилларда эълон қилинган “Биринчи рус савдо карвони Тошкентда”, “Бухоро хонлигида XVI—XVIII асрлардаги халқ кўзғолонлари тарихига доир”, “Ўзбекистонда феодализмнинг юзага келиши ва ривожланишига доир” ва бошқа салмоқли тадқиқотлари билан ҳамкасблари орасида тилга тушди. У тез орада Ўзбекистонда феодализм тарихининг етук билимдонларидан бирига айланди. Унинг таҳрири ва бевосита иштирокида “Ўзбекистонда XVI асрдаги иқтисодий тафаккур тарихидан”, “Ўзбекистон халқ хўжалиги тарихи” (1-жилд) номли салмоқли йирик асарлар яратилди ва илмий жамоатчиликка манзур бўлди. Айниқса, олим ёзган “Амир Ҳайдар мактубларида феодал ер рентаси масалалари”, икки жилдлик “XVI аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлигида ер-сув муносабатлари очерклари” номли йирик илмий асарлар фақат Бухоро хонлигидаги эмас, умуман Ўзбекистондаги ўрта асрлар тарихини иқтисодий ҳаёт, хонлик идораси асослари ҳамда халқ турмуши, урф-одатларига доир манзараларни ўрганишда муҳим манбага айланди. Бу асарларни ҳатто хориждаги етук тарихчи олимлар, мутахассислар ҳам эътироф этдилар.

Маҳкам аканинг ибратли томонлари кўп эди. Шулардан бири, у тарихий қўлёзмаларни яхши биларди, улар устида тинимсиз ишларди, бир-бирига қиёслаб ўрганарди. Афсуски, кўп олимларимизда мазкур хусусиятлар етишмайди.

Маҳкам Абдураимовнинг ҳаёти ва илмий изланишлари силлиқ кечган эмас. Доимо янгиликка интилган, дадил, ҳозиржавоб тарихчининг адашган, қоқилган пайтлари ҳам бўлди. Бунга ҳам табиий қараш керак. Чунки ишлаётган, изланаётган одамгина хато қилади. Ҳамма одатланиб қолган йўлдан ташқари чиқмай кетаётган, ҳаётнинг ўзи рад этаётган сийқа гапларни ҳам асл ҳақиқат деб билган ва ундан бошқа нарсани тан олмайдиган кишиларгина “янглишмаслиги” мумкин.

Бу ҳол, айниқса, буюк жаҳонгир Амир Темур фаолиятини баҳолашда (тўғрироғи, соҳибқиронга бағишланган илмий асарларга муносабатда) кўринади. Умуман, машҳур саркарданинг даври ҳақида Маҳкам Абдураимов узоқ йиллар давомида самарали изланишлар олиб борган эди. У ўзбек олимлари орасида деярли биринчилардан бўлиб Темур ижодини ўрганишга қўл урди. 1948 йилда у Ленинград Шарқшунослик институтида “Темур ва Тўхтамиш” деган мавзуда номзодлик иши ёқлади. Аммо турли сабабларга кўра мазкур йирик тадқиқот муаллифнинг ҳаётлик чоғида босилмай қолиб кетди.

Мазкур тадқиқотда Маҳкам Абдураимов Амир Темур фаолиятига бағишлаб ёзилган шарқ манбаларини ҳам, ғарб олимлари қаламига мансуб турли тадқиқотларни ҳам ниҳоятда синчиклаб ўрганган ва умумлаштирган. Олим ниҳоятда долзарб муҳим масалани — Рус князликларининг Олтин Ўрда хонлари — мўғул ҳукмронлари асоратидан қутулиш тарихини, бу улугвор ҳодисани амалга оширишда бевосита Амир Темур ўйнаган буюк ролни батафсил тасвирлайди. Тадқиқотда XIV асрнинг охириги йилларида рўй берган рус халқининг мўғул зулмидан қутулишига катта йўл очган улкан воқеалар — Темур ва Тўхтамиш ўртасидаги кескин жанглар, тўқнашувлар тарихи кенг қўламда ўз холис баҳосини олган. Олим Темурнинг шу даврдаги қудратли ҳукмдорлардан бири Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси Ғарбий Европа, Волга бўйи ва Яқин Шарқ халқлари тақдирида муҳим бурилиш нуқтаси бўлганлиги

ҳақида тўғри, асосли хулосалар чиқаради. Келтирилган иқтибос ва хулосалар замирида Темур табиатининг баъзи жиҳатлари ҳам акс этганини сезиш мумкин.

Мазкур тадқиқотни алоҳида китоб сифатида нашр этиш фақат марҳум олим хотираси учун эмас, балки тарих ҳақиқатини тўғри ёритиш учун ҳам ниҳоятда зарур иш, деб ҳисоблайман.

ТЕМУР ВА ТҶҲТАМИШ

Урусхон Сирдарёдан Волга бўйларига келиши билан Олтин Ўрдада Ботухоннинг акаси Ўрда Ичен авлодидан саналган янги хонлар сулоласи бошланди. Тўхтамиш ҳам шу авлоддан эди.

Тўйхўжа ўғлон Урусхон томонидан қатл этилгач, унинг ўғли Тўхтамиш ҳам ўз ҳаётидан хавфсираб, қудрати оламга таралаётган Амир Темур давлатидан паноҳ топди. Соҳибқирон Жучи улусида бўлиб ўтаётган воқеаларни зийраклик билан кузатиб борарди. Чунки Шимолий Хоразм ва Оқ Ўрда Мовароуннаҳрга чегарадош эди. Темур тузаётган янги мамлакатига Олтин Ўрда рақобат қилиши ва катта хавф солишини сезарди. У Олтин Ўрда хони ўзига тарафқаш, тобе бўлишини анчадан буён орзу қиларди. Тўхтамишнинг мурожаати эса айни муддао бўлди. Темур ўз ҳузурига Тўхтамиш келаётганини эшитган пайтда Хоразмга ҳамда Мўғулистон (Шарқий Туркистон) ҳукмдори амир Қамариддинга қарши курашга тайёрланаётган эди. Пировардида Темур юриш режасини тўхтатди ва шаҳзодани кутиб олишга таниқли амир Туман Темур Ўзбекни чиқарди. Соҳибқирон Тўхтамишни ҳар хил қимматбаҳо совғалар билан қаршилади. Мавлоно Низомиддин Шомиий ёзади: “Тўхтамиш ўғлон келганида, амирлар уни Темур қабулига олиб киришди. Ҳазрати олийлари уни старлича ҳурмат-эҳтиром билан қарши олди. Уни Самарқандга бошлаб бориб, шоҳона зиёфат берди. Тўхтамиш ва унинг йўлдошларига муносиб совға-саломлар улашди, тилла ва (қимматбаҳо) безаклар, мол ва газмол, от ва хачир, чодир, ногора ва байроқ ҳамда жанговар қўшин берди. Ўтрон ва Саброн вилоятига ҳоким этиб тайинлади”.

Тўхтамиш, табиийки, бошиданоқ ўзини тобе деб тан олиши лозим эди. Чунки у Темурдан ҳарбий мадад олиб, юқорида саналган вилоятларни забт этишга отланганди.

Урусхон Тўхтамишга қарши ўғли Кутлуг Буға бошчилигида кўшин юборди. Уша жангда Кутлуг Буға оғир жароҳатланиб, тезда вафот этди. Ҳарбий ишларда тажрибасиз Тўхтамиш Урусхон лашкарлари томонидан қаттиқ зарбага учради ва яна Темур ҳузурига қайтиб келди.

Темур мағлуб Тўхтамишни биринчи галдагидан кўра катта ҳурмат билан қаршилади ва унга аввалгидан каттароқ кўшин бериб, “инъом этилган” вилоятларни эгаллашга бошқатдан юборди. Бу гал Урусхоннинг тўнғич ўғли Тўхтақия Тўхтамишга қақшатқич зарба берди. Яраланган Тўхтамиш ёғийлар таъқибидан Сирдарё бўйларидаги қамишзорга қочиб қутулди. Учинчи гал ҳам Темур уни шохона қаршилади ва кўшинини зарур яроғ-аслаҳа билан куроллантирди.

Кўп ўтмай Темурнинг Бухородаги қароргоҳига Урусхоннинг элчилари келиб, Тўхтамишни топширишни талаб қилди. Темур бу таклифни қатъий рад этди ва тез орада ўзи жангга киришини айтди.

Ҳақиқатан ҳам Темур Урусхонга қарши жанг бошлади. Ўз кўшинини Сирдарёдан ўтказиб, Ўтрорнинг бепоён текислигида қароргоҳ кўтарди. Урусхон кўшини эса мавлоно Шарафиддин Али Яздийнинг маълумотига кўра, Ўтрордан 24 фарсах наридаги Оқ Ўрда маркази — Сигноқда жойлашган эди.

Қаттиқ қиш, тинимсиз ёмғир ва қор ҳар икки кўшин фаолиятига таъсир кўрсатди. Улар майда тўқнашувларни ҳисобга олмаганда, деярли уч ой бир-бирларига қаршилик кўрсатмасдан рўбарў турди. Ҳар икки саркарда ҳеч бир натижага эришолмагач, ортларига қайтишди. Шундан сўнг Темур бир неча ой Кешда бўлди ва Урусхонга қарши юриш бошлаш учун ўзига Тўхтамишни йўлбошчи қилиб олди. Жайронқамишга етганларида Урусхоннинг вафот этганидан хабар топишди. Унинг тўнғич ўғли Тўхтақия ҳам кўп ўтмай (1375 й.) вафот этди. Темур Тўхтамишга керакли аслаҳаларни бериб, уни шу ерда қолдирди-да, ўзи Самарқандга қайтди.

Урусхоннинг Оқ Ўрда тахтига ўтирган Темур Малик деган ўғли Тўхтамишни учинчи марта ҳам мағлубиятга учратди. Муаррихлардан Шомий ва Яздий Тўхтамиш жонига Темур совға қилган от оро кирганини таъкидлайдилар.

Шундай қилиб, Тўхтамиш Урусхон ва унинг ўғилларидан ҳар гал зарба еяверди. Темур, албатта, ўз вассалининг ҳарбий лаёқатидан шубҳалана бошлади. Бироқ Темурда Оқ Ўрданинг ғичирлаб қолган тахтига ўз одамини қўйиш, мағлубият учун ўч олиш истаги кучли эди. Шунинг учун Тўхтамишга тўртинчи марта ҳам қўшин бериб, тажрибали қўмондонларидан бирини унга бош этиб тайинлади.

Темур Малик давлат ишларини бир четга йиғиштириб қўйиб кунини маишатда ўтказарди. Мулозимларининг ундан кўнгли қолиб, Тўхтамишга майл билдира бошладилар. Темур Оқ Ўрданинг ички ҳаётида рўй бераётган ҳар бир ўзгаришдан хабардор бўлиб турарди. Шомий ёзади: “Тўхтамиш Урусхондан қочиб келган пайтда ёнида Ўрик Темур ҳам бўлиб, ундан соҳибқирон Темур Малик ва унинг аҳволи ҳақида суриштирди. У ўзи яхши хабардор бўлган нарсаларни — Темур Малик шаробга мук тушгани, кечаю кундуз маишатбозликдан чиқмай қолгани, чошгоҳга қадар ухлаши, арзга келганлар, қанчалик зарур иши бўлмасин, барибир уни уйғотишга журъат этолмаслигини айтиб берди. Шу боиским, одамлар ундан қочиб, Тўхтамишга хайрихоҳлик билдираётганлигини таъкидлади”.

1376—77-йил қишида Темур ўзининг катта амирлари (Туман Темур Ўзбек, Бахтиҳож, Ўрик Темур, Фиёсиддин Тархон ва Банги Қовчин)ни Тўхтамишга қўшиб, Сигноққа жўнатди. Амирлар барча расм-русумларни адо этиб, Тўхтамиш хон кўтарилганини ҳаммаёққа овоза этдилар.

Кўп ўтмай Тўхтамиш Қоратолда қишни ўтказаётган Темур Маликка қарши ҳужум бошлаш ҳақида Темурдан буйруқ олди. Тўхтамиш Темур Малик устидан ғалабага эришди. Ўша йилнинг кўкламида Қоратол яқинида Тўхтамиш Темур Малик билан яна жангга кирди ва уни ўлдирди.

Тўхтамиш тез орада Жучи улусининг шарқий қисмига ҳам кўз тика бошлади. Унинг ғарбий қисмига йигирма йилдирки, Мамай ҳукмронлик қилар, унинг қудратига 1380 йилги Куликово жанги қаттиқ заҳа етказган эди.

Тўйхўжа ўғлон Кўк Ўрдани эгаллаш ҳақида Урусхон ғояларига қарши борган (у шунинг учун қатл этилган эди) бўлса, бунинг илҳомчиси Тўхтамиш эди. Мамайнинг ожизланиб қолганидан фойдаланган Тўхтамиш 1380 йили Жучи

улусини бутунлай босиб олди. Мамай Кафага қочиб кетади, аммо барибир қўлга тушиб, қатл этилади. Шундай қилиб, Тўхтамиш Олтин Ўрданинг давлат бирлигини аввалги ҳолатида тиклашга эришди. У Олтин Ўрда хонларининг кучини рус князликларига кўрсатиб қўйди ва 1382 йили Москвани талон-торож қилишга эришди.

Тўхтамиш ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Темурга номигагина бўйсунар, қулай пайт келиши билан мустақил бўлиб, ўз ҳомийсидан юз ўгириб кетиш ниятида юрарди. У Олтин Ўрданинг Ўзбекхон ва Жонибекхон давридаги шухратини қайтаришни истарди. Аммо шуни эсдан чиқармаслик керакки, Олтин Ўрда давлати босқинлар натижасида бегона юртда вужудга келган, аҳолиси этник жиҳатдан гоаят хилма-хил, иқтисодиёти ва маданияти (кўчманчи ва ўтроқ) турлича бўлиб, ҳўжалик алоқалари бир-бирига чамбарчас боғланмаган эди. Ўзбекхон ва Жонибекхон даврида у тараққий этганлигига қарамай, барибир туб заминга эга эмас эди. Унинг шухрати мўғул ҳарбий кучларининг зўрлиги билан тутиб туриларди. Булардан ташқари XIV асрнинг 80-йилларида Олтин Ўрдага чегарадош давлатлар сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар бўлиб ўтди. Унинг шимолида Дмитрий Донской бошчилигидаги рус князликлари бирлаша бошлаган, Мовароуннаҳрда эса Темур янги бир қудратли салтанат тузаётган эди. Бу давлатлар Олтин Ўрдан фарқли ўлароқ мустаҳкам заминда, ўз халқининг табиий ўсишига боғлиқ равишда ривожланиб борарди.

Маълумки, Темур номигагина тахтга чиқарган хонлар — Суюрғатмишхон (1370—1388) ва Султон Маҳмудхон (1388—1402) мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутмас эди. У Мовароуннаҳрни танҳо ўзи бошқарарди. Султон Маҳмудхоннинг ўлимидан кейин ёрдамчи хонлик мартабасига ҳеч кимни қўтармаса-да, лекин марҳумнинг номидан танга зарб эттираверди.

Темур ўз ҳукмронлиги даврида феодал тарқоқликка чек қўйди, ягона марказлашган, кучли давлат тузиш ниятида бўлди. Темур мамлакатда алғов-далғов чиқмаслиги учун, асосан, чигатойлардан таркиб топган қўшинларини юришларга олиб борарди, уларга махсус имтиёзлар яратган эди. Испан элчиси ва сайёҳи Клавиho шундай ёзади: “Чига-

тойлар шоҳдан махсус имтиёзлар олган бўлиб, моллари-ни истаган жойда ўтлатиши, экин-тикин қилиши, ёз ва қишда кўнгиллари тусаган ерда яшашлари мумкин. Улар шоҳга солиқ тўламайди, чунки чигатойлар ҳарбий сафарбарлик эълон этилиши билан урушда хизмат қилгани жўнайди”.

Яна бир қизиқ томони шундаки, Темур Мовароуннаҳр-ни ўз қўлида қаттиқ ушлаб, уни фарзандларига инъом этмаган, бундан фақат Фарғона вилоятигина мустасно-дир. Соҳибқирон бу ўлкани суюрғол асосида ўғли Умар-шайх, сўнг унинг ўғли Искандарга берган эди. Шу нуқтан назардан соҳибқирон жиловини қаттиқ ушлаган Моваро-уннаҳр ягона, марказлашган бошқарув тартиботига эга давлатга айланди. У кешлик унчалик донг қозонмаган ҳукмдор фарзанди бўлатуриб, Мовароуннаҳр ҳокимияти-ни ўзининг ақл-заковати, собитқадамлиги ва шижоати билан қўлга киритган эди. Темур катта ташкилотчилик қоби-лиятига, кучли ирода ва теран илмга эга киши эди.

Соҳибқирон, кейинчалик жамики босиб олган мамла-катларни қўлда тутиб туrolмаслигини, бир жойдан туриб бошқариш мушкуллигини билиб, айрим музофотларни ҳарбий шуҳрати ва хизматларига қараб, суюрғол асосида ўз ўғилларига, набираларига ёки амирларига ҳадя этарди. Мазкур ўринда шунини ёддан чиқармаслик керакки, у ки-чик тасарруфларни босиб олганидан сўнг ҳам олдинги ҳукмдорларни алмаштиришга шошилмасди. Бунинг ёр-қин мисолини ширвоншоҳ шайх Иброҳим Дарбандийни аввалгидек Ширвон ва Дарбанд, оқ қуюнли туркманлар ҳукмдори этиб қолдирганида ҳам кўриш мумкин. Катта-катта музофотларга эса ўз ўғиллари ва набираларини бош этиб тайинларди.

Темур 1381 йили курдлар сулоласига барҳам бергани-дан кейин Хуросон ҳамда Ҳиротни ўғли Мироншоҳга инъом этди. 1393 йилда худди шу аснода “тахти Хулағу-хон” (Ғарбий Эрон, Ироқ, Озарбайжон ва Арманистон)-ни унга қўшиб берди. Хуросон, Мозандарон ва Сейис-тонни ўғли Шохруҳга инъом қилди.

Шундай қилиб, Суюрғол тартиботи мамлакатнинг маъ-лум қисмларида феодал кучларнинг тўпланиб қолишига замин ҳозирладикки, бу ҳол Темур вафотидан сўнг дарҳол

юзага қалқиб чиқди. Ҳар бир вилоят кейинчалик мустақил ҳукмронликни даъво қила бошлади.

Темурнинг ички сиёсати Мовароуннаҳрни моддий-маданий жиҳатдан мумкин қадар юқори кўтаришга қаратилган эди. Айниқса, у Самарқанд ва она шаҳри Кешни ободонлаштиришга кўп эътибор берди. Шунинг учун ҳам Мовароуннаҳр ва Самарқанддаги кўплаб моддий-маданий бойликлар Темур номи билан боғлиқ. У айнан шу ерда ўзининг машҳур амир ва улуг яратувчилик салоҳиятидан ёрқин из қолдирди. Самарқанд Темур даврида катта савдо марказига айланди. Бу ерда Хитой, Ҳиндистон, Русия ва бошқа эллардан келган савдогарларни йил — ўн икки ой учратиш мумкин эди. У савдо соҳасида салтанат маркази — Самарқандга рақобат қила оладиган барча йирик шаҳарларнинг “синиши” учун жон-жаҳди билан курашди. Тарихчи Шарафиддин Яздий Хоразмнинг босиб олиниши (1388—89-й.) ҳақида шундай ёзиб қолдирган: “Шаҳар ва вилоятнинг барча аҳолисини Самарқандга кўчириш ва Хоразм шаҳри ўрнида бугдой экишга фармон берди”. Мавлоно тарихчи ўз асарида уч йилдан сўнг, 1391 йилнинг охиридагина унинг фақат бир даҳаси тикланганини эслатиб ўтади.

Темур Тўхтамишхонни мағлуб этганидан кейин Фарб билан Шарқни бир-бирига боғлайдиган савдо йўллари кўлга киритди, тижорат ишлари Темур мамлакати орқали кечадиган бўлди.

Темур даврида Самарқанднинг тўкин-сочин шаҳар бўлганини тасаввур этиш учун унинг замондошлари сўзларига эътибор бериш ўринли, албатта. Темур йилномачилари ўртасида давлат иқтисодиёти билан кўпроқ қизиққан Клавиҳо бу борада шундай таъриф беради: “Бу шаҳар ва замин шунчалик бой ва тўкин-сочинки, ҳайратда қолмай илож йўқ... У ноз-неъматга тўла, бу ерда ипак газлама, атлас, сандал, жун ва мўйна буюмлари мўл, упа-эликлар, ширинликлар, тилла ва ложувард каби нарсалар гоят кўп.

Булардан ташқари бошқа хил моллар ҳам бисёр. Русия ва Татаристондан кўн ва бўз, Хитойдан дунёдаги энг сара ипак газламалар, айниқса атласлар келтирилади. Яна Хитойдан махсус тайёрланган муксус, қаҳрабо, марварид,

турли ширинликлар олиб келинади. Ҳиндистондан бу шаҳарга энг аъло навли қанд-қурслар келтирилади. Шаҳарда майдонлар бисёр... Бу майдонлардан кечаю кундуз одамлар аримайди, савдо-сотик бир дақиқа бўлсин тўхтамайди”.

Амир Темури тарихида шу нарса қайд этилганки, у давлати пойтахти улугворлигини, ободонлигини ошириш учун кўп сонли меъморлар, мунажжимлар, руҳонийлар, муаррихлар, ҳунармандлар ҳамда фан ва санъатнинг бошқа вакиллари ҳам Самарқандга таклиф қилган.

1379 йили Темури қўшинлари Хоразмни босиб олганда, “барча машҳур олимларни, мулларни, Куръон билимдонларини ва турли соҳа ҳунармандларини кўчириб келди”, деб ёзади Яздий ўз асарида. Темури Кешни салтанатнинг иккинчи маркази деб эълон қилди ва бу шаҳарда Оқсаройни қурдириб, номини оламга машҳур этди. Темурнинг бу сиёсати ҳақида Клавихо ҳам ўз китобида маълумот беради. Асир тушган ҳарбий мутахассисларни, қурол-аслаҳа ясайдиган усталарни Темури ўз қўлида тутиб турди. Унинг Самарқанддаги саройи ҳақида испан элчиси шундай ёзади: “Бу саройда шоҳ мингга яқин маҳбус усталарни тутиб турардики, улар совут, қалқон, найза ва ёйлар ясаб йил бўйи тер тўкарди”. Темури фақатгина Кеш ва Самарқанднинг гуллаб-яшнаши билан овора бўлиб қолмасдан, Мовароуннаҳрнинг ҳўжалик ишларини изга солишга ҳам кўп эътибор берди. Мовароуннаҳр ва Хуронсинга эмас, балки Кобул ҳавзаси ва Мўғон даштидаги хийла улкан суғориш тармоқлари ҳам унинг номи билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, у янги қурилишларга кўплаб одамларни жалб этиш орқали Самарқандни аҳоли гавжум яшайдиган шаҳарлар сирасига киритди. Бу ҳақда Клавихо китобида шундай жумлаларни ўқиймиз: “Самарқанд салтанатидан кетаётган киши, ҳатто шу яқин атрофдаги яқин жойда туришидан қатъи назар қаердан ва қаёққа бораётгани қайд этилган ёрлик кўрсатмасдан нариги соҳилга ўтказилмайди. Самарқанд салтанатига эса, ҳеч бир ҳужжат кўрсатмасдан бемалол ўтиш мумкин. Қайиқларга шоҳ томонидан кўплаб қоровуллар тайинланган бўлиб, ўтувчилардан катта бож олардилар. Дарё бўйига қоровуллар

қўйилишининг сабаби бор. Самарқанд салтанати аҳолисини қўпайтириш ва улугворлигини ошириш мақсадида Темурбек ўзи забт этган барча мамлакатлардан қўплаб асирларни олиб келган эди. Қоровуллар асирларнинг ўз мамлакатларига қочиб кетмасликлари учун дарё бўйини қўриқлаб турардилар. Шоҳ фармойиши билан Эрон ва Хуросон ерларида уйсиз-жойсиз дайдиб-нетиб юрган асирларни, қашшоқ бева-бечораларни тутиб олиб Самарқандга жўнатганларини ҳатто элчилар ҳам кўрган эдилар. Сигир етаклаган ёки бир-икки қўй-эчки ҳайдаган кишилар олиб келинар, жойлардаги ҳокимлар шоҳ фармойишига биноан уларни озик-овқатлар билан таъминлар эдилар. Темурбек камида юз минг кишини Самарқандга олиб келган эди”.

Биз учун рақамнинг қанчалик аниқлиги эмас, балки унда баён этилганидек, Темурнинг ҳар бир кишидан ишчи кучи сифатида фойдалангани ва уларнинг ишга бўлган қобилиятини қадрлагани муҳим. Унинг олимлар, шоирлар, айниқса шайхларга катта илтифот кўрсатгани маълум. У юришлардан қайтиб келиши билан инсонпарвар фармонлар чиқарган.

1396 йили у Самарқандга беш йиллик юришдан қайтиб келиб, уч йил муддатда аҳолидан солиқ олишни бекор қилади.

Амир Темур Чингизхоннинг ҳарбий санъатидан бирмунча фойдаланган. Бу ҳолни қўшинининг жойлаштирилишида ҳам кўриш мумкин. Унинг лашкари ўн қисмдан иборат эди. Муаррих Абдураззоқ Самарқандийнинг хабар беришича, у мўғулча анъаналарнинг кўр-кўрона тақлидчиси эмас эди. Низомиддин Шомий ва Али Яздий унинг ҳарбий санъатда зукко бўлганини қайд этадилар. Темур ҳарбий тарихини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, у қўшинни ташкил этишда қатор янгиликлар олиб кирган. Унинг даврида энг масъул топшириқларни товачилар (жарчилар ёки чопарлар) бажарган. Темур ҳар бир юриши олдидан янгитдан қўшин тўплаш учун вилоят ва уруғларга товачиларни юборарди. Улар вилоят амирларига Темур фармойишини оқизмай-томизмай етказарди. Бу тартиб Темурга қадар мавжуд эмас эди.

Темурнинг дам-бадам қилган юришлари қўшинини такомилга етаклади ва уруш олиб боришда янги жанговар

усулларни қўллаш имконини яратди. 1391 йили Тўхтамиш билан Кундузчада бўлган жангда у тўқнашув олдидан қўшинини мутлақ янги усулда жойлаштирди. Бу жангда соҳибқирон ўз қўшинини етти бўлакка — қўлга ажратди. Жанг олдидан қўшин марказ (қўл ёки қалб), ўнг (ўнг қўл — ўзбекча, баранғор — мўғулча, дастираст — форсча) ва чап (сўл қўл — ўзбекча, жаванғор — мўғулча, дастичап — форсча) қанотлардан таркиб топган. Уларнинг ҳар бирида илғор (ҳировул), ҳар бир қанотда қанот муҳофазаси (канбул) бўлаклари бўлиб, уларнинг вазифаси душмanning ён томонидан ҳужум қилишига йўл қўймаслик эди. Ўз-ўзидан маълумки, жангда марказий бўлак катта аҳамият касб этган, унинг ортидан заҳира қўшин ва бош қўмондон қароргоҳи жойлаштирилган. Яздий Кундузчадаги жанг олдидан Темур қўшини жойланишини шундай баён этади: “Олд бўлақдан жасур йиғирма навкарини олиб, у (Темур — М. А.) ёнида қолдирди ва марказий бўлақдан ортда қолди”. Бу билан у жанг авжига чиққан пайт ўзининг музаффар қўшинларидан биронтаси ёрдамга муҳтож бўлиб қолса, у тайёр туришини кўзда тутган. Қисм қўмондонлари (ёки амирлар) бевосита бош қўмондонга, хусусан Темурга бўйсунарди. Қўшин юриш сари бораётганда ҳар учала ҳировул ўз сафларидан қоровуллар қўйган бўлиб, улар ҳировулни назорат қилиб борган. Жанг олдидан Темур қўшинининг жойлаштирилиши, бизнингча, қуйидаги тартибда бўлган:

қоровул	қоровул	қоровул
илғор	илғор	илғор
канбул —	марказ	ўнг қанот —
чап қанот	заҳира қўшин	канбул
	бош қўмондон	
	қароргоҳи	

Темур қўлга киритган ғалабаларда қўшиндаги айғоқчилик ва душман кирдикорлигини ўрганувчи махсус бўлима алоҳида ўрин тутган. Шомий ўз асарида Темур аскарларидан шайх Довуд ва Мубошширнинг 1391 йили Тўхтамишга қарши курашда қаҳрамонлик кўрсатгани, улар қўлга

туширган бир талай асирлар бебаҳо маълумотлар бергани ҳақида ҳикоя қилади.

Темур чегарадан ўтиб кетган кишилар, сайёҳлар, савдогарлар, дарвешлар ва бошқа одамлардан ўз душманининг мақсади ҳамда кучи, сарой ҳаёти, маҳаллий хусусиятлар ва шаҳарлар жойлашиши ҳақида маълумотлар олиб турган.

Соҳибқирон жангчилар ўртасида қаттиқ тартиб-интизом ўрнатган. Қўшиндаги ҳар бир киши хоҳ у оддий, хоҳ саркарда бўлсин, ўз ўрнини яхши билган. Юришлар чоғида қаттиқ тартиб — мурчилга риоя қилинган. Яздий Темурнинг 1394—95-йилларда Дашти Қипчоққа қилган юришини шундай баён этади: “Амирлар — туманбошилар, мингбошилар ва қўшинлар лашкар-лашкар бўлиб, ўз мурчили бўйича йўлга чиқди”.

У янги мамлакатларга юриш қилаётганда доимо ғажарчи (йўлбошловчи)лар хизматидан фойдаланган, улар эса, асосан, душман сафидан қочиб келган кишилардан тайёрланган. Маълумки, Темур Урусхонга қилган юришида Тўхтамишни ўзига ғажарчи қилиб олган эди.

Темурнинг Тўхтамишга қарши курашида отлиқ навкарлардан олдин жангга кирган пиёда аскарлар катта ўрин тутган. Яздий бу борада шундай ёзади: “Ўнг ва чап қанот амирлари — туманбегилар, мингбошилар ва қўшинбошиларнинг ҳаммаси ўз жойларини эгаллаб, жанговар сафга тизилиб, пиёда ва отлиқлар қўлларига қалқонларини ушлаб жангга ҳозирландилар”.

Қўшин ҳақида доимий ғамхўрлик Темурнинг мудом диққат марказида бўлган. Жанг чоғида эса у энг кичик нарсаларга ҳам эътибор берган. Бу жиҳатдан Абдураззоқ Самарқандий сўзига диққат қилайлик: “Черикдаги ҳар бир жангчи бир йилга етадиган озик-овқат заҳираси билан келиши зарур, ҳар бир навкарда тўрт хил қуро-яроғ: ёй, ўттиз ўқ, қалқон ва ёй учун ғилоф бўлиши зарур. Ҳар икки одамнинг бирида дулдул от, ҳар ўн кишига бир чодир, икки белкурак, бир омов, бир ўроқ, бир арра, бир болта, бигиз, юзта игна, чилвир, мустақкам тери (бўрдуқ бўлса керак — М. А.) ва бир қозон бўлиши лозим”. Жангчилар бу нарсаларни кўрик талаб этилган жойларда кўрсатиши мажбурий эди.

Темур жангда ўрнак кўрсатган навкарларга доимо укул-ка — пул инъом қилар, ташаккурномалар билдирарди. Қисм қўмондонларига суюрғол ва дархон (алоҳида им-тиёз) берарди. Ўзи мулозимлари орасида катта ҳурмат қозонган эди. Навкарларнинг ўз амирларига муҳаббати, садоқати бениҳоя юксак эди. Темур йирик саркарда бўли-ши баробарида жасур жангчи ҳам эди. Унинг ҳаётидан бу борада кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Гоҳида шахсан ўзи жангчиларини юришга бошлар, уруш қувон-чию аламларини жангчилар билан биргаликда баҳам кўрарди.

Шомий ўз асарида 1379 йили Темур ва Юсуф сўфи ўртасида бўлиб ўтган жангдан қизиқарли лавҳа келтир-ган: Темур қўшинлари Юсуф сўфи ҳукмронлиги тасарру-фига бостириб кирганда, Хоразм шоҳи уни яккама-якка курашга даъват этиб: “Қачонгача ҳар икки томон мусул-монлари нобуд бўлаверади, икки киши орасида очиқ та-лотўп бўлиши керакми? Шу боисдан икковимиз жанг майдонига чиқиб, яккама-якка олишайлик. Қайси бири-мизга бахт кулиб боқса, ғолиб бўламиз, одамларимиз эса фалокатдан қутулиб қолади”, дейди. Шахсий жасорати билан шуҳрат топган Темур бу даъватга лаббай деб жавоб қайтаради. Юсуф сўфи Темур дағдағасидан чўчийди чоғи, ўз қилмишига тавба қилиб, сўзини қайтиб олади.

ТЕМУР ВА ТҶХТАМИШ ЎРТАСИДАГИ МУҲОРАБА

Темурнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши билан Олтин Ўрда тахтига ўтирган Тўхтамиш рус князликлари устидан номига эмас, тўла-тўқис ҳукмронлик ўрнатиш учун Жучи улуси кучларини оширишга аҳамият берди ва рус феодал князликларининг Москва атрофида бирлашиши-га тўққинлик қилди. Олтин Ўрда ва Рус тарихидан аёнки, мўгул хонлари, хусусан, Тўхтамиш ҳам рус ерларида фео-дал тарқоқлик ҳукм суришини ва туб феодал ажралишга бўлган ҳаракатларни қўллаб-қувватларди. Жучи улусининг нуфузи, таъсири тушиб боришига йўл қўймаслик учун у бу-тун куч-ғайратини аямай сарфлади. Ўз ҳукмронлигини мус-таҳкамлаш учун у Озарбайжон ва Эронга ҳам кўз тикди.

Тўхтамиш ва унинг қиблагоҳи Темур ўртасидаги низо-нифоқ Европани Олд ва Ўрта Осиё билан боғлаб турувчи савдо йўлларини эгаллашга бўлган савб-ҳаракатлардан келиб чиққан. Ана шундай йўлларнинг бири Рус жанубидан Қора ва Қулзум (Каспий) денгизи соҳиллари бўйлаб, иккинчиси Каспийдан жануброқдаги Шом, Кичик Осиё — Кавказорти, Эрон, Самарқанд орқали ўтарди. Беркахон давридан бери Олтин Ўрда хонлари дастлабки савдо йўлини эгаллаган бўлса-да, иккинчисини ҳам қўлга олиш, жилакурса кесиб ташлашни, биринчи навбатда, бой Табриз шахрини эгаллашни орзу қилардилар.

Илк муваффақиятли уриниш Жонибекхон томонидан 1356—57-йилда уюштирилган бўлиб, Озарбайжон ва Табриз ишғол этилган эди, аммо унинг вориси бўлган Бердибек даврида Табриз аввалига музаффарийлар, кейинига жалойирийлар қўлига ўтди. Тўхтамишхон бу уринишни фақат такрорлади, холос. Табризни босиб олиш Эрон иқтисодиётига ва унинг савдо йўлига кучли зарба бериб, мамлакат тараққиётига хавф соларди. Бу режа Эрондаги ҳукмрон кучларнинг қаттиқ ғашини келтириши табиий эди. Аввалига жалойирийлар, сўнгра Темур Олтин Ўрда ҳокимларининг бу режасига қарши чиқдилар.

Шомий берган маълумотларга қаралса, Темур собиқ жалойирийлар ҳукмронлигидаги Озарбайжонга ўзига қарам улус тариқасида кўз тиккан. Шундай қилиб, 1385—86-йилда Олтин ўрдаликларнинг Озарбайжон ва Табризга бостириб кириши Олтин Ўрда хони ва Самарқанд амири ўртасида ихтилоф туғилишига сабаб бўлди. Улар ўртасида жанг чиқишига иккинчи сабаб Дашти Қипчоқнинг шимолий қисмини эгаллашга бўлган интилиш билан боғланади. Бордию бу жангда Тўхтамиш устун чиқса, у албатта Мовароуннахрнинг ички ишларига Боту ва Беркахон каби аралашарди. Лекин Темур Олтин Ўрда хонининг Кавказ ва Эронга киришини истамас, аксинча, ўз ҳукмронлиги остида бўлишини ёки шимолий савдо йўлини узиб ташлашни хоҳларди. Аммо Дашти Қипчоқ ерларини ўз тасарруфига қўшиб олишни хаёлигаям келтирмаган бўлиши мумкин, чунки ҳарбий нуқтаи назардан бу жуда қийин эди. Темур Олтин Ўрданинг ҳарбий-сиёсий қудратини емириб ташлаб, уни иккинчи даражали қарам мамлакатга

айлантириш, имкони топилса, кичик-кичик маъмурий вилоятларга бўлиб ташлаб, ўзига тегишли кишини хон кўтаришни ният қилганди. У худди шундай сиёсатни Усмонли турклар салтанати ва Миср мамлакатларига нисбатан ҳам юритган эди.

Бизнингча, Темур ва Тўхтамиш ўртасида алоқа бузилишига яна бир сабаб бор. Хусусан, Тўхтамишхон Озарбайжонга кириб, Темурдан 1379—80-йилда Хоразмни забт этгани учун қасос олмоқчи эди. Тўхтамиш Олтин Ўрданинг аввалги тасарруфини тиклашга уринарди. XIV асрнинг 60-йилларига қадар Хоразм Олтин Ўрданинг таркибий қисми бўлиб, Урганч савдо-сотик борасида катта ўрин тутарди. Мовароуннаҳр ва Хитойга борувчи савдо йўллари дан бири айнан шу ердан ўтарди.

Урганчнинг савдо соҳасидаги воситачилик мавқеини ибн Арабшоҳ шундай таърифлайди: “Саёҳатчиларнинг от-аравалари Хоразмни четлаб ўтмас эди, от-араваларда ҳеч қандай хавф-хатарсиз томоша қилиб, Қримга қадар етиб борардилар. Саёҳат уч ойгача чўзиларди. Бепоен қумлик худди денгиз каби беҳад эди. Энг тажрибали ва моҳир одамлар ҳам йўлни кўрсатолмасди. Халойиқ кўплиги ва тўла хавфсизлиги туфайли одамлардан таом ва сув олишарди. Бунингсиз йўлда давом этиш мушкул эди. Сайёҳлар ўзларини самимий қаршилаганлардан бошқа ҳеч кимникида тўхтамас эдилар”.

Бироқ Тўхтамишхон Озарбайжонга бостириб кириши билан Хоразмни истило қилгани учун Темурдан қасос олмоқчи эди деган фикр бир тахмин, холос. Чунки манбаларда бу ҳақда на бевосита, на билвосита имо-ишора бор. Темурга нисбатан адовати бўлган ибн Арабшоҳ унинг Тўхтамиш билан урушида Олтин Ўрда хонига хийлагина хайрихоҳлик қилади ва қуролли тўқнашув чиқишига амир Ҳусайннинг ўлдирилиши сабаб уйғотди, деб ҳисоблайди.

“Тўхтамишхон султон Жета ва Татарни кўргач, — деб ёзади у, — Темур ва султон Ҳусайн ўртасида бўлиб ўтган можародан хабар топиб, юраги ҳаприқиб кетди, чунки улар (Ҳусайн ва Тўхтамиш) қариндош ва қўшни эди: кўпнинг кишилиқ қўшин тўплаб, у Сигноқ ва Ўтрор томондан Темур қароргоҳи сари юриш бошлади”. Мовароуннаҳр тарихидан яхши маълумки, амир Ҳусайннинг тоғаси амир

Қазағон (1346—1358) чигатой улусининг Мовароуннахр тасарруфидаги хонини қатл этиб, чингизийлар авлодига боғланмаса-да, ўзини хон деб эълон қилди. Бир вақтлар Донишманд ва Баёнқулихон ҳам ўзларини хон деб жорий этган эдилар.

Агар ибн Арабшоҳ Ҳусайн Қозонхоннинг қизи Сарой-мулкхонимга уйланганини назарга олмаган бўлса, Тўхтамишхон ва Ҳусайн ўртасида ҳеч қандай қариндошлик алоқалари йўқ. Шуниси галатики, Темур тарихига оид бошқа манбаларда ҳам бу борада маълумотлар учрамайди.

Шарқ тарихи ихлосмандларидан бири Хаммер амир Ҳусайннинг ўлими Темур ва Тўхтамиш ўртасида жанг келиб чиқишига сабаб бўлди, деб кўрсатади. Балки бу иккинчи даражали сабабдир, лекин ҳеч қачон бош сабаб бўла олмайди. Аёнки, амир Ҳусайн 1370 йили ўлдирилган эди. Тўхтамиш билан уруш эса орадан 16 йил ўтиб бошланди. Тўхтамиш урушга қадар Темурнинг ишончли тобеси эди ва унинг талабларини қулоқ қоқмасдан адо этарди.

1386—87-йилда Темур Эрон Озарбайжонини (Иланжа қалъаси бундан истисно) забт этиб, қишни Қорабоғда ўтказди. Тўхтамишхонда худди шу йили адоват туғилиб, Темурга қарши курашиш учун ўз кўшинини Дарбанд тарафдан юборди.

Шомий ва Яздийнинг ҳикоя қилишича, Темур Тўхтамишхонга нисбатан ўзининг илгари ўрнатган алоқаларига риоя қилади, унинг кўшини билан жанг олиб бормасликка тиришади, пировардида ҳарифининг ниятларига ишонч ҳосил қилгач, Шайх Али Баҳодир, Ики Темур, Усмон Аббос, улар ортидан эса ўғли Мирзо Мироншоҳ бошчилигидаги бир неча туман кўшинларини жўнатиб, уларга: “Бизнинг Тўхтамиш билан аҳдномамиз бор ва биз унга амал қиламиз, агар унинг кўшини ўзларини жанг олиб боришдан тийса, орқага қайтинглар”, деб тайинлайди. Темур лашкари Тўхтамиш кўшинлари ҳақиқатан ҳам юриш қилганини эшитади, бироқ амир фармонига бинонан жангга кирмай ортга қайтади. Тўхтамишхон навкарлари бу чекинишни уларнинг ожизлиги деб билиб, қарши хужумга ўтади. Аммо Олтин ўрдаликлар мағлубиятга учради. Тўхтамишхон лашкарлари Дарбандга чекинди. Бу — икки кўшин орасидаги дастлабки жанг эди. Темур бари-

бир Тўхтамишхон билан муносабатларини бузгиси келмади. Муаррихлар фикрича, у Олтин Ўрданинг асир тушган жангчиларидан Тўхтамишхоннинг ҳол-аҳволини сурштирди ва деди: “Орамиздаги муносабат ота-боланики кабидир, у нега бундай нолойиқ ишга қўл урди, ҳеч бир сабабсиз бу ёққа қўшин юбориб, минглаб беғуноҳ муслмонлар умрини зомин қилди? (Темур бир йил олдин Тўхтамишхон қўшинлари Табризни ишғол этгани ва мусодара этганини назарда тутмоқда — *М. А.*) Бундай хунук ишларга қўл урмасин. Аҳдномага, берган сўзига амал қилиб, алғов-далғов келтириб чиқармасин”. Темурнинг “орамиздаги муносабат ота-боланики каби” деган ибораси ўрта асрлар шарқ сиёсати тилида Тўхтамиш ўзининг тобелигини тан олсин, деган маънони билдиради. Шарқ расмий ҳужжатларида “ота” сўзи — соҳиби давлат, “ўғил” эса қарам ҳукмдор маъносини англатади.

Шундан кейин Темур барча асирларни зарур восита ва бадрак — йўлбошловчилар билан таъминлаб, қўшинлари жойлашган ергача кузатиб қўйишга фармон беради.

Яздийнинг маълумотига қараганда, Тўхтамишхон Темурга қарши бундан сал олдинроқ жанг қилишни дилига туккан экан. Аммо уни бу ниятидан катта амирлардан Алибек Қўнғирот, Урук Темур ва Оқбўга баҳринлар қайтариб қолган. Улар ўз хонларини Темур фармонларига риоя қилишга чақиради.

Шомий ва Яздий Тўхтамишхоннинг хатти-ҳаракати ҳақидаги ҳикояларида манғит уруғидан бўлган талбалар (бу сўз нотўғри ёзилган, телба бўлиши эҳтимолдан холи эмас — *М. А.*) ифвогарлигини ҳам қайд этиб ўтишган: “Тўхтамишхон ва падаркуш Қозончига яқин бўлган бир қанча талба манғитлар, унинг (Тўхтамишнинг — *М. А.*) ҳузурига ҳеч бир қаршиликсиз кирадиган бўлдилар. Алибек эса (қолган икки амир бу вақтга келиб ҳаётдан кўз юмган эди — *М. А.*) бу ярамасларнинг (Тўхтамиш билан) яқинлашиши оқибатида ҳокимиятдан четлатилди. Уларнинг бўҳтонлари, бўлмағур маслаҳатлари билан Тўхтамишхон тўғри йўлдан адашди. Темур ҳузурига элтувчи дўстлик йўлидан чекиниб, қаҳр-ғазаб ва кўзғолонга диққат бериб, катта қўшинини қуроллантириб, Озарбайжонга жўнатди”.

Демак, уруш келиб чиқишига Мовароуннаҳр султони эмас, балки Олтин Ўрда хони сабаб уйғотган. Тўхтамишхон Темурнинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб

(чунки у Эронни забт этиш билан овора эди), ўша йили Қамариддин етакчилигида улкан қўшинини юборди. Самарқандий бу воқеани шундай шарҳ этади: “Қамариддиннинг Мўғулистонда иши юришмади, у Тўхтамишхон хузурига отланиб, у ерда ўзаро урушлар келиб чиқишига замин ҳозирлади. Тўхтамишхон Қамариддин билан Оқхўжа ўғлонни кўп минг кишилиқ қўшинга бош қилиб юборди. Хоразмдан эса ўша мамлакатга Қайхисрав Хутталлонийнинг ўғли Султон Маҳмудни Мўғулистонга ҳоким этиб тайинлади. Маълумки, Қайхисрав сотқинлиги учун 1372 йили Темур фармонига кўра қатл эттирилган эди”.

Шомий келтирган маълумотлардан аён бўлишича, ашаддий кайфиятдаги мўғуллар аҳднома ва битимни бузиб, Тўхтамиш қўшинлари билан бир вақтда Темур давлатига ҳужум қилдилар. Мудом ўз тадбирларини эҳтиёткорлик билан олиб борувчи Темур албатта Мовароуннаҳрни ҳимоясиз ташлаб кетмаган эди. Андижонда ҳарбий ишларда отасидан қолишмайдиган ўғли Умаршайх, Самарқандда эса амирлардан Сулаймоншоҳ ва Аббос баҳодир бўлинмалари қолдирилган эди.

Тўхтамиш қўшинлари Жучи улусининг шахзодалари (Бек Ёрлик ўғлон, Илйиғмиш ўғлон, Исабек, Сотқин баҳодир) кўмондонлигида Сигноқдан ўтиб, Сабронга яқинлашдилар ва уни қамал қилдилар. Яздийнинг маълумот беришича, Саброн муҳофазаси Темурхўжа ва Оқбўга баҳодир чекига тушган. Улар Олтин Ўрда жангчиларига қарши қаттиқ қаршилиқ кўрсатганлар. Мўғул жангчилари сон жиҳатдан устунлигига қарамай, Сабронни қўлга кирита олмадилар, барча уринишлари зое кетгач, ўз ҳужумларини бошқа йўналишдан бошлашга мажбур бўладилар.

Умаршайх Мирзо, Сулаймоншоҳ ва Аббос баҳодир душманга қарши шошилиқ оёққа турдилар. Улар Тўйтепада учрашиб, Сирдарёдан биргаликда эсон-омон сузиб ўтишгач, Ўтрордан беш фарсах нарида ястанган Чуқлуқ текислигида душман билан юзма-юз келди. Бу жангда Умаршайх жангчилари жанг майдонини ташлаб, ҳарёққа тумтарақай қоча бошлади. Умаршайх жангда мағлуб бўлгач, дарҳол Андижонга қайтиб келиб, янгидан қўшин тўплашга киришди. Мўғуллар дастлаб Сайрам ва Тошкентга, сўнг Умаршайх улусига ҳужум қилдилар. Ёғийлар мамлакатни талон-торож қилди. Мовароуннаҳр тақдирини қил устида

қолган эди. Тўхтамишхоннинг Султон Маҳмуд бошчилигидаги Хоразм томондан бостириб кирган бир қисм лашкари Бухорогача етиб келиб, уни қамал қилиб, шаҳар атрофини хонавайрон этди. Душман ҳужумларини Бухоро қўшини қийинчилик билан бартараф қиларди. Улар Бухородан чекинишгач, Мовароуннаҳрнинг бошқа вилоятларини талашда давом этдилар ва Қозонхоннинг Занжирсарой (Қарши шаҳрининг кунботар томонида бўлган) қароргоҳига ўт қўйиб юбордилар.

Темур амирлари Самарқанд ва Кеш тақдири хусусида ўйга ботиб қолдилар. Сулаймоншоҳ ва Аббос баҳодир Чуқлуқ текислигидаги мағлубиятдан сўнг Самарқандга қайтиб, шаҳар мудофаасини кучайтиришга тушган эдилар. Амир Темиртош бошчилигидаги қўшин Термиз мудофааси учун юборилди. Олтин Ўрда босқинчилари Қарши ва Ғузorni таладилар.

Душманларнинг кучи Самарқандни босиб олишга етмас эди. Бироқ Тўхтамишхоннинг хатти-ҳаракатлари бу йил қишида бўлмаса, келгуси йил ёзида яна ҳужум қилишдан огоҳ берарди. Шу сабабдан ҳам Темур Эронни забт этиш мақсадидан вақтинча воз кечиб, Мовароуннаҳрга қайтишни лозим топди. У ўз лашкарини 1388 йилнинг январь-февраль ойларида изига қайтарди.

Соҳибқирон Амударёдан кечиб ўтиши билан қўшинларини тартибга солиш ва ўз мулкни Тўхтамишхон ҳужумидан халос этишга мажбур эди. Темурнинг ҳаракатидан хабар топган душман ортга чекина бошлади. Қочишга тушган ёғийлар ортидан қувишни Темур ўз амирларидан Худодод Ҳусайн, Шайх Али баҳодир ва бошқаларга топширди. Улар Билан (у В. Тизенгаузен асаридаги жўгрофий номлар, уруғлар ва халқлар кўрсаткичига биноан Сирдарё бўйидаги Сариксув атрофида бўлган — М. А.) деган жойда душманини қувиб етиб, уларга катта талафот етказди.

Тўхтамишхон 1388 йилги мағлубиятидан сўнг урушни бас эта қолмади. Яздий хабар беришича, у Жучи улусидан катта бир қўшин тузиб, 1388 йил охирларида Темурга қарши яна ҳужум бошлайди. Қишнинг қирчиллама пайтида Темур ўз қароргоҳини Соғарж (Қаттақўрғон)да тиклаб, ўз тасарруфидаги вилоятларга товачиларни юборди ва қўшинини жанговар ҳолатга келтирди. Чунки у Тўхтамишхон

қўшинининг Илйиғмиш ўғлон қўмондонлигидаги аскарлари Сирдарёдан кечиб ўтиб, Зарнуқ (Арис дарёсининг Сирдарёга қуйиладиган чап томонида бўлган) деган жойда ўрнашганидан хабар топди. Темур ўз амирларининг юришни ҳамма қўшин тўпланмагунча бошламайлик, деган маслаҳатига қулоқ солмай, қўшин ҳам йиғмай, от кўрагига етадиган қор кечиб, юриш бошлади.

Тез орада Умаршайх ҳам андижонликлардан таркиб топган лашкар билан Сирдарё бўйлаб, отасининг қўшинига қўшилиш мақсадида йўлга отланди. Яздий хабар қилишича, Темур қўшини ёғий қўшинини тунда айланиб ўтди, қуёш кўтарилиши билан душман Темур қўшини билан Анбар тепалигида юзма-юз келди. “Сурон” деган сўз жаранглаши билан жанг бошланиб кетди.

Кунчи ўғлон, Темур Қутлуғ ўғлон, Шайх Али баҳодир қўмондонлигидаги Темур қўшинларининг қоровул бўлаги Олтин Ўрда қўшини ортига ўтиб олишга эришди ва уни яксон этди. Ёғий тор-мор қилинди, жанг майдонини ташлаб қочганларни изғирин дашт забтига олди. Асир тушганлар орасида бахши Айри Бердидан бошқа ҳеч кимга марҳамат кўрсатилмади. Бахши афв этилиб, унга махсус либос инъом қилинди. У Темур саройидаги юқори лавозимлардан бирини эгаллашга сазовор бўлди.

Сирдарё соҳилларидаги жангда ғолиб чиққан Темур ўз қўшинини ортга қайтарди. 1389 йил баҳорида Акар (Сирдарёнинг чап томонидаги Зарнуқ туманида) деган жойда ўз қўшинларига бош бўлиб, Тўхтамишхонга қарши курашга шайлана бошлади. Хуросондан Мирзо Мироншоҳ етакчилигида, сўнгра Балх, Қундуз, Бақлон (Афғонистонда), Бадахшон, Хутталон, Ҳисор ва бошқа вилоятлардан гуруҳ-гуруҳ аскарлар келиб қўшилди. Темур Умаршайх, амир Хўжа Сайфиддин ва Ики Темурга Сирдарё устида кўприк қуришга буйруқ берди. Март ойида у ўша кўприкдан ўтиб, қоровулини Темур Қутлуғ ўғлон, Сунжеқ баҳодир, Усмон баҳодир сардорлигида душманни қидиришга жўнатди. Ўз навбатида улар қоровулдан яна бир қисм ажратишди.

Темурнинг ҳировули ҳозирги Арис туманида Тўхтамишхоннинг зарбдор қисмига тунда ҳужум уюштириб, жиддий талафот етказди. Тўхтамишхоннинг омон қолган навкарлари Арис дарёсидан сузиб ўтиб қочдилар ва Саброн-

ни қамал қилишда машғул бўлган хонлари ёнига келиб қўшилдилар.

Яздий хабар беришича, Тўхтамиш бир неча бор муваффақиятсиз ҳужум уюштиргач, Сабронни ололмади, Яссига қараб чекинди. Шаҳарни талон-тороғ қилиб, Туркистон тепаликларида қароргоҳ кўтарди. Темурнинг яқинлашиб келаётганидан хабар топганида дарҳол қочиб қолади. Темур душман қочганини билгач, ўз ўғруқини амир Сайфиддин билан Самарқанд томон буриб, ёғийнинг изидан тушади. Саригузен (ҳозирги Сариксув)да Темур айғоқчилари ёғийнинг асосий кучларидан орқадаги қисмига етиб олади. Темур аввалига Биланда тўхтади, сўнг Саригузен ва Курчундан (Сариксув атрофидаги кичик дарё бўлса керак) ўтиб, душманни қувишда давом этади.

Шундай қилиб, Тўхтамишхон ва Темур ўртасидаги урушнинг илк босқичи Тўхтамишнинг мағлубияти билан тугайди. Ҳарбий ҳаракатлар Мовароуннаҳр тасарруфида ўтгани учун ҳам Темурнинг ғалабасини Ватан озодлиги йўлидаги фидойилиги, деб талқин этиш керак.

Мўғуллар устидан қўли баланд келган Темур илгари обдан ўйлаганидек иш тутишга қарор қилди: Тўхтамишнинг устига бостириб бормоқчи бўлди. Бу гал у Олтин Ўрда хонининг ҳужумини кутиб ўтирмади, аксинча, ўзининг катта қўшини билан Дашти Қипчоқ чегараларига бостириб кириб, уларни ўз давлати сарҳадида жазоламоқчи бўлди. Шомий ва Яздийнинг сўзларига қўра, 1389—1390 йил кеч кузида у Самарқанддан чиқиб, Сирдарёга қурилган кўприқдан ўтиб, Тошкент ва Чиноз оралигида қишни ўтказди ва баҳорда Дашти Қипчоқ сари йўлга тушади. Темур Хўжандда шайх Маслаҳат қабрини зиёрат этиб ва шаҳар аҳлига ўн минг кепекий динор садақа қилиб, Тошкентга жўнайди. Унинг бу ерда тоби қочиб қолади. Темур соғайиб, қўшинига Мирзо Мироншоҳ бошчилигидаги хуросонлик лашкарлар келиб қўшилгач, қўшинни қайта кўриқдан ўтказди, амир ва нўёнларини тақдирлаб, барча жангчиларига моддий жиҳатдан ёрдам (улуфа) берди.

Қўшин тартиби билан танишгач, унга ғажарчилар тайинлади, марказда эса одатдагидай қароргоҳи жойлаштирилди, йўлбошчилар (қиловуз) этиб Жучи улусининг шаҳзодалари — Темур Қутлуғ ўғлон, Кунчи ўғлон, Оқ Ўрда амири Идигу Ўзбеклар тайинланди.

Темур Чўлпон Малик оқадан бошқа ўзининг барча хотинлари ва амирзодаларини Самарқандга қайтариб юборди. 1391 йил 22 январь (бу Шомийдан олинган далил, Яздийда эса уч кун олдин кўрсатилган) пайшанба куни юришга чиқади. Темур Ўтрор яқинидаги Қорасаман деган жойда дам олишга тўхтаганида қароргоҳига Тўхтамишхон элчилари етиб келади.

Олтин Ўрда хони соҳибқирон Темур ҳужумига дош беролмаслигига ақли етиб, уни сиёсий музокаралар олиб бориш билан тўхтатиш ниятида ўз элчиларини¹ жўнатган эди. Аммо гишт қолипдан кўчган эди. Мавжуд тартибларга биноан элчилар иззат-эҳтиром билан қарши олинди. Элчилар мўғуллар одатига кўра, Темурга совға сифатида бургут ва тўққиз от инъом этишди. Улар аввалига Тўхтамишхоннинг хатти-ҳаракатларини кечиришларини сўрашди ва юкунганларича Темурга хоннинг номасини узатишди. Номада Тўхтамишхон узр сўраб, ўз хатти-ҳаракатини қоралаган, ёмон кишилар гапига қулоқ солиб, ноўрин душманлик кайфиятига берилгани учун пушаймон эканлигини изҳор этган эди. Бундан кейин ўзга юртлар чегарасига бир қадам ҳам босиб кирмаслигини, валинеъмати амрига сўзсиз бўйинсунишини, аҳдномага амал қилишини бот-бот такрорлаганди.

Темур бу гал шафқатсизлик кўрсатди, сиёсий музокаралар олиб боришни хоҳламади, у Тўхтамишхонни мустақилликка интилаётгани ва бу йўлда душманлик қилишдан ҳам тап тортмаслигини англаб етиб, айтганларига мутлақо ишонмади. Устига-устак, ҳарбий ва халқаро вазият ҳам Темурга катта имтиёз яратиб берган эди. “Дастлаб, — дейди Темур, — Тўхтамишнинг душманлардан қочиб, яраланган ҳолда бизга келиб қўшилгани ҳаммага аён, у ўғил сифатида тан олиниб, юқори мулозимат кўрсатилди. Мен унинг ҳаққи-ҳурмати Урусхон устига бостириб бордим, ўша қишда шунчалик лашкару отларим қирлиб, мулку аслаҳаларим зое кетди. Буларга қарамай, унинг элини Урусхон элидан ажратиб бериб, Жучи улусига хон кўтарилгунига қадар жон-жаҳдим билан ғамхўрлик қилдим, ёрдам бердим... Ҳокимият тепасига чиққач, у ўз кучу қудратига ишониб, ношукрлик, оқпадарлик қилди. Биз

¹ Шомий асарида бир элчи келгани айтилади.

Эрон заминида Форсу Ироқни забт этаётганимизда, салтанатимиз сарҳадларини яқсон этмоққа киришди. Биз, у бу каж ҳаракатига тавба қилар, ўзини қўлга олар, ярамаслигига, беўйлигига чек қўяр деган умидда эътибор бермадик. У мағрурлик шаробига тўйиб, ақлини йўқотиб қўйибдики, яхши билан ёмонни фарқлай олмай қолибди. У қўшинини иккинчи марта тасарруфимизга киритганида биз шу заҳоти унга қарши ҳужум бошладик. Лашкарларининг кўзи қўшинимизга тушиши билан қочишга тушди. Энди эса у бизнинг мақсадимизни, ўз ожизлигини билиб кечирим сўрамоқда. У ўртамиздаги аҳднома шартларини бир неча бор бузди, унинг сўзига батамом қўшилиш ақлдан эмас... Биз ўз режаларимизни амалга оширамиз, қўшинни ҳам шунинг учун тўплаганмиз, қолган гапларни эса кейинчалик ўйлаб қўрамиз...”

Кўришиб турибдики, Тўхтамишхоннинг Темурни осойишталик ўрнатишга чорлаши самарасиз тугади. Шуниси қизиқки, Темур ўз нутқида Тўхтамишхоннинг Табризга бостириб кириши ҳақида ҳеч нарса демайди. Элчиларга эса зарбоф чопон ва белбоғ ҳадя этилди. Яхши хоналарда меҳмон қилинди, хатти-ҳаракати зийраклик билан кузатилди.

1391 йил 21 февраль кунги курултойдан сўнг Темур ўз амирлари, амирзодалари билан кенгашиб, Тўхтамишхон элчиларини ўзи билан бирга олиб, олдинга қараб юрди. Қўшин Ясси, Қорачуқ (Қоратов), Саброндан ўтиб, уч ҳафта даштликда, саҳрода юрди. Юриш ғоят қийинчилик билан кечди. Натижада кўплаб отлар нобуд бўлди. 1391 йил 6 апрелда Темур Саригузен дарёсига етиб, отларини суғорди, бир неча кун шу ерда ҳордиқ чиқарди. Яздийнинг хабар беришича, Идигу Узбекнинг икки навқари хоинлик қилиб, Темур бостириб келаётганини хабар қилиш учун Тўхтамишхон тарафига ўтиб кетади.

Саригузендан сўнг яна сувсизлик бошланди, қўшин ғоят оғир шароитда илгариларди. Апрель ойининг охирларида Темур аввал Кичиктоғ, сўнгра Улуғтоғдан ошиб ўтди. Шомий ёзади: “Темур тоғ чўққисига чиқиб, атрофга назар солди, ҳаммаёқ қип-қизил саҳро. У шу ерда қўним топиб, жангчиларига, биттадан тош келтириб, кўзга ташланарли белги қолдиришни буюрди. Бу юриш хусусида вақт кўзгусида хотира қолдирмоқ истаб, у сангтарошлар-

га кун ва ой, йилни битишга буйруқ берди. Қарийб беш ярим аср ўтгач, битиктош топилиб, айни пайтда Давлат Эрмитажининг Ўрта Осиё халқлари санъати ва маданияти бўлимида сақланмоқда. Тағхатда ёзилишича, Турон хоқони Темур икки минг лашкари билан Тўхтамишхондан хун олиш учун йўлга чиққан. Соҳибқирон кўшини душманни ёппасига тутиб олиш мақсадида Жилончиқ дарёсига (Шимолий Қозоғистондаги дарё ва тоғ номи) етиб келади ва шу ерда ҳордиқ чиқаргани тўхтайди. Дарёдан ўтиб, саккиз кун йўл босиб, Анақарқуюнга (Шимолий Қозоғистондаги Омонқарағай бўлса керак — М.А.) етиб келишади. Юриш бошлангандан буён тўрт ой вақт ўтган эди. Кўшин кимсасиз дашту саҳролар оша илгарилайверганидан озиқ-овқат тақчиллигига дуч келади. Қимматчилик кун сайин кучайиб боради, бир кўйнинг ҳам, катта ўлчамдаги бир ман¹, (яъни 16 ман шаръий) ноннинг нархи ҳам 100 кепекий динорга етди. Яздий маълумотига қараганда, Темур озиқ-овқатни тежаш учун нон ёпишни, пилама, чучвара, умуман хамир овқат тайёрлашни қатъий ман этади. Барча кўкат аралаш бугдойдан қилинган обиёвғон билан чегараланади. Фармон шу қадар қатъий эдики, лашкарбошилар — туманбегилар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар унни тилхат — мучилка бериб олишарди.

Жангчилар овқат топиш илинжида йўл-йўлакай даштда тентираб юришарди. Май ойи бошларида соҳибқирон жангчиларга ов қилиш учун рухсат берди, бу кўшин таъминотига баракали таъсир кўрсатди.

Шундан сўнг, Абдураззоқ Самарқандий хабар беришича, Темур кўшинни кўриқдан ўтказди. Жанговар қисмлар ва кўшимча кучларни чақириб олди, қатъий қондага биноан совут, қурол ва бошқа зарур асбоб-ускуналарни кўздан кечирди, ҳар бир навқарга укулка ва инъомлар берди. Кўшин ҳар ёқдан келиб, кўриқ жойига тўпланди. Ҳазрати олийлари туманларга, лашкарларга бирма-бир серсолди. Озиқ-овқат таъминоти ёмонлашган пайтда, Темурнинг баъзи жангчилари егулик топиш илинжида чор тарафга тарқалиб, ўз қисмларидан ортда қолиб кетган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас эди.

¹ 4 килограммга тенг оғирлик ўлчови.

Кўрик тамом бўлгач, ўша йилнинг 12 майида манглай қисмга набираси Мирзо Муҳаммад Султонни сардор таъин этиб, таниқли амирлар назорати остида олдинга жўнатди.

Темур манглай қисмга ёғийларнинг нияти, шароити билан батафсил танишишни, эҳтиётсизликка йўл қўймасликни қатъий буюрган эди. Уларнинг ортидан дарҳол асосий қўшин билан Темурнинг ўзи ҳам йўлга чиқди. Тобол дарёсидан ўтиб, ҳировулга етиб олди.

Яқиндагина ёқилган гулханлар кулидан душманнинг шу орада экани ошкор бўлса-да, лекин Темур ҳали ишончли маълумотлар олмаган эди. Душман Темур қўшинидан қочиб, тобора ортидан эргашишга мажбур этаётгандики, бу ҳол уни безовта қилмасдан қолмасди. Ёғий анча олис-олисларга бориб тўхтарди. 1391 йил 29 майда Темур Ёйиқ (Ўрол) дарёсига етиб келади. Ғажарчилардан бири дарёнинг уч жойида Айғир Ёли, Бур кичид, Чампа кичид деган кечувлар борлигини маълум қилади.

Ҳарбий ишларда зукко ва топқир, мулоҳазакор Темур душман ҳийласидан хавфсираб, ўша кечувлардан ўтмасликка аҳд қилди. У дарё оқимиغا терс томон юрди. Олти кун йўл босиб Темур Самур дарёсига етиб келди ва шу ерда душманга юзма-юз бўлди. Мирзо Муҳаммад Султон ёғийлардан бирини асирга туширди. Тутқун элнинг катта қисми шу ерда бўлгани, Темур қўшини келаётганидан хабар толиб қочганини айтади. У Темурга қўналга ва ўтиш жойларини кўрсатади. Ёғий йўналишидан хабар топган Темур жангчиларга асосий қўшиндан ажралмасликка, кечалари ўт ёқмасликка қатъий фармон берди. 1391 йил 4 июнда у Ёйиқ дарёсини кечиб ўтди.

Тўхтамишхон аскарларидан яна уч киши тутиб олинганида, улар Темур қўшинлари яқинлашиб келаётганини Идигунинг қочиб кетган икки навқаридан эшитганини, Тўхтамишхон ўз қўшинининг чап ва ўнг қанотларини тўплаб, Қирққўл (ҳозирги Челябинск) деган жойда қароргоҳ кўтариб, ҳамон қўшин сонини ошираётганини таъкидлашади.

Темур кутилмаган жойда Ёйиқ дарёсидан кечиб ўтиб, Тўхтамишхоннинг пистирмадан туриб хужум қилиш ниятларини пучга чиқарди. Соҳибқирон нариги қирғоққа ўтгач, қўшинини дам олгани тўхтатди ва қайта кўриқдан

ўтказди: жангчиларга совут ва қалқонларини тайёрлаб, қатъий интизом сақланишига, ҳушёр туришга буйруқ берди. У яна аскарларига инъомлар улашди. Кўп ўтмай Темурнинг қоровул гуруҳлари душман лашкарларининг бир қисмини кўриб қолди. Бундан хабар топган Темур қоровул қисмга етиб олиб, қўшинларига жанговар сафга тизилишни, қанотларни ёйиб, ортидан олға юришга буйруқ берди. Қоровул бўлак яна бир ёғийни тутиб олди ва у сўроқдан сўнг қатл этилди.

Тутқун Тўхтамишхоннинг нияти душманни ортидан ҳийла билан эргаштириб, ҳолдан тойдириб, енгиш эканини айтиб берди. Асир Темурга “Тўхтамиш Сизда озиқ-овқат таъминоти ёмонлигидан хабардор, шунинг учун сизни янаям ичкари юришга жалб этмоқчи”, дейди.

Абдураззоқ Самарқандий баён этишича, Темур бахтиқаро тутқунни ўлимга ҳукм этади ва Сунжеқ баҳодир, Арғуншоҳ баҳодирни айғоқчиликка жўнатади. Улар қанчалик юрмасин ёғий ҳақида ҳеч қандай маълумот ололмайдилар. Шундагина Темур бечора асирнинг айтганлари рост эканига ишонди. Пировардида у навкарларига кечаси чироқлар ёқилмаслиги, шом намозидан сўнг чодирдан чиқмаслиги ҳақида буйруқ берди.

Сунжеқ баҳодир ва Арғуншоҳ баҳодирнинг айғоқчилиги наф бермагач, Темур кичик қўшин билан Мубошширни айғоқчиликка жўнатиб, ёғий ҳақида бирон хабар олмасдан туриб ортга қайтмасликни тайинлайди. Тез орада Мубошшир гуруҳи Тўхтамишхоннинг қирқ йигитини асирга тушириб келади. Аммо Тўхтамишхон Темур қўшинларини тобора ўз ортидан эргашिशга мажбур этарди. Узоқ юришлар ва озиқ-овқат тақчиллиги Темур қўшинини мушкул ҳолга солиб қўйган эди. Асирлар таъкидича, Тўхтамишхон бундан олдинроқ жарчилар орқали қўшинни Куруққўлда тўпланишига буйруқ берган экан. Қўшин ўша буйруққа биноан тўпланади-ю, аммо хоннинг ўзи келмайди ва Темур айғоқчилари томонидан асир олингунга қадар тентираб юришади. Сарой Беркалик бир асир ҳам хоннинг ўз белгилаган жойга келмаганини айтади.

Тўхтамишхон рақибини олис йўлда ҳолдан тойдириб, ғалабага эришмоқчи эди. Лекин Темур барча мушкулликларга қарамай душманни қувишда давом этарди. У жонжаҳди билан Тўхтамишхоннинг асосий кучларини қиди-

рарди. У бирин-кетин икки марта ишончли далиллар келтириш учун айғоқчилар юборди. Тез орада амир Ики Темур бошчилигидаги қоровул қисм Тўхтамишхон қўшини ботқоқзорда тўпланганини сезиб қолади. Олишув натижасида Ики Темур ва бошқа лашкарбошилар шахид бўлади. Аммо Темур ёғийнинг асосий кучи қаердалигини билиб олади.

Шомий ва Яздий фикрича, Темур мазкур юришда Ёйиқ дарёсидан бошқа яна бир дарёдан кечиб ўтган. А. Мюллернинг айтишича, у Волганинг ирмоғи саналган Қундузчадир. Хаммер эса бу дарёни Биал деб атайди.

Қоровул қисм мағлубиятга учрагач, Темур Сайфиддин ва Жаҳоншоҳ амирлар назорати остида Қундузча дарёсига етиб келиб, рақибнинг ҳамласига қарамай бутун қўшини билан ундан кечиб ўтади ва душманни чекинишга мажбур этади.

Муаррихларнинг фикрича, кечувда Темур қўшинлари бемисл матонат кўрсатганлар. Темур жангда бошқаларга ўрناق бўлган саркарда ва навкарларини алоҳида тақдирлади. Ёғий билан курашда амир Ҳамиднинг ўғли Жалол баҳодир жасорати барчани қойил қолдирди ва у кимхоб чопон билан мукофотланди. Шижоати баланд бўлган бошқа жангчилар ҳам муносиб тақдирланди. Кўпчилик тархон ёрлиғига сазовор бўлди, уларга ҳукмдор ҳузурига бемалол кириб-чиқиш ҳуқуқи берилди. Уларнинг ўзи ва болалари барча солиқлардан озод этилди, болалари тўққиз мартагача ҳар қандай номуносиб хатти-ҳаракати учун жазодан халос этилажаги қайд этиб қўйилди. Темур кечувдаги жангда ўрناق кўрсатган Шохмаликка (кейинчалик у Улуғбекка ҳомийлик қилган) катта ишонч билдирди, уни юқори мартабага кўтариб, парвоначи муҳрини топширди.

Темур мазкур юришда, юқорида кўрганимиздек, Кулзум денгизи ёқалаб эмас, аксинча, Волга дарёси бўйлаб шимол сари отланди. Яздий бу ҳақда шундай ёзади: “Орадан олти ой вақт ўтди, унинг музаффар байроғи шимолга томон силжий борди. Шундай жойга етиб келишдики, шом тушгунга қадар субҳ нишонлари намоён бўларди. Қуёшнинг шимолий буржда бўлиш вақти ҳисобга олинди, шом намозини ўқиш... мажбурий эмас эди”.

Тўхтамишхон Дашти Қипчоқ ич-ичига тўхтовсиз кириб борарди, унинг орқадаги сарбозлари деярли ҳар куни

кўриниш бериб турарди. Қочоқлар ва таъқибчилар изма-из йўл босишарди. Тўхтамишхоннинг қулай пайт келиши билан кўққисдан ҳужумга ўтиш нияти, шубҳасиз, Темурга ором бермасди. Темур ўз кучларини бир жойга йиғиб, қандай бўлмасин ёғийни тўхтатиб, жангга киришни истарди. У шундай мақсад билан йиғирма минг суворийдан иборат ҳировул қисмини ўғли Мирзо Умаршайх ва бошқа тажрибали амирлар етакчилигида олдинга жўнатди. Улар эртасигаёқ Тўхтамишхон қўшинининг орқа томонига етиб олишди.

Темур қатта жангга пухта ҳозирлик кўрарди. У 1391 йил 18 июнда Қундузчада душманни қувиб етиб, қўшинини жанговар ҳаракатга солди. Юқорида айтганимиздек, Темур бу урушда янги тактика қўллаб, қўшинини еттита мустақил қўлга ажратди. Қанот қисмларига ўғилларидан Мирзо Мироншоҳ ва Мирзо Умаршайх, марказига эса набираси Мирзо Муҳаммад Султон бошчилик қилди.

Хон эса ўз қўшинини эскича, мўғул тартиби бўйича (ўнг ва чап қўл, марказ) жойлаштирди. Уларга Жучи улусининг таниқли амирларидан Тоштемир ўғлон, Бек Ёрлик ўғлон, Илйиғмиш ўғлон, Сулаймон Сўфи Қўнғирот (Хоразмнинг собиқ ҳукмдори), Наврўз Қўнғирот ва бошқалар қўмондонлик қилди.

Темур жанг олдидан ўз одатига кўра жуда совуққон эди. У сон жиҳатдан устун бўлган душман кучлари яқинлашаётганини сезиб, уларни менсимаётгандай кўриниш учун бутун қўшинга дам олиш ва чодир тикишни буюрди. Тўхтамишхон Темурнинг бу бепарволигидан ҳайратга тушади ва қўшин сафларини жанговар ҳолатга тайёрлашга киришади. Абдураззоқ Самарқандий буни шундай баён этади: “Темур ўз қўшинига чодир тикишни ва ҳар бир чодир ичида бир ёки иккитадан чироқ ёқишни буюрди”.

Поёнсиз чўлда узоқ ва оғир йўл босиш, озиқ-овқат тақчиллиги Темур қўшинига анчагина талафот етказди. Бунинг устига у ўз мамлакатидан олисда эди ва зарур бўлиб қолганда ёрдамчи куч чақириб олиш имконига эга эмасди. 1391 йил 18 июндаги ҳал қилувчи жанг Тўхтамишхоннинг устунлиги билан бошланди. Бу муваққат устунлик ҳам Темурнинг жазавасини кўзга татолмади. У жанг олдидан отдан тушиб хотиржам икки ракаат намоз ўқиди ва

яна отига миниб олға талпинди. Ҳар икки томонда ҳам ноғоралар наъраси тинмас, “Сурон” деган хитоблар янгарди. Расмий тарихчиларнинг ёзишича, Темур жангчилари беҳад жасорат кўрсатганлар. Ўнг қанотдаги канбулга кўмондонлик қилган амир Сайфиддин Ҳожи биринчи бўлиб жангга кирди ва душман кучларини парчалаб ташлади. Ёғий Темур кўшинлари ўнг қанотидаги канбулни айланиб ўтмоқчи бўлиб, қаттиқ ҳужум уюштирди, аммо қақшатқич зарбага дуч келиб, қочишдан ўзга йўл тополмади. Шундан сўнг Мирзо Муҳаммад Султон ҳам марказдан туриб кескин қарши ҳамлага ўтади. Шундай қилиб, Тўхтамишхон кўшинларининг марказ ва ўнг қаноти кучсизланиб, мовароуннаҳрлик навкарлар ҳужумига бардош беролмайди. Бироқ Тўхтамишхон ҳарбий кучини Умаршайх етакчилик қилаётган чап қанотга йиға бошлади. Улар Темур аскарлари қаршилигини енгиб, душман орқасига ўтишга эришди. Темур кўшини мушкул аҳволга тушади. Тўхтамишхон марказ ва қанот бўйлаб жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди. Жаҳонгирнинг мағлубиятга учрашига сал қолди. Аммо сараланган 20 бўлақдан иборат заҳира кучи жанг тақдирини ҳал қилди. Бу кўшин энг қалтис дамларда шахсан Темурнинг фармони билан урушга кирарди. Темур асосий кўшин ва заҳира кучларни ўзи майдонга олиб кирган эди. Ҳужум унинг устунлигида кечди. Тўхтамишхон ўз кучларидан ажралиб, душман ортида қолиб кетгач, мағлуб бўлганини сизди ва мулозимларидан аввал қочишга тушди. Олтин Ўрда кўшинининг катта қисми талафотга учради. Тўхтамишхоннинг ўзи ҳалок бўлишига бир баҳя қолди. Қундузчада Темур ана шу тариқа зафар кучган эди.

Яздий бу жангни шундай тасвирлайди: “Темурнинг музаффар байроғини кўрган Тўхтамишхонда қатъият йўқолди. У хон ва тахт алами сувига қўлини ювиб, қўлтиғига артди ва тахтга яна қайтиб чиқиш умиди чиппакка чиқаётганини билиб, ўз жонини бермаслик ғамида, учкур отининг жиловини бурди ва минг бир ҳйла билан қутулиб қолди... У қочишни афзал билган эди”.

Ғалабадан сўнг Темур ўз амирлари ҳамда ўғилларидан табриклар қабул қилди, улар давлатпаноҳни бош эгиб, севинч-ла қутлашди, бошидан қимматбаҳо совғалар сочишди.

Ўз навбатида Темур ҳам ғалаба билан жангчиларини, амирларини тақдирлади. Сўнгра ўз кўшини орасидан 70

кишини танлаб олиб, чекинаётган Тўхтамишхон кўшинини таъқиб этишга жўнатди. Яздий бу тафсилотни куйидагича тасвирлайди: “Итил дарёсига етиб келдилар, ортларида эса ҳалокатга маҳкум этгувчи қилич ўйноқларди. Дарёнинг нарёғига қочиб қутулишга, паноҳ топишга йўл йўқ, бу томонда эса афв, кечиримга ўрин йўқ... Олдинда одамни бўйлатмайдиган сув офати, ортда эса қилич офати бўйнинг тагида, ана шу боисдан ҳам уларнинг аксарияти ўзини сувга ташлади”.

Алалхусус, Тўхтамишхон жангчиларидан бир қисми жангда, бир қисми дарё тўлқинлари орасида жон узди. Оз сонли лашкаргина кулфат гирдобидан қутула олди. Темур кўшини катта ўлжага эга бўлиб қолди. Мағлубларнинг бекалари ва хотинлари ғолиблар кўлига ўтди. Улар Саройдан то Азов денгизигача бўлган шаҳарларни мусодара қилдилар. Яздий ёзади: “Ўрдадаги айрим кишилар не-не машаққат билан зарур озиқ-овқат топишарди, уларнинг кўй ва йилқиларни ортларига чекинаётганларида ҳайдаб кетишга ҳам ҳоллари келмай қолди... Темур қароргоҳида хури монанд қизлар ва жувонлар шунчалик кўпайиб кетдики, уларнинг сони беш мингдан ошарди”.

Ибн Арабшоҳ Кундузчадаги жангда Саид Барака катта хизмат кўрсатгани ҳақида шундай ёзади: “Кўшинлар бири-бирига ўзаро зарба бераётган, Темур кўшини бўлак-бўлак бўлиб, марказдан узилиб қолган пайтда Саид Барака майдонга тушди. Танг аҳволда қолган Темур: “...Пирим Саид Барака, кўшиним қочишга тушмоқда”, деб унга мурожаат қилди. Саид: “Чўчима!” — деди. У отдан тушиб, бир сиким тупроқни олди-да, ўзининг бўз отига қайта миниб, жон-жаҳди билан савашаётган душман томонга қарата: “Ёв қочди!” дея сепиб юборди. Шунда қанотлар бирлашиб, жасорат намуналарини кўрсатиб, иноқлик билан ёғийга ҳужум бошладилар. Душман саросимада қолиб, орқа ўгириб қочишга тушди”. Темурнинг бошқа тарихнавислари ҳам Кундузчадаги жангда Саид Барака ўрнига катта баҳо берганлар. Жумладан, Шомий асарида ўқиймиз: “Темур ўзига йўлдошлик қилган Саид Барака каби саидлар этагида паноҳ топди”. Яздий эса бундай ёзади: “Темурнинг кундан-кунга ошиб бораётган қудратини тарғиб этувчилардан бири бўлган Саид Барака мудом унга худодан зафар тиларди: “Ёғийнинг юзи қора бўлсин!” деб ғаним-

лар томон бир сиқим тупроқни сочиб юборди-да, Темурга: “Истаган ерингга тап тортмай оёқ босавер, галаба сен томонда!” деди. Қундузчадаги жанг тафсилотини ёритишда Ибн Арабшоҳ янглишган. Чунки у кейинги жанг тафсилотини Сирдарё соҳилларида бўлган деб ҳисоблайди: “Улар (Тўхтамиш ва Темур — М. А.) Хўжанд (Сирдарё) бўйидаги Туркистонда учрашдилар”.

Темурнинг 1391 йили Дашти Қипчоққа қилган юришида Жучи улусидан бўлган икки хонзода (Темур Қутлуг ўғлон ва Кунчи ўғлон) ҳамда Оқ Ўрда амири Идигу Ўзбек ҳам қатнашади. Улар Тўхтамишхонга рақиб бўлиб, у ҳокимиятни бошқаришини хоҳламас эдилар. Тўхтамишхон Польша ҳукмдори Ягайло ва Литва князига 1393 йил ёзган ёрлиғида давлат хоинлари ҳақида ўзи хабар берган эди. (Қаранг: И. Н. Березин. Ханские ярлыкы 1. Ярлык хана Золотой Орды Тохтамыша к польскому королю Ягайлу. В. В. Радлов. Ярлык Тохтамыша и Тимур-Кутлуга. Т. 3, стр. 6.)

Шуниси қизиқки, ёрликда хонзолалар Темур Қутлуг ўғлон ва Кунчи ўғлон ҳақида мутлақо гапирилмаган. Идигу эса оддийгина исёнкор хонзода сифатида тилга олинган.

1391 йилги мағлубиятидан сўнг Тўхтамиш ўз ожизлигини тан олиб, Темурга қарши курашиш учун иттифоқдошлар қидиришга тушди. У Польша ва Литва ҳукмдорларига яқинлаша бошлади. Тўхтамиш Литва ҳукумати Фарбий Рус ерларини эгаллашига тарафдор эди. Буни Темурга қарши иттифоқ воситаси деб биларди. Худди шу мақсадда 1393 йили Тўхтамишхон элчилари Краков шаҳрига боради ва Ягайло томонидан зўр ҳурмат билан кутиб олинади. Олтин Ўрда ва Литва давлатлари ўртасида қандайдир битим тузилгани ҳақида чет эл муаллифлари асарларида ишоралар бор.

Дашти Қипчоққа зафарли юришдан сўнг юқоридаги уч ҳамроҳ ўз элларига қайтмоқчи бўлади. Темур уларнинг ўз мулкларига ҳеч бир қаршиликсиз қайтиши учун ёрлик тутқазади. Ўзи эса ёғийни қувишга кетган қўшини ортидан бориб, Қуйи Волга бўйидаги Ўртепага етиб, қароргоҳ тикади. Темур Қутлуг қулай имкониятдан фойдаланиб, яна Олтин Ўрда тахтига чиқиш йўлларини қидирди ва Темур ҳузурига қайтиб келмади.

Идигу (Едигей) эса ўз табиатига кўра аввал Урусхонга, сўнгра Тўхтамишхонга, энди эса Темурга хоинлик қилган

эди. У ўз мулозимларини даштда қидириб топиб, давлатни бошқаришда Нўғой ва Мамай вужудга келтирган турли-туман ҳийла-найранглар анъанасини давом эттирди. Фақат Кунчи ўғлон ўз мулозимлари билан Темур ёнига қайтиб келади ва у самимий қарши олинади. Темур мазкур юришдан қайтаётганида, Ёйиқ атрофида Кунчи ўғлон Дашти Қипчоқ томон ўз одамларини олиб кетди.

Ёйиқ дарёсини кечиб ўтишда Темур Ҳожи Сайфиддин ва бошқа амирларни ўғруқда қолдириб, ўзи Самарқанд сари шошилди. 1391 йил сентябрь ойи охирларида у Ўтторга яқинлашди. Кўп ўтмай Темур Чинозга келиб, қароргоҳ кўтариб, қишни шу ерда ўтказди.

Шундай қилиб, иккинчи жангда ҳам Темурнинг қўли баланд келди. Тўхтамишхон қўшини ўз давлати ҳудудида мажақлаб ташланди. Бироқ Темур жануби-шарқий Европани босиб олмоқчи эмасди, у Олтин Ўрда кудратини парчалаб ташлаб, тахтга ўзига тарафдор бўлган Жучи авлодларидан бирини чиқазмоқчи эди. Чунки бепоён дашт аҳолиси кўчманчи ҳаёт кечирарди, унинг ягона нияти Қора ва Каспий денгизи йўналишидаги катта савдо марказларини йўққа чиқариш эди. У худди шу мақсадда Сарой Берка, Ҳожитархон ҳамда Қримдаги бир қанча шаҳарларни яксон этдики, бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

Жучи улуси устидан ҳукмронлик қилиш учун Тўхтамишхонда ҳали етарли куч бор эди. Темур кетиши билан у яна Олтин Ўрда тахтига ўтирди.

Тўхтамишхон устидан ғалаба қозонган Темур кейинги йили яна Эронга бостириб борди. 1392—1393 йили Аҳмад Жалойирий ва Темур ўртасида яна ҳарбий ҳаракатлар бошланиб кетди. Бу галги курашнинг ғалаба билан якунланишига Тўхтамишхон бошлаган янги уруш халақит берди. Юқорида айтганимиздек, Темур Кундузча жангида ғолиб чиқиб, улкан бойликка эга бўлгани билан Олтин Ўрда давлатини тўла парчалаб ташламаган эди, оқибатда Тўхтамишхон тезда эс-ҳушини йиғиб олиб, яна улкан қўшин тузишга эришди.

1393—94-йили Темур Шекида (ҳозирги Озарбайжоннинг шимолий қисмида) турган пайтда Тўхтамиш Кавказорти вилоятларига ҳужум уюштириб, ўз қўшинини Дарбанд довонидан олиб ўтди ва ширвоншоҳлар тасарруфига

бостириб кирди. Аини маҳалда ширвоншоҳлар сулоласининг тўртинчи вакили шайх Иброҳим Дарбандий (1382—1417) мазкур ўлкага ҳукмронлик қиларди. У 1386—87-йилларда Темурга тобелик изҳор этганди.

Темур Тўхтамишхонга қарши янги юришини Волга бўйини тарк этганига роппа-роса уч йил тўлганида бош-лашга қарор қилди. Дашти қипчоқликлар Ширвон вилоятига бостириб кирганини соҳибқирон Кура дарёси бўйларида эшитган эди. Ёғий билан юзма-юз бўлиш мақсадида у Шекидан чиқиб, Кура бўйлаб юрди. Афсуски, душман қўшинига дуч келмади. Икки бор мағлубият аламини чеккан Олтин Ўрдалиқлар Темур қўшини ҳаракатга тушганидан хабар топиб дарҳол чекинишга мажбур бўлди. Жаҳонгир ёғийнинг ортга қайтаётганидан воқиф бўлгач, 1394—95-йилги қишлоғни Кулзум денгизи бўйидаги Маҳмудобод яйлоғида ўтказди.

Баҳор кириши билан Темур ўз қўшинини Олтин Ўрда худудида жанг олиб боришга ҳозирлади. У ўз одатига биноан саваш олдидан аскарларига улуфа улашди. Маликаларни карвонга қўшиб, Султонияга жўнатиб юборди. Сароймулкхоним ўз мулозимлари, кичик амирзода ва хонимлар билан Самарқандга қайтиб кетди. 1395 йил 28 февралда Кулзум денгизи бўйлаб Дарбанд сари юрди. Ибн Арабшоҳнинг қайд этишича, ширвоншоҳ Иброҳим Дарбандий Темур қўшини яқинлашаётганидан хабар топиб, ўзининг содиқлигини намоён этиш учун унга пешвоз чиқди. У бу билан тахтда қолмаган тақдирда ҳам Темур газабини сўндириш ниятида эди. Дарбандий ўз аскарларини мамлакатнинг турли бурчакларига тарқатиб юбориб, одамларга шаҳарларни безаш ва тинч меҳнат билан шуғулланишга фармон берди. Шунинг баробарида у Темур номини хутбага қўшиб ўқиш, соҳибқирон номи ёзилган тилла ва қумуш тангалар зарб этишга буйруқ қилди. Сўнг у совғаларни олиб, Темурга пешвоз чиқди, ҳурмат-эҳтиром билан қаршилаб, қадимий одатга кўра, унга ноёб нарсаларнинг ҳар туридан тўққизтадан совға қилди. Ширвоншоҳ ўзи билан саккиз мулозимини олган эди, совғани қабул қилувчилар “Тўққизинчи мулозим қаерда?” деб сўраганларида у: “Тўққизинчиси ўзимман!” деб жавоб қайтарди. Унинг сўзидан Темур қувониб кетиб: “Йўқ, сен менинг ўғлим, ушбу мамлакатдаги ноибим, таянчим бўла-

сан”, дейди. Шундан сўнг Темур шайх Иброҳимга ким-хоб либос ёпди ва уни тож-тахтини идора этиши учун қайтариб юборди.

Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги кураш тарихий ҳужжатларни танқидий нуқтаи назардан баҳолаш учун ҳам муҳимдир. Биз бу ўринда ибн Арабшоҳ талқинини кўзда тутаётимиз. Унинг ҳикояларида рус тарихий манбаларида Едигей номи билан довруғ қозонган паҳлавон Идигу асосий ўрин тутди. Аммо бу тарихчи тарихий ҳақиқатдан кўра кўпроқ хаёлга суянади. Тарихий Идигу табиатига афсонавий Едигей сиймосини қўшиб юборади. Ибн Арабшоҳ ёзишича, Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги уруш келиб чиқишига Едигейнинг ғаламислиги сабаб бўлади. “Бу мамлакатни (Олтин Ўрдани — М. А.) босиб олишга бошқа асос йўқ эди, у (Темур — М. А.) бунга эҳтиёж сезмас эди. Тўхтамишхон қўшинининг чап қанотдаги саркардаси, маслаҳатчиси ва вазири амир Идигу кулфат келиб чиқишига сабаб бўлди. Аммо Идигу Тўхтамишнинг фикри ўзгарганидан хабар топиб, ўз ҳаётидан хавфсирай бошлади. Чунки Тўхтамиш баджаҳл ва шафқатсиз эди. У хон қаҳрига йўлиқишини сезиб, кўнглини овлашга ҳаракат қиларди. Кунларнинг бирида бўлган зиёфат чоғида кайфи ошган Тўхтамиш Идигуга қарата: “Бир кунмас бир кун сенинг ҳам, менинг ҳам куним битди. Сен оч-наҳор дунёи дунда тентираб юрасан, ўлимингни ҳам ана шу пайтда топасан”, дейди. Аммо Идигу кўнглини хушлашга уриниб: “Жаноби олийлари, хоқоним, қулингизга ҳеч қачон ёмонлик қилмагансиз, ўзингиз ўтказган ниҳолни нобуд этманг, ўзингиз қўйган пойдеворни ўзингиз бузманг”, деб жавоб қайтаради. Бу суҳбат олдинги шубҳаларини янада мустаҳкамлайди, у ақлини йиғиб, оғир аҳволдан қутулиш учун бор зийраклигию айёрлигини ишга солади... Чунки у Тўхтамишхон барибир ўз ниятини амалга ошириши муқаррарлигини биларди. Шунда у хизматкорлари ва шахсий соқчилари орасидан сирғалиб ўтиб, зарурат юзасидан ташқарига чиқаётгандек бўлиб, тўғри Тўхтамишхон сайхонасига ошиқди ва ҳар эҳтимолга қарши эгарлоғлик турган бедов отига минди-да, ишончли сирдошларидан бирига: “Мени излаган одам Темур қўшинидан топади, лекин бу сирни Даштдан чиқиб кетгунимга қадар ҳеч кимга билдирма”, деди. Бу тўқима лавҳа Идигунинг замондош-

лари, хусусан, Арабшоҳ ва бир талай ғарб тадқиқотчилари асарларидан ўрин олган. Масалан, П. М. Мелиоранский бу лавҳани ҳақиқат деб қабул қилади.

Тўхтамишнинг Польша ҳукмдорига битган ёрлиғида Идигу ҳақида шундай жумлалар бор: “Учинчи йили Темурни алдаб чақириб олишлари учун айрим ўғлонларга Бекбўлат, Ҳожимуҳиддин, беклардан Бекиш, Турдичоқ Берди ва Довуд ҳамда Идигу деган кишини бош этиб жўнатдик”.

Ибн Арабшоҳ Идигунинг Темур ҳузурига келишини ҳам тасвирлашга уринган: “У Темур қўлидан ўпиб, унга ўз қисмати ва бахтсизлигини баён этди: “Сен узоқ ва олиб бўлмас маконларни қидирасан, бунинг ҳаққи-ҳурмати ўзингни энг хавфли ўчоқларга урасан, тоғу даштларни кезасан, олис йўлларга чиқасан. Бу ерда эса сенга шунчалик енгил мукофот борки, уни сен ҳеч бир қийинчиликсиз эгаллайдсан, бундан сен нега қайтаяпсан, дангасалик қилаётирсан, шубҳага бориб, вақтни ўтказасан? Қатъий тур, мен сенга мадад берай, сенга қаршилиқ кўрсатадиган қалъа йўқ, йўлингни тўсадиган истеҳком йўқ, қилич йўқ, чекинишга мажбур этадиган қурол йўқ, сенга ҳужум қиладиган аскар йўқ; улар тартибсиз бир тўдадир, одамларнинг савияси паст, заҳираси эса пуч ва мужмал, хазинаси эса бўм-бўш”. У (Идигу — М. А.) Темурга хушомад қилар, ялиниб-ёлворар, ишонтира бошларди”.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур бу тилёғламаликка лаққа ишониб, шошилиш равишда Дашти Қипчоқни босиб олиш учун отланади.

Ҳолбуки, Темур билан Тўхтамиш ўртасидаги урушда бундай воқеа содир бўлмаган. Аммо Темурнинг урушга киришиши ва ғалаба қозониши тасодифий эмас эди. Бу вақтда Мовароуннаҳр давлатига қарши тура оладиган рақиб ҳам, ҳукмрон синф вакиллари ўртасида эса қарама-қаршилиқлар ҳам йўқ эди. Олтин Ўрдада эса тартибсизликлар ҳукм сураб, кўчманчи амалдорлар ўртасидаги бирликка путур кетганди. Тартибсизлик ва ўзаро урушлар ўлка ичидан емирилаётганини кўрсатарди. Тарихий Идигу эса Темур сафига ибн Арабшоҳ ёзганидан кўра анча олдинроқ кирган эди. Тарих саҳнасига у Тўхтамишхон билан бирга чиққан. Яздийнинг гувоҳлик беришича, Темур Бухоро атрофида, яъни Тўхтамиш 1376—77-йили Урусхон-

нинг ўгли томонидан енгилиб, соҳибқирон қароргоҳига келганида Жучи улусининг амирларидан бири, манғит уругидан бўлган Идигу Урусхондан қочиб, душман ёпирилиб келаётгани ва Тўхтамишни қидираётганини унга етказди. Ўша пайтда Идигу ва Тўхтамиш ўртасида дўстлик муносабатлари барқарор, мустаҳкам эди.

Кейинчалик, у 1391 йилга қадар Темур Қутлуғ ўғлон, Кунчи ўғлон билан биргаликда Темурнинг Тўхтамишхон устидан зафар кучишига мадад берган, сўнг ҳокимиятга талпиниши боис кўчманчи элдошлари ҳузурига қайтиб кетган эди. Ибн Арабшоҳ асаридан бошқа барча шарқ манбаларида Идигу сиймосига муҳаббат билан ёндашилмайди. Фирром, ваъдасига вафосиз, шахсий манфаатлари йўлида истаган пайт ўз ҳукмдорини алдаб кетувчи киши сифатида ёритилади. Темурнинг ҳар бир ғанимини оқлашга уринган ибн Арабшоҳ Идигуни идеаллаштириш баробарида унинг ташқи қиёфасини ҳам чизади: “У деярли ярғоқбош, дўнгпешона, ўрта бўй, жуссадор, жасур, кўриниши ваҳимали, ақли, сахий, зийрак ва хушёр (кишидир)”.

Идигу шахсиятига В. Бартольд холис баҳо берган, у Олтин Ўрда амирини ҳар қандай идеаллаштиришга қарши фикр билдирган. Унинг ёзишича, агар афсонавий дostonдан қочиб, ҳақиқий тарихга суянилса, унинг табиатида ишончсизлик етакчилик қилгани аён бўлади. Урусхонни тарк этиб, Тўхтамиш деб отасидан воз кечиб, сўнг Тўхтамишнинг ўзига ҳам хоинлик қилади ва 1391 йилда Темур қўшинига келиб қўшилади. Шу йилиёқ уни ҳам тарк этади.

Темур юришига қайтайлик. Темур қишловдан туриб Шамсиддин Олмалиқий орқали Тўхтамишхонга таънадан иборат мактуб юборади ва гарчи уни уруш билан чўчитсада, барибир тинчлик ўрнатишга таклиф этади.

Шомий ва Яздийнинг сўзига қараганда, нотикликда моҳир бўлган Шамсиддин Олмалиқий Тўхтамишхонни тинчлик ўрнатишга деярли кўндирган. Лекин у атрофидаги лаганбардор аёнларнинг гапига кириб, Темурнинг номасига масхараомуз жавоб қайтаради.

Темур ўз элчиси қайтишини кутмасдан жангга кирди. Мўғул ва турк ҳарбий юрушларидаги одатга кўра, чап қанот олдинда борган.

Шамсиддин Олмалиқий Тўхтамишхон ҳузуридан қайганида, соҳибқирон қўшини Самур дарёсига етиб борган

эди. У Темурга Тўхтамишхоннинг кўпол ва ҳақоратомуз жавобини сўзлаб берди. Олтин ўрдаликларга ишончи қолмаган Темур кўшинига кўрик учун жанговар сафга тизилиш ҳақида буйруқ қилди. У кўшинини яна етти бўлакка ажратди. Бу гал сон жиҳатдан устунлик Темур тарафида эди. Яздийнинг фикрича, Темур кўшинининг чап қанотидаги канбули Эльбрус тоғи этагига кириб борган, ўнг қанот канбули эса Қулзум денгизига етиб келган эди. Темур жангта киришидан олдин шахсан ўзи қанотларни ва марказий бўлақларни, жангчиларнинг қурол-яроғини кўздан кечирди, уларга ваъдалар бериб, кўнглини кўтарарди.

Сўнг Темур кўшини олдинга йўналиб, Дарбанд орқали Эльбрус тоғи этагига етиб келди, шу ерда расмий муаррихлар таъкидлаганидек, Тўхтамишхон тарафдорлари бўлган кайтагалар билан юзма-юз учрашди. Темур уларни қириб ташлашни ва мол-мулкани талон-торож қилишни буюрди. Аммо, кайтага деганда қайси этник гуруҳ кўзда тутилиши қоронғи, чунки XIV асрда кайтага икки гуруҳга ажраларди: уларнинг бири шу кунга қадар яшаб келаётган доғистонликлар бўлса, иккинчиси XIII асрнинг биринчи ярмида шу ерга ўрнашган мўғуллардир. Усмонли турк сайёҳи Челебийнинг сўзига қараганда, улар мўғул тилини сақлаб қолишган экан, айна пайтда кайтагалар авлоди ўзига хос тарзда озарбайжонча сўзлашади. Шундай қилиб, Темурнинг Тўхтамишхонга қарши Олтин Ўрда тасарруфидаги иккинчи юриши Қулзум денгизининг ғарбий қирғоғида кечди. Ўртоқ исмли чопар Темурнинг кўпнинг сонли кўшини яқинлашиб келаётганини билдириш учун Тўхтамишхон қароргоҳига ошиқди. Соҳибқиронга қарши курашиш учун Тўхтамишхон Қозончий бошчилигидаги ҳировул қисми юборди. Темур Тарки деган жойга етиб келганида, ёғийнинг ҳировул кўшини Хой (ҳозирги Кайсув) дарёси бўйида кўним топди.

Темур ўз чодирини Терек дарёси бўйида кўтариб, истеҳкомларни мустаҳкамлади. У Терекнинг Сунжи деган ирмоғига етиб келганида Тўхтамиш ўз рақибининг яқинлашаётганини кўриб, ортидан ҳимоя, муҳофаза этувчи гуруҳи билан шошилиш равишда Терек бўйидан Курай (Шимолий Кавказда) дарёси бўйига чиқиб, кўшинини тартибга солиш билан машғул бўлди. Темур Терекдан ўтиб, Жулат деган жойга (Шимолий Осетияда) етиб келиб, ўз

кучларини қайтадан гуруҳга ажрата бошлади. 1395 йилнинг 14 апрелида ҳар икки қўшин Терек бўйида юзма-юз бўлди. Темур сараланган қўшинига бош бўлиб, марказдан орқароқда қолди. Олдинги жанглардан ўзгача, биринчи бор ўз қароргоҳи олдида иккита чуқур кавлашни буюрди. Соҳибқирон душманнинг кечаси бехосдан ҳужум қилиб қолмаслиги учун ҳар бир жангчи кечаси ўз маррасида туриши, эгаллаган жойидан жилмаслиги, ҳеч ким олов ёқмаслиги, овоз чиқармаслигини тайинлади.

Эртасига, 1395 йилнинг 15 апрелида ҳар икки рақиб қўшин ҳаракатга тушди. Одатдагидек, Темурнинг пиёда аскарлари суворийлардан олдинда борди. Қундузча жангида бўлгани каби Тўхтамишхон ўз кучларини амир Кунчи ўғлон, Бек Ёрлиқ ўғлон, Оқтов, Довуд Сўфи (Тўхтамишнинг куёви) ва бошқалар сардорлигида Темур қўшинининг чап қанотига йиғди. Ушбу қанотда мушкул вазият юзага келгач, жангга заҳира қўшини билан Темурнинг ўзи кирди ва ёғийни қочишга мажбур этди. Душман чекинганини кўриб, у ҳар бир қўшиндан (жами 27 қўшин эди) 50 кишидан танлаб олиб, изидан қувишга жўнатди. Олтин Ўрдалиқлар Темур жангчиларини ҳийла билан чорлаб, яна қарши ҳужумга ўтди ва асосий қароргоҳга қадар қувиб келди. Шомий ва Яздийнинг фикрича, амир Шайх Нуриддин баҳодир ҳаётини хавф остида қолдирмаганида Темурнинг куни битиши муқаррар эди.

Соҳибқироннинг уч жасур жангчиси ёғийнинг биттадан аравасини қўлга киритиб, душман бостириб киролмайдиган тўсиқ қилиб Темур олдига келтириб қўйди. Жанг қизгин тус олди. Темурга ёрдамчи кучлар етиб кела бошлади. Унинг пиёда аскарлари катта жасорат кўрсатди. Душманнинг қутуриб қилган ҳужумига дош бериб, жойидан бир қадам ҳам ортига чекинмади. Темурнинг мададга етиб келган суворийлари ҳам отларидан тушиб, пиёдалар сафига қўшилиб, душман ҳужумини бартараф этдилар. Ёғий сафига ҳам гуруҳ-гуруҳ аскар ёпирилиб келиб қўшилди. Темурнинг аҳволи гоят мураккаблашди. Қўшиннинг марказ қисми соҳибқиронга ёрдамга келди. Душман қанчалик сиқувга олмасин Темур жангчиларини чекинишга мажбур этолмасди.

Чап қанотдаги канбул йўлбошчиси Худодод Хусайн душман қўшинининг ўнг қанотига бошчилик қилаётган

Кунчи ўғлон ва Темурга тўхтовсиз ҳужум қилаётган Оқтов қисмларини ёриб киришга эришди. Худодод Ҳусайн Оқтов қўмондонлигидаги қисмнинг ортига ўтиб олиб, унинг сафларини парчалаб, тумтарақай қочишга мажбур этди. Охири Темур қўшинининг марказий қисми Мирзо Муҳаммад Султон қўмондонлигида жангга кирди. Шундай қилиб, Темур ўз кучларини рақибнинг чап қанотига тўплашга эришди ва қаттиқ савашдан сўнг душман қўшини тўла чекина бошлади.

Қўшиннинг ўнг қанот канбули сардори амир Ҳожи Сайфиддин ғоят қийин аҳволда қолди. Энди Олтин Ўрдаликлар ўз кучларини ана шу қанотга тўплаб, Ҳожи Сайфиддин лашкари ортига ўтиб олган эдилар. Ҳожи Сайфиддинни Жаҳоншоҳ баҳодир қутқариб қолди, у ўз тумани билан мадад бергани бориб, биргаликда душманни янчиб ташлади.

Жанг Тўхтамишхоннинг қочиши билан тугади, у ўз ўғлонлари, амирлари, нуёнлари билан саваш майдонини тарк этган эди.

Темур ғалаба шарафига амирзодалар, амирлар, нуёнларидан қутловлар қабул қилди ва одатига кўра жонбозлик қилган жангчиларини тақдирлади. Фавқулодда жасорат кўрсатган амир Шайх Нуриддин тилла чопон, қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган белбоғ, 100 минг кепекий динор укулка ва яхши от билан рағбатлантирилди. Сўнг у ўз ўғруқини қўлга киритган бойликлари билан Мирзо Мироншоҳ, амир Ёдгор барлос, амир Ҳожи Сайфиддин ихтиёрига қолдириб, ўзи олдинга ҳаракат қилиб, ёғий навкарлари қолдиқларини қувиб кетди. У Итил дарёсидаги Туратур кечувиغا етиб келиб, бу ерда ҳозир бўлган Урусхоннинг ўғли Қайричак ўғлонга зарҳал чопон ва зарҳал белбоғ ҳадя этиб, Волганинг нариги тарафидаги Жучи улуси хонлигини тортиқ қилди.

Хуллас, урушнинг учинчи босқичи Тўхтамишхоннинг хонликдан бутунлай ажралиши ва мағлубияти билан тугади ва у бошқа ҳеч қачон ўнiglана олмади. Ибн Арабшоҳ Тўхтамишхон мағлубиятини унинг қўшинида бўлиб ўтган низо билан изоҳлайди. Унинг ёзишича, душман кучлари юзма-юз бўлиб, жанг бошланган пайтда Тўхтамиш қўшинининг ўнг қанотидаги йўлбошчиси амирларнинг биридан қасос олмақчи бўлиб, хондан уни ўлдиришга рухсат

сўрайди. Тўхтамишхон, гарчи рад этмаса-да, жанг охиригача сабр қилишни талаб қилади. Саркарда Тўхтамиш қароридан норози бўлиб қолаверади ва истагини дарҳол рўёбга чиқаришни, аксинча, хун олишга рухсат бермаса унга ишонмаслиги, бўйсунмаслигини ошкор қилади. Тўхтамишхон унинг хоҳишини инобатга олмайди. Оқтов қўшинини жанг майдонидан олиб чиқиб кетди, ортидан кўплаб исёнкор жангчилар эргашди. У Андреаполга бориб, шу ерда қолди. Тўхтамишхон қўшини лат ейди. Ибн Арабшоҳ хулосаларининг хатолиги шундаки, Оқтов ўша жангда Кунчи ўғлон билан биргаликда қўшиннинг ўнг қанотида бўлиб, Темур қўшинининг чап қанотида, Худодод Хусайн қўшини ортига ўтиб олгунига қадар жанг қилди. Ибн Арабшоҳ Темур қўшини ҳақида шундай ёзади: “Темур қўшинида бундай ҳол юз бермасди, чунки ҳар бир аскар қаерда жанг қилишию қаерда туришини беш қўлда биларди”.

Темур Волга бўйидаги Увек деган жойда парчаланган Тўхтамиш қўшинининг катта қисмига етиб олди ва мажақлаб ташлади. Шомий асарида бу тарих шундай акс этган: “...У (Темур — М. А.) душман элини денгиз бўйига қисиб борди. Бу томонда ўйноқи қиличлар, нариги томонда бепоён денгиз; душман шу ораликда тутилган эди”. Уларнинг аксариятини асирга олишди, қолганлари эса кемаларга ўтириб, ўзларини денгизга уришди. Тўхтамишхон хонликни, уйини, ошқору пинҳон бойликларини ташлаб, санокли одамлари билан Булар деган ўрмонзор мавзегга яширинди ва ёғий ҳамласидан зўрға жон сақлаб қолди.

Хўш, Булар деган жўғрофий ном нимани англатади? Баъзан Булар Польшадаги Келар шаҳридир деган фикрлар ҳам айтилди. А. Ю. Якубовскийнинг фикрича, Булар “бўлғор” бўлса керак, хаттот қўлёзмада хато қилган бўлса ажаб эмас. Умуман Булар деганда, Волга бўйидаги Бўлғор мамлакатини тушунсак хато қилмаймиз.

Муъиниддин Натанзонийнинг “Искандарнинг қиёси” асарида хабар берилишича, Тўхтамишхон Литва князи Втовта хузурига ошиқади. Чунки у оғир мағлубиятга учраган эди. Темур қўшини Волга бўйлаб эркин ҳаракат қилишига ҳеч қандай куч тўсқинлик қилолмасди. Унинг олдида Олтин Ўрда хонларининг қароргоҳи, бой ва чиройли Сарой Беркага элтувчи йўл ланг очиқ эди. Темур Волга бўйида, ҳар эҳтимол юзасидан қўшинининг бир

қисмини изига қайтарди. Мирзо Пирмуҳаммад бошчилигидаги олти минг суворийни Шерозга, амир Шамсиддин Аббос етакчилигидаги уч минг кишини Самарқандга жунатди. Темурнинг ўзи ёғий қўшинининг қолган-қутганини мажақлаб, Волга бўйида бемалол юарди. Яздий асариде эса қуйидагиларни ўқиймиз: “Темур ҳар бир ишни охирига етказганидагина мамнунлик туярди, Тўхтамиш ва унинг қўшинини яксон этиб, ўз мақсадига етишиш учун босиб олинган вилоят ва ерларни тобе қилиб, у юртдаги жамики уруғ ва халқларни бўйсундирмоқчи, кўчириб юбормоқчи эди”.

Тарихчи Яздийнинг фикрича, Волганинг ўнг томонида Темур қўшини юқорида номлари тилга олинган Бек Ёрлиқ ўғлон, Оқтов ва бошқа кўмондонлар лашкарлари билан қаттиқ, узоқ муддат жанглар олиб боришига тўғри келган. Темур Сарой Беркани босиб олди. “Музаффар қўшин Сарой Берканинг кулини кўкка совурди. Туб халқ ва уруғлар бисотини мусодара этди. Сарой Берканинг емирилиши Дашти Қипчоқ қўшинларининг Занжирсаройни ер билан битта қилишга олинган қасос эди. Чунки ўша пайтда Темур Эрон ва Ироқни забт этиш билан овора эди, ҳувиллаб қолган Мовароуннаҳрдаги Қозон Султонхон саройини даштликлар ер билан битта қилишган эди”, деб ёзади Яздий.

1395 йили Олтин Ўрдада бўлиб ўтган воқеалар хусусида рус йилномаларида батафсил маълумотлар сақланиб қолган. Ибн Арабшоҳ эса мана бундай ёзади: “У қўлга тушган ўлжани лашкарларига улашди, бир қисмини ўзи билан олиб кетди, зўравонлик ўтказди, одамларни қирди, тилини маҳв этди, анъаналарини бузди. Қўшиннинг олд қисми Азов (Қора) денгизигача бориб, Саройчиқ, Ҳожитархон ва бошқа шаҳарларни ерпарчин қилди”. Азов ҳам бу урушдан четда қолмади. Яздийнинг ёзишича, Азов қўлга киритилгач, Темур буйруғига биноан бу ердаги мусулмонлар бошқалардан ажратиб олиниб, ғайридинлар жиҳод қиличидан ўтказилган, уларнинг уйлари таланиб, ёндириб юборилган.

Сарой Берка ва Азов чекига тушган талотўм Волга бўйидаги бошқа шаҳарлар — Укак ва Ҳожитархонда ҳам бўлиб ўтди. Яздий ўз асарида бу хусусда шундай маълумот беради: “Темур Ҳожитархонга кириб, неки бойлиги бўлса,

барини ўзлаштирди... Шаҳар ҳукмдори Муҳаммадни муз тагига ташлаб юборди... Шаҳар аҳлини кўчириб, унга ўт кўйди”.

Темур Русия жанубидаги Елец шаҳригача борди. Москва Руси феодал тарқоқлик ва ўзаро урушларга қарамай Темур яқинлашаётганидан хабар топиб, бўлгуси муҳорабага жиддий тайёргарлик кўра бошлади. София йилнома-сига кўра, Москва улуг князи Василий Дмитриевич кўшинини йиғиб, аввал Коломна, сўнгра Ока дарёси бўйига чиқиб, ёғийни кутади. Яздий эса Темурнинг Москва томон юрганини ёзади: “Қимматбаҳо нарсаларга шунчалик бой эканки, саноғига етиш мушкул эди: ой ёғдусини доғда қолдирадиган олтину кумуш, хонаки газламаю бўз матолар Қоф тоғидай уюлиб ётарди, қундузу қора сувсар, оксичқон териси беҳисоб эди. Зодагонлар хобгоҳини қуёш парчасидек ёритувчи силовсин мўйнаси, жилвагар олмахон ва лаълдек тулки терилари туғига нағал қоқилмаган тойчоқникидек ярқирайди. Булардан ташқари катта газнани қўлга олган эдики, санаб адоғига етолмайсан киши”.

Рус давлатининг омадига Темур бу ерда узоқ турмади. У 1395 йилиёқ жанубий Рус ва Волга бўйидан юртига қайтган эди. Темурнинг Рус заминидан йироқлашинини Рогож йилномаси қувонч билан қайд этади. Темур энди Шимолий Кавказга ҳужум бошлаган эди. Бу жанг тафсилотлари Абдураззоқ Самарқандий асарида тасвир топган: “Улар бу вилоятни то Азов денгизигача талаб вайрон этдилар. Денгизнинг ҳар икки томони — тоғ этагию денгиз бўйини эл ва улусдан тозалаб, беҳисоб бойлик орттириб, ғолиб чиққанлари ва вилоятдаги аҳвол ҳақида ўрдага келиб хабар еткурдилар”.

1395—96-йил баҳорида Темур Волга бўйидан, Бўғозқум деган жойдан чиқиб, Дарбанд сари йўл олди. Музлаган Терек дарёсидан ўтиб, Фаркига етиб келди. Карвондан ажралиб қолиб, Ужкуж (Шимолий Кавказдаги ҳозирги Ашқуша)га ҳужум қилиб, ғайридинларга озор етказди. Ужкужликларга қўмак берган қўмиқ қўшинлари ҳам кескин зарбага гирифтор бўлди. Қайтар чоғи Дарбанд қалъасини қайта тиклаш ва мустаҳкамлашга фармон берди. Курага етиб келганида ширвоншоҳ шайх Иброҳим Дарбандий Темур шарафига зиёфат ташкил этди. Соҳибқирон ўз навбатида унга чопон ва қимматбаҳо тошлар қадал-

ган камар ҳада қилиб, Ширвон чегарасини қаттиқ муҳофаза этишни тайинлади.

Тўхтамишхон шу қадар кучли мағлубиятга учраган эдики, у кейинчалик ҳеч қачон хонлик мартабасига кўтарилолмади. Шарқ манбаларида кўрсатилишича, у мағлубият алаmidан чиқиш учун янгидан қўшин тўплашга киришган. Темур билан тўқнашув натижасида унинг Миср мамлакати билан сиёсий муносабатлари жуда мустақамланди. У Миср ҳокимияти билан сиёсий музокаралар олиб бориб, Темурга қарши биргаликда жанг қилишга шижоат-ла киришади. Бу музокаралар ҳақида ибн ал-Фурат шундай хабар беради: “1394 йил 24 мартда Дамашққа Тўхтамишхон элчилари етиб келди. Султон аз-Зоҳир уларни қабул қилди, элчилар (Тўхтамишнинг) салом ва номасини етказишди. Номада султон билан у яқдил бўлиб, (биргаликда) тап-тортмас исёнкор Темурлангга қарши курашиш истаги билдирилганди”.

Умуман олганда, ҳар икки мамлакатнинг Темурга қарши манфаатдорлиги бир хил эди. Шу боисдан ҳам 1394 йили Тўхтамиш элчилари Миср султони Барқуқ томонидан ҳурмат билан кутиб олинди. У Тўхтамиш номасига жавобан Олтин Ўрдага ўз элчиларини жўнатди. Араб тарихчиси ал-Макризийнинг хабарига кўра, музокаралар натижасиз қолмаган: “1395 йил 18 сентябрда Тўхтамишхон ҳузурига борган амир Тулемен Одилшоҳ Мисрга етиб келди, у (Тўхтамиш) билан Темурга қарши биргаликда жанг қилишга келишганида, Темур унга қарши ҳужум бошлаб юборган экан. Тўхтамиш уч кун қаттиқ турди ва енгилгач, рус ерига қочиб кетди. Шунда Тулемен Саройдан Кримга, у ердан Қофга борди, Қоф ҳукмдори уни қўлга тушириб, Темур қўшинининг жойланишини билиш учун 50 минг дирҳам олмагунча қўйиб юбормади”. Маълумки, Ал-Малик аз-Зоҳир Барқуқ Темур таъқибидан қочиб келган Аҳмад Жалойирийни яна Бағдод тахтига ўтқазиб мақсадида унга бошпана берган. Барқуқ 1394 йил 16 мартда Қоҳирадан Дамашқ сари йўлга чиқди. Темурнинг Тўхтамиш билан жангга кирганини эшитиб, унга қарши ҳужум бошламади-да, Аҳмад Жалойирийга қўшин ва зарур аслаҳалар бериб, Бағдодга қайтарди ва яна тахтга ўтиришига имкон яратди.

Темурнинг ҳарбий маҳорати шундаки, у ўз душманларининг бирлашишига йўл қўймаслик учун якка-якка ҳол-

ларда яксон этарди. Аҳмад Жалойирий 1397—98-йилда, яъни Темур Шомга юриш бошлагунига қадар узлуксиз шаҳаншоҳлик қилган. Худди шу йили ўғли Мироншоҳ Озарбайжон ва Табризни бутунлай ўз назорати остига олишга эришади. Мироншоҳ Табриздан Бағдод сари йўлга чиқди, лекин Аҳмаддан устун келолмайди. Бироқ 1399—1400 йили Аҳмад Темурнинг ўз қўшини билан Сувайшга қараб бораётганидан хабар топиб, унинг Шом ва Румга бориш йўлини тўсишга улгура олмайди ва ночор ҳолга тушганида унинг ўша мамлакатларга қочиш йўлини бой бергач, Тигр дарёсидан ўтиб, иттифоқдош бўлмиш Қора Юсуф Баранди тасарруфидан паноҳ топди. У Қора Юсуф билан аввалига Ҳалабга, сўнг Малатияга боради. Шу ерда у Қора Юсуфдан ажралиб, Сувайшга қайтади. Бирмунча вақт ўтгач, у Бруссага, машҳур султон Боязид пойтахтига борди. Боязид Аҳмадни Темурнинг ашаддий рақиби сифатида қаршилади ва ўз ёнида тахтга ўтқазди. 1400—1401 йилда Темурдан чўчиган Қора Юсуф ҳам уларга қўшилди.

Душманлар Бруссада йиғилганларида Темур Кичик Осиёга кириб, Сувайш ва Малатияни, сўнграқ Шом, Ҳалаб ва Дамашқни қўлга киритган эди.

Ўша йили Аҳмад яна бир муваффақиятсизликка учради, ўғли султон Зоҳир Илонжа қалъасида Темур қўшинлари томонидан қамал қилинган, Гуржистонга қочиб кетди. Соҳибқирон ўз ғанимлари устидан зафар кучиб, жанговар кучларини султон Боязидга қарши тўплади. 1402 йил 20 июлдаги Ангор жангида у Йилдиримни мағлуб этди.

Усмонли турклар Темур зарбасидан чорак аср ўтса ҳамки ўзларини ўнглолмадилар. Мовароуннаҳр султони-нинг юришлари ўзга мамлакатлар ва мулкларни шунчаки талашдан анча йироқ эди. У бу мамлакатларни забт этиб, ўз давлати гуллаб-яшнаши учун яхши шарт-шароитлар яратди. У ғарбдаги катта савдо ришталарини атайин бузди. Шарқда Темурнинг қудратли ҳокимиятига қарши борадиган ҳеч бир давлат қолмаган эди. Унинг усмонли турклар салтанати устидан кучган ғалабаси нафақат Осиё халқлари, балки Европа мамлакатлари сиёсий-иқтисодий ҳаётида улкан из қолдирди.

Хўш, Тўхтамишхон Жучи улусига яна ҳукмронлик қила олдим, деган савол туғилиши табиий ўқувчиларда. Куйи Волга бўйларини қайтариб олиш, бизнингча, унга ҳеч қан-

дай қийинчилик туғдирмасди, негаки у ерда анчагина та-
рафдорлари бор эди. Бунинг устига Темур жануби-шар-
қий Европа ерларини босиб олишни ўз олдига мақсад
қилиб қўймаган эди. У Мовароуннаҳр гуллаб-яшнашига
рақобат қила оладиган Олтин Ўрда қудратини қайириб,
хонлик тахтига ўз одамларидан бирини кўтармоқчи эди.
Кримни қўлга киритиш Тўхтамишдан жиддий куч талаб
эти. XIV аср охири XV аср бошларида ёзилган араб та-
рихчилари асарларида Тўхтамишнинг 1396 йил Кримга
юриши хусусида қизиқарли маълумотлар учрайди. Юқори-
да номи тилга олинган ибн ал-Фурат ёзади: “1396 йил 17
мартда Мисрга шундай хабар қилиндики, шимолий дашт-
лар соҳиби, қипчоқлар заминидаги Беркахон тахтида ўтир-
ган Тўхтамишхон қўшин тўплаб, Қрим бўйида ястаниб
ётган генуялик франкларга тегишли Кафа (Ялта) шаҳри
томон отланди. Пировардида улар ўртасида курулли тўқна-
шув келиб чиқди ва Тўхтамишхон уни қамал қилишга
эришди”. Араб тарихчиларидан ал-Аскалоний ўз асарида
1396 йил октябридан 1397 йил 23 сентябригача Тўхтамиш
ва генуялик савдогарлар ўртасида катта жанг бўлиб ўтди,
деб қайд этади. Бизнингча, генуяликлар Олтин Ўрдадаги
очлик ва бошбошдоқликдан ҳамда Темур ҳамласидан фой-
даланиб, Қримнинг жанубий қирғоқларини бевосита бо-
сиб олган эди.

Шундай қилиб, Тўхтамиш яна Олтин Ўрда тахтига чи-
қиш учун Кафа шаҳрини зудлик билан босиб олди. Кла-
вихо шундай ёзади: “Едигей Кафа шаҳрига ҳужум қилди,
чунки Тўхтамишнинг ўғли шу ердан туриб, унга қарши
курашди ва бу заминга катта зарар келтирди. Шаҳар аҳли
Едигей билан сулҳ тузди. Тўхтамишнинг ўғли Темурбек
ҳузурига қочиб кетди”.

Олтин Ўрдада ҳокимиятпараст, ғайратли Едигейга ит-
тифокдош Темур Қутлуғ қиёфасида Тўхтамишга жиддий
рақиб пайдо бўлган эди. 1395 йилдан кейинги Олтин Ўрда-
даги воқеалар хусусида рус йилномаларида батафсил маъ-
лумотлар бор. Уларда Тўхтамишнинг Литвага қочгани,
Олтин Ўрда хонлигига Темур Қутлуғ чиққани айтилади.

Тўхтамиш хотинлари ва болалари билан Киевда Литва
князи Втовта тарафидан самимий кутиб олинди. Темур
Қутлуғ ўз рақибига Литва князи бошпана берганига қар-
ши норозилик билдирди, чунки у ўзига айнан Литвада

суикасд тайёрланаётганини сезарди. Шу боисдан у 1399 йили князликка ўз элчиларини юбориб, Тўхтамишни қайтариб беришларини сўради. Лекин Втовта ўз гумаштаси Тўхтамишни Жучи улусига хон кўтариш ниятида эди. Шунинг учун ҳам у Темур Кутлуг номасига тўғридан-тўғри дағал жавоб қайтарди ва ўша йили яхши таъминланган кўшинини Ворскли дарёси бўйига жойлаштириб қароргоҳ тиклади. Темур Кутлугнинг бу ердаги муваффақиятига Едигей муносиб ҳисса қўшди. Ворскли дарёси бўйидаги жанг Литва кўшинларининг чекиниши билан барҳам топди. Жанг Тўхтамишнинг тақдирини узил-кесил ҳал этди. У ўз атрофига янги куч тўплаш ва Олтин Ўрданинг бирон-бир бўлагига ҳокимлик қилиш имкониятидан бутунлай махрум бўлган эди. “Искандарнинг қиёси” асари Тўхтамиш 1397—98-йилда ўз ажали билан Тулен (Тюмен)да ўлди деб ахборот беради. Рус йилномаларида ҳам унинг Тюменда жон узгани айтилади. Бу эҳтимолдан узоқ эмас. Аммо бошқа бир манбаларда Тўхтамиш анча кейин ҳалокатга учрагани ҳақида маълумотлар бор. Яздий Тўхтамиш 1405 йилнинг 31 январида Ўтрорга, Темур ҳузурига ўзининг Қора Ҳожи исмли бир навқарини элчи қилиб юборганини айтади. Тўхтамиш бирмунча вақт даштларда саросар, тушкун кайфиятда юрди. Темур Тўхтамиш элчисига, Хитой юришидан қайтгач, яна Жучи улусига ҳужум уюштириб, Тўхтамишни хон кўтаришга ваъда берди. Демак, бу вақтга келиб Темур ва Тўхтамиш ўртасидаги муносабатларда ижобий ўзгаришлар рўй берган. Бу Клавихо келтирган маълумотларда ҳам акс этган: “Татар ҳукмдори Тўхтамиш ва Темурбек ярашиб, биргаликда Едигейни тутмоққа киришдилар”. Сал ўтиб у: “Тўхтамиш ва унинг ўғиллари Темурбек билан аҳил яшайдилар”, деб ёзади.

Лекин Едигей Тўхтамишни Ворскли бўйидаги жангда мағлубиятга учратса-да, таъқиб этишни бас қилмади. “Улар (яъни Тўхтамиш ва Едигей — М. А.) ўртасида тўхтовсиз равишда ўн беш бор ҳар хил тўқнашув ва низолар юз берди. Гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг қўли баланд келди”, деб ёзади ибн Арабшоҳ. Сал ўтиб эса: “Тўхтамиш кўп вақт даштларда саросар юрди ва ўн олтинчи жангда ҳалокатга учради”, деб қайд этади.

“Искандарнинг қиёси”ми ё ибн Арабшоҳ ҳақми, айтиш қийин. Умуман, бу биз учун муҳим ҳам эмас. Тарих-

чиларга шуниси муҳимки, Озарбайжон ва Мовароуннаҳр халқларига беҳад азоб берган Олтин Ҷрданинг энг сўнги кучли хони Темурнинг кескин зарбаларидан сўнг чилпарчин бўлиб, бошқа қайтиб оёққа турмади. Темурнинг ғалабаси Руснинг мўғул-татарлар жабр-зулмидан озод бўлишига кучли таъсир кўрсатгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси катта аҳамиятга эга. Темур Олтин Ҷрдага қарши Москва Русидан мутлақо холи равишда кураш олиб борди. Темурнинг бу ғалабаси Мовароуннаҳр ва Рус тарихи учун бебаҳо аҳамиятга эга бўлиб, Олтин Ҷрданинг буткул парчаланиб кетишига олиб келди. Рус давлати эса ана шу тариқа мўғул зулмидан узил-кесил қутулди.

ЖОСУСЛАР КАРВОНИ

Россия билан Ҷрта Осиё ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар қадимдан мавжуд. XVI асрнинг иккинчи ярмида Қозон ва Астрахан хонликлари босиб олингандан кейин бу муносабатлар кўлами анча кенгайди. Савдо-сотиқнинг ривожланиши туфайли Рус ҳукумати Волга-Каспий сув йўлини ўз қўлига олди, шу асрнинг охирига келганда эса Сибирь ерларининг анчагина қисмини эгаллашга муваффақ бўлди. Россиядан йўлга чиққан савдо карвонлари ва элчилари XVI асрда ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам Астрахандан ўтиб Каспий денгизи ва Мангишлоқ ярим ороли орқали Ҷрта Осиёга қатнаганлар. Йўлнинг давоми ўзбек хонликлари тасарруфидаги қуруқликдан кечган. Манзилга қайтиш ҳам шу зайлда эди.

Рус савдогарлари асосан ўзбек хонликларига қарашли Хива, Бухоро, Балх ва бошқа йирик шаҳарларда савдо-сотиқ қилганлар.

Лекин, очигини айтиш керакки, рус ҳукумати илк қадамларидан бошлаб фақат савдо-сотиқни эмас, асосан ҳарбий маълумотлар тўплашни мўлжаллаган. Келажакда бу ўлкаларни мустамлакага айлантириш подшо Россиясининг асл муддаоси эди. Шунинг учун савдогарлар ва элчилар ниқоби остида ўлкадаги халқлар тилини пухта билладиган, геодезия ва топография илмидан воқиф жосуслар — тажрибали зобитлар Туркистонга бот-бот юбориб

турилган. Улар тўплаган яширин маълумотлар кейинги ҳарбий ҳаракатлар чоғида рус ҳарбийларининг муваффақиятли юриши учун жуда қўл келди.

1738 йилнинг августида Кичик Қозоқ ўрдаси хони Абулхайр Оренбург нозирлигининг бошлиғи, махфий кенгаш аъзоси В. Н. Татишчев билан Орск қалъасидаги учрашув чоғида қозоқ чўлларида ўтадиган рус карвонларини ўз ҳимоясига олишга ва уларни кўриқлашга ваъда берди. Бу ваъдага ишонган В. Н. Татишчев шу заҳотиёқ поручик (кейинчалик майор) Карл Миллер раҳбарлигидаги биринчи савдо карвонини Тошкентга жўнатди. Геодезия мутахассиси подпоручик Алексей Кошелев унга ёрдамчи қилиб тайинланди. Савдо карвони йўлга чиқишидан олдин Татишчев Миллерга ўта муҳим кўрсатма берди:

“Тошкент ҳокимидан рус савдогарларини бож солиғидан халос этишни сўраш ва Бухоро шаҳарларига боришга ҳаракат қилиш. Савдогарларнинг хатти-ҳаракатларини қаттиқ назорат этиш, божхона ходимларига кўполлик қилмаслик ва савдо пайтида ҳеч қандай фирромлик ёки алдовга йўл қўймаслик.

Йўлда учрайдиган дарёлар, кўллар, тоғлар номини ва улар орасидаги масофани, айниқса Сирдарёга доир маълумотларни ёзиб олиш.

Хоннинг Тошкентдаги мол-мулки ва навкарлари сонини, вилоятдаги қўшин миқдорини, рус товарларига қандай эҳтиёж борлигини, улардаги бизга зарур моллар ҳажминини ва келажакда қанча олишимиз мумкинлигини, бир йилда қанча олтин ва бошқа қимматбаҳо маъданлар қазилишини хуфиёна аниқлаш.

Рус савдогарларининг якка-ёлғиз савдо қилишига йўл қўймаслик, барча ишларни биргаликда амалга ошириш ҳақида қатъий ваъдасини олиш.

Рус асирлари ҳақида синчиклаб маълумотлар тўплаш ва хондан уларнинг озод этилишини талаб қилиш, бунга кўнмаса, баҳоси тўғри келса сотиб олиш.

Олтин ва кумуш конлари аниқланса, улардан бир оз миқдорда намуналар олиб келиш, жойлашган ўрнини аниқлаш, қайд этиш.

Бошқа моллар қаторида, имкони бўлса, ҳар хил рангда бўялган ва айниб кетмайдиган 10 пуд пахта толаси сотиб олиш, тўқиш ва бўяш ишлари энг яхши йўлга қўйилган жойларни аниқлаш.

Божхонадаги савдогарларни ҳеч бўлмаганда 500 пуд туя жуни, айниқса, оқидан ҳамда чит маҳсулотлари ва гул бо-силган турли газламалар, ранг-баранг гулли шойи мато-лар олиб келишга кўндириш, уларга немис газмолларини кўрсатиш ва мол сифатини янада яхшилаш йўлларини суриштириш” (С. М. Соловьев. Қадимги даврлардан бош-лаб Россия тарихи баёни. 20-жилд. М., 1870, 348-бет).

Бу кўрсатма мазкур мавзунини ёритишда катта аҳамиятга эга бўлгани учун уни тўла келтирдик.

Топпириқда рус ҳукумати ва савдо доиралари Ўрта Осиёдан нима излаётганлиги яққол кўриниб турибди. Рус ишбилармонларини биринчи навбатда чит газламалар ва шойи матолар, олтин, кумуш ҳамда қимматбаҳо тошлар қизиқтирган.

XVIII асрда рус ташқи савдосини маъданлар, жумладан, мис, қалай ва бошқа металл буюмлар ташкил этарди.

Ўзбекистонда рус молларидан мовут, ошланган тери, кундуз, сувсар, турли бўёқлар ва тахта совуннинг бозори чаққон эди.

Поручик Миллер бошчилигидаги савдо карвонида Тош-кент бозорлари учун камёб 20.000 сўмлик ҳар хил моллар бўлиб, шулардан уч минг сўмлик мол подшоликка қараш-ли эди.

Карвон Кичик ва Ўрта Қозоқ ўрдасидан эсон-омон ўтиб олди, аммо Катта Қозоқ ўрдаси худудида, Тошкентга икки кунлик йўл қолганда, Туркистон шаҳри яқинидаги Бола Кампир дарасида (1738 йилнинг 2 ноябрида) Катта Ўрда қозоқлари томонидан талон-торож этилди. Миллердан бошқа карвонда бўлган барча одамларни қозоқлар асир қилиб олиб кетдилар. Қозоқ оқсоқолларидан бири Қўнай Мирзанинг ҳомийлиги туфайли Миллер Тошкентга етиб олди. Ана шу кишининг саъйи ҳаракати туфайли қароқ-чилар бир туяни устидаги бутун юки билан Миллерга қай-тариб беришди. Миллер Тошкентда Йўлбарсхон ҳамда Ўрта Қозоқ ўрдаси тархони Жонибекларнинг ёрдами ту-файли Орсқдан бирга чиққан одамларнинг ҳаммасини тўплашга эришди ва 1739 йилнинг 2 апрелида Россияга қараб йўлга чиқди. Улар чегарага 1739 йилнинг июнида етиб келдилар. (П. И. Ричков. Оренбург тарихи. Орен-бург. 1896, 39-бет.)

Шундай қилиб, Тошкентга йўл олган биринчи савдо карвони муваффақиятсизликка учради. Россия билан Ўрта

Осиё ўртасидаги савдо-дипломатик алоқаларнинг кенгайиши ва чуқурлашувига савдо йўлларидаги қароқчилар жиддий халақит берар эдилар.

Шунга қарамай, Миллер ва Кошелевлар томонидан ёзилган Тошкент шаҳри ва Тошкент воҳасининг иқтисодий ҳаёти ҳамда турмушига доир қайдномалар муҳим илмий аҳамият касб этади. Геодезист бўлгани учун карвон ўтадиган йўлнинг тавсифини ёзиш ва жуғрофий қайдлар тузиш подпоручик Алексей Кошелев зиммасига юкланган эди.

Кошелев томонидан тузилган батафсил маълумотнома карвон таланган пайтда йўқолган. Оренбург чегара но-зирлигида Кошелев ҳамда Миллернинг ўзи асирликдан халос этган Степан Чулпанов (у 1722 йилда Каспий денгизида айғоқчи сифатида қўлга олинган, кейин Бухорода қул қилиб сотилган ва у ердан Тошкентга келтирилган эди) маълумотлари асосида тузилган баёнотномада Орскдан Туркистонгача бўлган масофа 1546 чақирим деб қайд этилгани маълум. Шунингдек, Кошелев ўлкадаги қишлоқ хўжалиги ҳамда иқтисод ва тижоратнинг аҳволига доир бир қанча тафсилотларни ҳам айтадики, буларнинг ҳаммаси П. И. Ричковнинг “Оренбург губернияси учун ёзилган Оренбург ўлкаси тарихи” китобидаги 12—13-изоҳларга киритилган. Мазкур асар 1759 йилда нашр этилган “Хизматчиларнинг фойдаси ва вақтихушлиги учун чиқарилган асарлар ва таржималар” тўпламидан жой олган.

Рус илмининг Ломоносов даврига мансуб машҳур вакили, Россия фанлар Академиясининг биринчи мухбир аъзоси Петр Иванович Ричков Оренбург экспедицияси ҳамда Оренбург губерниясини ташкил қилиш комиссиясининг бевосита иштирокчиси эди. Унинг бутун илмий фаолияти (XVIII асрнинг 30—40-йиллари) мана шу ўлкада кечди. П. И. Ричковнинг асарлари илмий теранлиги ва ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Ана шу олим асарлари шарофати билан бизгача етиб келган Миллер ва Кошеловларнинг (жосуслик) маълумотлари ҳам ишончли ва тўғри эканлигига шубҳа йўқ.

Миллер маълумотларининг 15-бандида шундай ёзилган: “Буларга қўшимча равишда Миллернинг қўлида қоралама дафтар ҳам мавжуд. Улар расамади билан қайта кўчирилгандан кейин махфий маслаҳатчига (яъни Татишчев-

га) тақдим этилади ва С. Петербургга жўнатилади”. Аммо бу дафтар бизгача етиб келмаган.

Кейинчалик — (1742 йилда) Миллер Оренбург нозирлиги Бош бошқарувчиси Нехлюдов томонидан Жунғор хони Голдан-Черенга элчи сифатида юборилади.

Бу сафарнинг биз учун муҳим жиҳати шундаки, Миллер (1743 йилда) ўзи ўтган йўлнинг батафсил харитасини чизади. Унда Туркистон шаҳри XIX асрдаги энг яхши хариталарда қайд этилган ва ҳозирда вайронага айланиб кетган кенгликда жойлашганлиги биринчи марта баён этилганди.

Миллер ва Кошелевларнинг Тошкент ҳақидаги жосуслик маълумотлари муҳим бўлганлиги учун уларни тўла келтираемиз:

“Тошкент шаҳри Татариянинг жанубида жойлашган, яхши отда Оренбургдан 20 кунда етиш мумкин. Асосий қисми катта текисликдан иборат, узунлиги ва айланаси 4 чақирим. Бу ерда дарё йўқ, ундан ўн чақиримча наридан Чирчиқ дарёси оқади, у Сирдарёга қуйилади. Ундан унчалик чуқур бўлмаган кўплаб каналлар қазиб чиқарилган. Шунингдек, қудуқлар ва ҳовузлар бунёд этилган.

Тошкентда олти минг ёки ундан кўпроқ уй бор, ҳаммаси пахсали бўлиб, дераза ўрнатилган. Тепасига ёғоч иморат қурилган. Томи қамиш билан ёпилган бўлиб, шамолни тўсишга хизмат қилади. Аммо ёмғир ёққанда барибир ўтиб кетади. Уйларнинг ташқариси лойсувоқ қилинган, ичи оҳак билан оқланган, ҳар хил безаклар билан зийнатланган токчалар мавжуд.

Шаҳарда саккизта катта кўча бор. Улар: 1. Самарқанд (Самарқанд дарвоза). 2. Бешоғод (Бешёғоч). 3. Терсерак (Туя сарой). 4. Шикантаур (Шайхонтахур). 5. Тахтакус (Тахтапул). 6. Тархан (Дархон). 7. Капкан (Тешик қопқа). 8. Кокчи (Кўкча).

Шаҳар ўртасидаги катта бозор Итистон (яъни усти ёпилган ёки тим) деб аталади. Ёнида ҳовуз қазилган бўлиб, ичига тош қадаб чиқилган, айланаси ва кенглиги ўн сажен, чуқурлиги икки аршин келади. У сувга тўла, атрофига улкан дарахтлар экилган. Ундан ташқари яна кўплаб кичик бозорлар бўлиб, уларда ҳам чит газламалар, (турли) буюмлар ва ширинликлар сотиладиган лойсувоқ кичик дўконлар қурилган.

Россия матоларидан ошланган тери, денгиз ва дарё қундузлари мўйнаси, турли бўёқлар ва тахта совунни яхши олишади.

Тошкентда боғлар кўп, узум, шафтоли, турли резаворлар, олма, нок ўстирилади. Далаларда бугдой, арпа, сули, тарих ва пахта экилади. Сўнгги ўсимлик жуда кўп. Ипак билан ҳамма ўзини-ўзи таъминлайди. Тошкентда катта завод ёки корхоналар йўқ.

Тоғларда темир, мис, қўрғошин тўлиб ётибди.

Тошкент атрофида икки сажан баландликдаги пахта деворни ҳисобга олмаганда, ҳеч қандай мудофаа иншооти йўқ.

Ҳаво (Тошкентда) илик, ёмғир кўп ёғади, қиши уч ойдан узоққа чўзилмайди.

Шаҳардаги ҳокимият дастлаб маҳаллий фуқаролардан иборат эди, кейинчалик Катта Ўрда Қирғиз — Қайсоқлари (яъни Катта Қозоқ ўрдаси) ҳукмронлиги кучайиб, Ўрда хонлари яшаш учун тез-тез келадиган бўлди (яъни 1744 йилда), бу шаҳар Жунғор ҳукмронлари зулми остидадир, бу ерда улар тайинлаган ҳоким истиқомат қилади”. (П. И. Ричков. Оренбург ўлкаси тарихи... 40—44-бет.)

(Рус зобитлари — тажрибали айғоқчилар бўлиб, зиммасига юкланган махфий топшириқни — ҳарбий аҳамиятга молик маълумотлар йиғишни аъло даражада адо этганлар. Тоғлардаги қазилма бойликлар, маъданлар ва Тошкент истеҳкоми ҳақидаги қайдлар буни очиқ кўрсатиб турибди).

Қайд этиш керакки, Оренбург экспедицияси ва нозирлиги деб аталган маҳкама тузилгандан кейин (1734) Оренбург ва Орск қалъаси Россия билан Ўрта Осиё ва Қозоғистон ўртасидаги савдо-сотиқ марказига айланиб қолди. Бу ерга Тошкентдан савдо қарвонлари тез-тез келадиган бўлди. Оренбург нозирлиги раҳбарлари Тошкент билан савдо-сотиққа катта аҳамият бериб, барча қулай шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилдилар. Махфий маслаҳатчи В. Н. Татишчев 1738 йилда Оренбург нозирлиги Бош бошқарувчиси мансабига тайинланганидан кейин Орск қалъасидан ташқарида қирғиз-қайсоқлар (яъни қозоқлар) ҳамда бу ерга келиб турадиган хиваликлар, тошкентликлар ва бухороликлар учун мол алмаштирадиган катта сарой қурдирди. Бу ерда жуда кўп дўконлар ва сав-

до-согиқни, бож олишни тартибга солиб турувчи маҳкамалар бор эди. Шунингдек, янги ҳокимнинг илк жиддий тадбирларидан бири Кичик Қозоқ Ҷрдаси хони Абулхайрхон кўмагида биринчи рус савдо карвонининг Тошкентга жўнатилиши бўлди.

Поспелов ва Бурнашевлар ҳам Тошкентга яқин ҳукмдорлар, энг аввало, Катта Қозоқ Ҷрдасининг ёрдамисиз мўътадил савдо алоқаларини йўлга қўйиб бўлмади, деб қайд этганлар. Аммо XVIII асрнинг ўртасида ҳам, охирида ҳам на қозоқ Ҷрдаси, на Тошкент ҳукмдорлари савдо ишларини яхши йўлга қўйишга эътибор бермадилар. Темурийлар давлатининг инқирозидан бошлаб, то XVIII асрнинг ўрталаригача Ўрта Осиё халқлари тилида Тошкентнинг тарихий ўрни ҳақида ҳеч қандай аниқ маълумотлар учрамайди. Фақат Муҳаммад Юсуф Мунишийнинг асаридагина бу борада узук-юлуқ парчалар мавжуд. Шу жиҳатдан Миллер ва Кошелев экспедицияси ўзига яраша қимматли манба ҳисобланади. Шу хабарлар орқалигина биз Тошкентда шу пайтларда Йўлбарсхон ҳукмронлик қилганини билиб оламиз. Буни Кичик Қозоқ Ҷрдаси хони Абулхайрхон ҳузурда бўлган тилмоч Нурликнинг Оренбургдаги генерал-лейтенант Урусовга ёзган ва 1740—1741 йилларда Орол бўйлари ҳамда Хоразм экспедицияларига раҳбарлик қилган Гладишев орқали жўнатилган мактуби ҳам тасдиқлайди. Унда Миллер билан Йўлбарсхоннинг учрашуви ҳақида гап боради: “5-банд. Тошкентга у (Миллер) 9 ноябрь куни келди ва Йўлбарсхон ҳузурига бориб император Ҳазрат олийларининг топшириғига мувофиқ, махфий маслаҳатчи Татишчев буйруғига асосан рус савдогарларининг турли моллар ортилган карвони билан йўлга чиққани: қозоқ чўлларида қароқчилар тўдасига дуч келиб талон-торож этилганини айтди. Унинг номига ёзилган мактуб ва совғаларни топширди. Шундан кейин Миллер хондан одамлар ҳамда таланган молларни топиш учун фармон беришини сўради. 6-банд. Бунга жавобан хон унга (Миллерга) айтдики, эсон-омон келганинг учун худога шукр қил, мен қарвондан қочиб келган казаклар орқали воқеадан хабардорман. Хон яна қўшимча қилдики, унинг (Миллернинг) келгунига қадар Кўгилдига (карвонни талаган қозоқларнинг етакчиси) чопар йўллаб, хон номидан асир олинган одамлар ва таланган молларни қайта-

ришни сўраганман. Аммо улар менга кулоқ солишмайди, деди хон. Шунга қарамай яна уриниб кўраман, деб ваъда берди.

7-банд. У (Миллер) хон ҳузуридан чиқиб, Оренбургдан бирга келган тошкентлик савдогар Мамай Юсупов уйида истиқомат қилди. Вақти-вақти билан хон олдига бориб, одамлар ва молларни талаб қилиб турди. Аммо бундан ҳеч қандай натижа чиқмади, кўп машаққатлар билан фақат одамларни қайтариб олдилар”. (Юқоридаги манба, 53-бет.)

Миллер Тошкентдан жўнаб кетгандан уч кун ўтгач, Йўлбарсхон ўлдирилади. Рус жосусининг хабарига кўра, “Қайсоқлар (қозоқлар) томонидан қилинган адолатсизликни кечира олмаганликлари ва хон уларни етарли ҳимоя қилмаганлиги учун” бу мудҳиш ҳодиса рўй берди.

Сафарнинг бешинчи куни, яъни 1739 йилнинг 7 апрелида Миллернинг манзилга қайтаётган карвони яна ҳужумга учрайди. Ундаги тошкентлик савдогарлар таланади. Бу ҳолат Йўлбарсхон асли тошкентлик бўлмасдан Тошкентни забт этган қозоқ султонларидан бири эканини кўрсатади. Мазкур тахминни асирликдан қутулиб, Миллер билан бирга юртига қайтишга муваффақ бўлган Астрахан пиёда полкининг каптали Иван Чулпанов ҳам тасдиқлаган. У тўғридан-тўғри Йўлбарсхон Катта Ўрда қозоқлари мадади билан тошкентликларни кўрқувда сақлаб турар эди, деб далолат беради.

Шунингдек, яна шу Чулпанов тошкентликларнинг ҳукмдор сайлаш тартиблари ҳақида ҳам ўзича фикр юритган: “Ҳар бир шаҳарда маҳаллий аҳоли томонидан сайланган биттадан ҳукмдор бўлади, у биздаги (Россиядаги) бурмистр мансабига тўғри келади. У ўз қўл остидагиларга ягона ҳукмдор сифатида муомала қилади, айбдорларни жазолайди, зарур бўлса, дарахтга оседи, уларда ҳеч қандай ёзилган қонун йўқ, кимдир бировнинг устидан шикоят қилса, дафтарга қайд этиб ўтиришмайди. Гувоҳлар билан юзлаштириб гуноҳкорга жазо беришади, аммо бу ҳукмдорлар уч-тўрт йилдан ортиқ яшай олмайдилар, ёмон кўриб қолган ҳокимларини ўлдиришади ва ўлдирган одамни раҳбарликка кўтаришади”.

Бу сўзлар Кошелев айтган қуйидаги сўзларнинг маъносини тўла изоҳлаб бера олади: “Тошкентлик ва туркис-

тонликларнинг ҳаммаси Император ҳазрати Олийлари фуқаролигини катта хурсандчилик билан қабул қилишга тайёр туришибди. Шунда улар қайсоқ (қозоқ) ва қалмиқларнинг истибдодидан нажот топишга муваффақ бўладилар. Бу ҳақда менга, Кошелевга ҳамда поручик Миллерга ўзбекларнинг ўзи арзи дод қилдилар”.

Миллер эса бу ҳақда шундай ёзади: “Саид Султон (Туркистон ҳукмдори) айтидики, маҳаллий аҳолида кўним йўқ. Улар Миллерга Ҳазрати император олиялари ва генерал (Татишчев) номига ёзилган мактубни топширдилар ҳамда оғзаки тарзда император хоним уларни (барча аҳоли билан биргаликда) ўз тобелигига ўтказишини илтимос қилдилар”. (Юқоридаги манба, 54-бет.) Жосус зобитлар турли махфий маълумотлар йиғиш билангина чекланиб қолмасдан, аҳоли ўртасига муайян даражада қутқу солишга улгурганлар. “Рус тобелигига ўтиш” истаги ҳақидаги фикрларни улар сепган игво уруғлари натижаси дейишимиз мумкин, холос. Кенг аҳоли шу даврда ҳам, ундан кейин ҳам ихтиёрий равишда “рус тобелигига ўтиш” истагида бўлган эмас. Буни ўтган асрнинг 60—70-йилларида рўй берган ошқора рус мустамлакачилиги даврида ўзбек халқининг чор қўшинларига қарши олиб борган қаттиқ жанглари, мардона кураши саҳифалари орқали билишингиз мумкин.

САИДЖОНОВНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Мусажон Саиджонов қисқа ва сермазмун умр кечирди.

Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архивининг берган маълумотномаси ва марҳумнинг ўз қўли билан ёзган анкета ва автобиографиясидан қуйидагилар маълум. У 1893 йилда Бухоро шаҳрида ўртаҳол савдогар оиласида туғилган. Бошланғич мактабни тугатгач, Мирараб мадрасасида ўқиган. Садриддин Айний унинг яқин дўстларидан эди. Сўнг Когонда маҳаллий аҳоли учун очилган рус-тузем мактабида ҳам ўқиган. Араб, форс, турк тиллари ва адабиёти билан, тарих ва география билан жиддий шуғулланган. Рус шарқшунос олимлари ва археологларининг илмий ишларини яхши билган.

Мусажон Саиджоновнинг илм-фан соҳасидаги фаолияти ҳам жуда самарали бўлди.

У 1925 йилдан кейин Ўзбекистонда тарихий обидаларни муҳофаза қилиш (Узкомистарис) комитетига бошчилик қилди ва бу соҳада салмоқли илмий маҳсулот қолдирди. Машҳур археолог, профессор В. Л. Вяткин Саиджоновнинг ўринбосари эди. Ўзбекистонда тарихий ёдгорликларни сақлаш ва тиклаш ишларини уюштиришда бу икки олимнинг хизмати жуда катта бўлган. Бухородаги Абу Али ибн Сино номидаги кутубхона ва ўлкашунослик музейини ташкил қилиш ҳам Саиджонов номи билан боғлиқ.

Саиджонов билан кўп йиллар ҳамкорлик қилган атоқли олим, археолог, академик М.Е. Массон ушбу сатрлар муаллифига М. Саиджонов ҳақида шундай деди: “Машҳур археолог, профессор В. Л. Вяткин иккимиз М. Саиджонов билан Узкомистарисда кўп йиллар бирга ишлаганмиз. У, асосан, Бухородаги машҳур Мирараб мадрасасини битирган бўлса ҳам, чуқур илмли, зеҳни баланд, заковатли ва истеъдодли эди. Киши ҳавас қиладиган даражада юксак маданиятли, боодоб, хушмуомала, покиза, ахлоқли инсон эди”.

1935 йилда М. Саиджонов ўзбек олимларидан биринчи бўлиб шарқшуносларнинг III халқаро конгрессида қатнашди ва унда ер юзида йўқ бўлиб кетган Кўчкнчхон мақбараси ҳақидаги тадқиқотларини сўзлаб берди. Бу илмий иши учун ўзбек олимига профессорлик унвони берилди.

Унинг илмий ишлари археологиянинг энг муҳим даври — ўрта аср архитектура ёдгорликларини тадқиқ қилишга бағишланган. Олимнинг Самарқанд ва Шаҳрисабздаги архитектура обидаларини текшириши айниқса диққатга сазовордир.

У 1936 йилнинг бошида “Самарқанднинг меъморий ёдномалари” асарларини ёзиб тутатди. Муаллифнинг бу асари Самарқанднинг архитектура ёдгорликларидан “Шоҳи зинда” комплекси, “Бибиҳоним” мадрасаси, “Гўри амир” мақбараси, “Мирзо Улуғбек” мадрасаси, “Шайбонийхон супаси”, Аштархонийлар даврининг муҳим обидаларидан Ялангтўш бийнинг “Тиллакори” ва “Шердор” мадрасалари, Самарқанд шаҳри атрофи мақбаралари ва Зарафшон воҳасидаги меъморий обидалар: Зарафшон дарёси

устида Шайбонийхон томонидан қурилган кўприк (равок), Мирзо Улуғбек расадхонаси, Чўпон ота, Хўжа Абди “Дарун” ва Хўжа Абди — “Бирун” каби бошқа осори атиқаларнинг тарихини текширишга бағишланган.

Олимнинг тадқиқотларидан биз ҳозирги кунда изи қолмаган архитектура обидалари тафсилотларини ҳам аниқ биламиз. Бундай оғир вазифани тарихий манбаларни Саиджоновдай чуқур билган кишиларгина бажара олиши мумкин эди. Бу борада унинг Самарқанддаги Шайбонийхон мадрасаси ҳақидаги маълумоти диққатга сазовордир: “Темурнинг Жомий мачитидан Регистонга кираётганда Чорсута 200 қадам миқдори қолганда, катта йўлнинг ғарбида Шайбонийхоннинг мадрасаси воқе бўлгандир. Ҳозирда бу мадрасанинг исмигина қолган, холос. Кейинчалик унинг харобаси ўрнига янги мадраса қурилган: ўз вақтида ҳозирги мадрасанинг ўрни ва шарқроғида, Шайбонийхон ва унинг хотини томонидан ёнма-ён икки мадраса бино этилган бўлиб, пештоқлари ҳар томонга чиққан эди. Шайбонийхон мадрасасининг ичкари саҳнида мармардан ишланган супада унинг ўзи ва қариндошларидан бирмунчалари кўмилган эдилар. Супанинг устида яхши ишланган бир неча қабр тошлари туради, XIX асрнинг охирида, кўчани кенгайтириб, тўғрироқ йўл чиқарганларида, мадрасанинг бир қисмини бузиб, супани аввалги ўрндан ҳозирги ўрнига кўчирганлар.

Шу вақтда Эроннинг Озарбайжон қисмида янги бир куч вужудга келди. Бу куч Эрондаги 12 туркман қабила-ларини бирлаштириб, сафавий шайхлари байроғи остида тўшланган “Қизил бошликлар” эди. Улар (шоҳ Исмоил бошчилигида — М. А.) Эроннинг бирмунча вилоятларини олиб, Хуросон (Шимолий Эрон)га келдилар. Марв яқинида Шайбонийхон билан урушиб (1510 й. — М. А.), уни ҳийла билан енгиб, Шайбонийхонни ёнидаги одамлари билан бирга ўлдирдилар. Шоҳ Исмоил амри билан унинг бошини кесиб, суягини тилла билан қоплаб, шароб косасига айлантирдилар. Шу тартиб билан Эрон шоҳининг кайф-сафо базмларида Шайбонийхоннинг қафатаси шароб билан тўлган ҳолда қўлдан-қўлга ўтар эди. Шайбонийхоннинг уруш майдонидаги бир харобада қолган танасини унинг жияни Убайдуллахон иккинчи кун бориб

топиб олганди ва Самарқандга келтириб машҳур мадрасага кўмдирган эди”.

М. Саиджонов Самарқанд архитектура ёдгорликлари аниқ бир план билан ансамбль традицияси асосида қурилганини Самарқанд Чорсуи хусусидаги ёзувидан аниқ кўрсатади:

“Умумият билан, — деб ёзади автор, — тўрт йўлни кесиб ўтадиган жойда бино этилган ва атрофидаги расталарнинг маркази бўлган бундай биноларни тўрт томон маъносида “Чорсу” атайлар. Самарқанд Чорсуи вақтида олти йўлнинг бир нуқтага келиб туташган ўрнида бино этилганидан, ҳар бир даҳанаси бир йўлга қаратилган олти даҳанали бино этилган бўлса ҳам умумий истемоли билан Чорсу атаганлар. Самарқанддаги бу типдаги бино биринчи бўлмасдан, бунинг яқинида Амир Темурнинг хотинларидан Туман Оқо бино этган “Тўппи сотувчилар тими” (Тими кулоҳ фурушон) бор эди. Туман Оқо бу тимни Бибиҳоним мадрасасининг яқинидаги хонақоҳга вақф этган эди.

Ҳозирги Чорсу плани ташқаридан 12 қиррали ва олти йўлли бўлиб, йўлларнинг ораларида ҳосил бўлган учбурчаклардан ташқарида олти дўкон ҳосил бўлган; ичкарида қутра (диаметри — *М. А.*) 10 метр бўлган буюк гумбазнинг атрофидаги йўлларнинг усти ярим доиравий гумбазчалар билан ёпилгандир”.

Муаллиф ансамбль традицияларига мисол қилиб Улуғбек мадрасаси, унинг хонақоҳи, Шердор ва Тиллакори мадрасалари ва бошқаларнинг қурилиш плани ҳақида оригинал илмий фикр юритади.

Олим “Самарқанднинг меъморий ёдномалари” асарида Регистон майдонида XV асрда Мирзо Улуғбек мадрасаси ва хонақоҳининг қурилиши, XVII асрда Ялангтўш томонидан икки салобатли бино — Шердор ва Тиллакори мадрасалари қурилиши билан бу майдонда (Регистонда) ансамбль ташкил бўлганини таъкидлайди. М. Саиджонов бу бинолардан энг сўнггиси — Тиллакорининг қуриб тугалланиши ҳақида шундай деб ёзади: “Бу мадрасани бино этиш билан Регистон майдони учинчи буюк меъморий ёдномалар билан ихота этилиб, умумий кўринишига тугаллик берилгандир. Фолибо, бу замонда Амир

Темурининг Жоме мачити, Улуғбек замонида Алика Кўкалдош томонидан бино этилган иккинчи буюк Жоме хароба ҳолатига келганда, бу мадрасани Жомега махсус этиб бино этганлар”. Шу билан Теурийлар замонидаги ансамбль кўриниши сақланиб қолган. “Тиллакори”нинг кўринишида ва планида алоҳида ўзгалиги бордир”. Регистон томон бурчакларидаги гулдасталари (миноралари — М. А.) баланд кўтарилмаган. Баланд кўтарганда, бу бурчакларнинг қаршисида бўлган Улуғбек ва Шердор мадрасаларининг миноралари билан кўринишида қўшилиши ва ғарб томонидаги буюк ва баланд гумбазнинг олдини тўсиш билан Регистоннинг умумий манзарасига халал етказиш мумкин эди.

Мусахон Саиджоновнинг унутилмас илмий хизматларидан бири халқ орасида афсонавий “Чил духтарон” (“Қирқ қиз”) номи билан машҳур бўлган мақбаранинг тарhini аниқлашидадир. У бу муқим хулосага ёзма манбаларни қунт билан ўрганиш ва 1935 йилда археологик қазишлар ўтказиш орқали эришди. Тарихий асарлар ва “Чил духтарон” харобасидаги қабр тошларига ўйиб ёзилган хатларни ўқиш асосида, бу Шайбонийхонлар хонадонидан бўлган Кўчкинчихон ва унинг авлодининг мақбараси эканлиги аниқланди. Мақбара 918—937 ҳижрий (1512—1531 мелодий) йиллар орасида Кўчкинчининг Мовароуннаҳрда хонлик тахтида муқим бўлган йиллари қурилган.

М. Саиджонов тадқиқотларидан маълум бўлишича, Кўчкинчихоннинг ўғли Абу Саидхон (940 йил ҳижрий, 1533—1534 йил мелодийда вафот этган) Кўчкинчихон мақбарасига ёпиштириб бир мадраса бино этган. Бу мадрасанинг олдида Шайбонийлардан бири ёки бошқа бир шахс катта ҳовуз қаздирган. Шундай қилиб Абу Саидхон мадрасаси билан Мирзо Улуғбек мадрасаси орасида мазкур ҳовуз воқе бўлиб, Кўчкинчихон мақбараси (“Чил духтарон”) Абу Саидхон мадрасасининг жанубий қисмида жойлашган бўлади. Абу Саидхон мадрасаси XVII асрнинг охирига қадар бор эди.

Мақбара харобасидан Саиджонов қирқдан ортиқ мармар қабр тошлари топган. Уларни ўқишга ва бунда дафн этилган шахсларни аниқлашга муваффақ бўлган. Қарийб

70—80-йиллар давомида мақбарага Шайбонийхонлардан Кўчкинчихон авлодлари дафн этилган.

Олимнинг “Ишратхона” мақбараси ҳақидаги тадқиқоти айниқса диққатга сазовордир. Бу илмий иш унинг Самарқанд атрофидаги тарихий обидаларни текшириш туркумига киради. “Ишратхона” шаҳарнинг жануби-ғарбида ундан икки ярим чақирим узоқликда жойлашган. Аслида халқ ичида “Ишратхона” номи билан машҳур бўлган бино Темурий султонлардан Абу Саидкурагоннинг қизи Хованд Султон беканинг қабри устига қурилган жуда гўзал мақбарадир. Мақбаранинг вақфномаси эса 868 й. ҳижрий (1463—1464 мелодий)да амир Жалолдиннинг қизи Ҳабиба Султон бегим томонидан тузилган. Демак, бино ҳам шу йиллар ичида қурилиб битган деб фараз қилиш мумкин.

Султон Хованд бека мақбараси ғоят зийнатли бинолигидан ташқари, “Боғи Феруза” деб аталган ва ўз замонасида жуда обод бўлган бир боғнинг ичкарасида бино этилганидан, унинг гўзаллиги яна ҳам ортган. Халқ ўртасида мақбарани “Ишратхона” аталиши бирор воқеа, афсона билан алоқадор бўлса керак.

Мақбаранинг вақфномаси XV аср ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, сиёсий тарихини ўрганишда ниҳоят муҳим ҳужжатдир. Ўз вақтида шаҳар чеккасидаги меъморий обидаларнинг энг гўзали бўлган бу мақбарани кўрган санъаткорнинг кимлиги, озод усталарданми ёки асирларданми эканлиги маълум бўлмаса ҳам Султон Хованд бека мақбараси ва унинг вақф ерларида хизмат қилувчилар кул ва чўрилар эканлиги маълумдир. Вақфноманинг асл нусхасига кўра, Самарқанднинг Шовдор туманига қарашли Сароймалик қишлоғининг ярми аёл — Ҳабиба Султон бегимнинг мулки бўлиб, “Ишратхона”га вақф этилган эди. Вақфномада ёзилишича, деҳқончиликда ишлатиш учун 20 бош ҳўкиз, 12 бош туя, мақбарани тоза тутиш ва озиқ-овқатлар тайёрлаш, деҳқончиликда ишлаш учун 32 кул ва чўрилар ҳам вақф мулки ҳисобланган. Вақфноманинг орқасига битилган хатга кўра кейинроқ, яъни 882 ҳижрий (1477 мелодий) йилда Ҳабиба Султон бегим хуросонлик 6 эркак, 7 хотин, 5 қиз ва бир бола — жами 19 кишини яна юқоридаги вақф мулкига қўшиб берган.

Мақбарани палослаш ва зийнатлаш учун қалин гиламлар, жойнамоз гилам, мусаллалар, қабрпўш, қандиллар, тасбех, шамдон ва бошқа ашёлар бўлган. Буларнинг кўпчилиги қимматбаҳо ипак, бахмал, кимхоб каби матолардан ишланган.

Хованд Султон беканинг қабри ёнида олтин ва лажвард жиддли, саҳтиён муқовали ҳусни хат билан ёзилган қуръон, қимматбаҳо рўмол ва яна ироқидўзлик рўмоли бўлган. Қабрнинг бошида қуръон ўқувчи ҳофиз, бир қоровул ва бир мулозим бўлиб, буларнинг маоши вақф даромадидан тўланган.

Қисқаси, Хованд Султон бека мақбарасига боғлиқ бўлган ҳужжатлар бебаҳо тарихий манбалардир. Бу манбаларни биринчи марта тарих фани нуқтаи назаридан таҳлил қилиб берган киши профессор Мусажон Саиджонов эди.

Олимнинг Шаҳрисабз меъморий обидаларига бағишланган тадқиқоти ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Муаллиф ҳақли равишда Ўрта Осиёдаги пойтахт шаҳарлардан бошқа иккинчи ва учинчи даражадаги шаҳар ва шаҳар типдаги жойлар тарихи ёзма манбаларда деярли акс эттирилмаганини қайд қилади. Бу типдаги шаҳар ва мавзелар ҳақида мелоддан илгариги Рим, юнон ва хитой манбаларида ва бошқа ёзма манбаларда камдан-кам маълумот учрашини ўқтириб, Саиджонов Ўрта Осиёдаги шаҳарлар тарихини ўрганишда археологик тадқиқотларнинг аҳамияти катталигини алоҳида қайд қилади. У ўзининг Самарқанд, Шаҳрисабз ва бу шаҳарлар атрофидаги меъморий обидаларга бағишланган асарларини археологик қазинишлар ўтказиш билан қўшиб олиб борди.

Саиджоновнинг Шаҳрисабздаги Темур қароргоҳи — Оқсаройга бағишланган асари бу ажойиб меъморий обидида ҳақидаги бирдан-бир монументал илмий ишдир. Амир Темур Шаҳрисабз яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида тутилгани учун Шаҳрисабзнинг ободончилигига алоҳида аҳамият берди. “Темур, — деб ёзади Саиджонов, — Урганч халқининг бир қисмини Шаҳрисабзга кўчиришдан бошқа, эҳтимол Ироқ ҳунармандларининг ҳам бир қисмини шу шаҳарга кўчирган бўлса керак. “Ироқий” деб аталган махсус бир турли кашта тикишнинг ёлғиз шу шаҳарда замонамизгача сақлангани ҳам шунга далил бўла олса керак”.

Ўзбеклар ҳукмронлиги даврида ҳам Шаҳрисабз Қашқадарё водийсида асосий шаҳарлардан ҳисобланган.

М. Саиджонов Темурнинг Самарқанддаги тўрт қаватли Кўксарой ва Шаҳрисабздаги Оқсарой каби қароргоҳлари, салобатли мачит, мадрасалари, авлодлари учун қурилган мақбаралари, Самарқанд атрофидаги фирдавс монанд боғлари ва уларнинг ичига қурилган гўзал кўшклари ҳақида ёзар экан, буларнинг кўплари Темур шахсини улуғлаш, абадийлаштириш учун, унинг “дунёнинг бирдан-бир ҳокими” бўлишга лойиқ эканлигини “исботлаш” учун қурилганлигини қайд қилади. Бу тарихан жуда тўғри фикрдир.

1403—1404 йиллари Мовароуннаҳрга келган Испания элчиси Клавихо Оқсаройни шундай таъриф қилади: “Иккинчи кун, пайшанба кун буюк бир саройни кўришга элчиларни олиб бордилар. (Сарой) Подшоҳнинг (Темурнинг) амри билан бино этилмоқда эди. Йигирма йилдан бери уни бино этиш давом этаётгани ҳақида сўзлардилар. Ҳозирда ҳам унда кўп усталар ишламоқда эдилар. Бу Саройнинг ... дарвозаси пештоқи жуда баланддир. Кириш олдида ўнг, сўлда юзлари рангли кошинлар билан қопланган гиштин тоқлар бор. Бу тоқларнинг ости эшиксиз кичик бўлмалардан иборат бўлиб, ер кошин билан фаршланган эди. Бу подшоҳнинг келиши вақтида одамларнинг ўтириши учун ясалгандир. Булардан кейин иккинчи эшикнинг ичкарасига оқ тошлар билан фаршланган, атрофи яхши ишланган равоқлар — айвон (галереяли) қоршланган кенг саҳндир. Саҳннинг ўртасида катта ҳовуз бор. Саҳннинг эни 300 қалам миқдориди, унинг воситаси билан катта бир ҳовлига кириладирким, жуда баланд ва кенг эшиги (пештоқи) бўлиб, олтин, ложувард ва кошинлар билан безалгандир. Кириш эшигининг устида қуёш ва арслон сурати расмланган. Ёнлари ҳам шундай расмлидир. Бу эшикдан тўғри мураббаъ (тўрт бурчак) бичимли қабул бўлмасига кирилади. Бунинг деворлари тилла, ложувард билан нақшланган ва кошинлар билан ишланган, сақфи бутунлай тилла ҳалдир. Элчиларни бу ердан устки қаватга олиб чиқдилар. Ҳовли юзига мармар тошлар ётқизилган ва атрофида жуда кўп хоналар мавжуд бўлиб, уларнинг нақадар мухташам эканини баён қилиш амри маҳолдир. Бундай юксак меъморчилик санъатида ишлан-

ган биноларни Париж усталари кўрганларида ҳам лол қолар эдилар...”

Клавиходан қарийб юз йил кейин ўз хотираларини ёзган Бобур Мирзо Шаҳрисабздаги Темурнинг меъморий обидалари ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: “Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳар ва пойтахт қилурига кўп саъйи ва эҳтимомлар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди. Ўзига девон ўлтирур учун бир улуг пештоқ ва яна ўнг ёнида ва сўл ёнида навоҳи беклар билан девон беклари ўлтуруб девон сураар учун икки кичикроқ пештоқ қилибтур. Яна Саврун (ҳарбийлар — *М. А.*) эли ўлтирур учун бу девонхонанинг ҳар зилъида кичик-кичик тоқчалар қилибтур, мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларки, қисро тоқидин бу бийроқ тур”.

XVII аср охирига келиб, машҳур Оқсаройнинг фақат пештоқигина қолган, холос. Уни 1103 (1692 мелодий) ҳижрий йилида кўрган самарқандлик тарихчи ва шоир Муҳаммад Бадеъ ибн Муҳаммад Шариф Малихо қуйидагиларни ёзди: “Амир Темурнинг Шаҳрисабзда қурган биноларидан бири давлат саройидан қолган жиловхонанинг пештоқи бўлиб, Темурнинг улуглиги ва шавкатига очиқ ҳужжатдирким, (бу бино) Оқсарой аталади. Унинг китобасида (пештоқига ёзилган хатида — *М. А.*) “Бизнинг ҳокимиятимиз ва улуглигимизга ишонмасанг, иморатимизга қара”, жумласини ёзганлар”.

М. Саиджонов 1935—1936 йилларда Оқсарой харобасида самарали археологик қазиш ишлари олиб борди. У қазиш ишлари ўтказишдан аввал ёзма манбаларда ва илмий адабиётда Шаҳрисабз тарихига доир ҳамма маълумотларни чуқур ўрганди. Маълум бўлишича, ёзма манбалар ва тарихий адабиётларнинг биронтасида Оқсарой архитектураси тўла акс эттирилмаган. Тарих фани учун ниҳоятда муҳим бу вазифа Саиджонов томонидан бажарилди.

Археологик қазиш натижасида профессор М. Саиджонов Оқсарой лойиҳасини тўла тиклашга муяссар бўлди. У Оқсаройнинг харобаси остида қолиб кетган ёзувларни тўлалигича ўқиди. Натижада олим Оқсаройни қуришда фақат Хоразм ва Ироқдан келтирилган усталаргина эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқнинг бошқа мамлакатларидан келтирилган усталарнинг ишлаганини аниқлади. Маса-

лан, Оқсарой пештоқларидан бирига куйидаги хат битилган: “Амали абди ал заиф ал муҳтож ило раҳматуллоҳи таоло... Муҳаммад Юсуфхон ат-Табризи”, яъни “Олло таолонинг кучсиз кули ва унинг раҳматиға муҳтож бўлган табризи Муҳаммад Юсуфхон ат-Табризий”, деб ёзилган.

М. Саиджоновиинг куйидаги илмий хулосаси айниқса муҳимдир: “Оқсаройдаги кесма кошинли айрим намуналар Самарқанддаги Шоҳи Зинда мозорида Ширинбека Оқо (Темурнинг синглиси) мақбарасининг кошинлари билан ва уларнинг ҳар иккисини Кўҳна Урганчдаги Тўрабека хоним мақбарасидаги кесма кошинларга солиштирганда ҳар уч бинода ишлаган усталар бир мактаб шогирдлари бўлганлари кўринади”.

М. Саиджонов шу 1935—1936 йиллари Оқсаройни археологик текшириш билан бир вақтда шаҳар Чорсусини, шаҳарда бўлган муҳим меъморий обидалар: Ҳазрати имом мақбараси, Шамсуддин қуллол мақбараси, Гумбази Сайидон ва бошқаларни текширган ва ўзига хос илмий хулосалар чиқарган.

М. Саиджонов Шаҳрисабздаги архитектура обидаларини маълум бир ансамбль анъаналари асосида вужудга келганини қайд қилади.

Марҳум профессорнинг илмий мероси сермазмун ва ранг-барангдир. Унинг йирик монографик тадқиқоти ўлимидан бир йил олдин, яъни 1936 йили тугатилган “Шайх Сайфуддин Бохарзийнинг вақфномаси” асаридир. Объектив сабабларга кўра нашр қилинмаган бу асарни, ҳеч муболағасиз, 30-йиллардаги тарих фанида катта кашфиёт деб аташ мумкин.

Саиджонов олимларимиздан биринчилардан бўлиб Ўрта Осиёнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида руҳонийларнинг, айниқса, шайхларнинг таъсири борлиги, фақат оддий халқ эмас, балки ҳокимлар ҳам уларга бир оз эътибор берганлигини қайд қилади.

XII асрнинг охири ва XIII асрнинг ўрталарида шайх Сайфуддин Бохарзийнинг сиёсий ва диний мавқеи шу қадар таъсирли бўлганки, ҳатто мусулмон динидаги халқларнинг ашаддий душмани Чигатой хоннинг Мовароуннаҳрдаги амирлари деярли унинг амрига бўйсунганлар. Шайхнинг нуфузи ортиб, “Шайхул олам” даражасига кўтарилади. Олтин Ўрда хони Берке шайх Сайфуддин Бохарзийга сифиниб Бухорога келади.

Профессор М. Саиджонов ўзининг бу асарини ёзишда вақфноманинг мавжуд ҳамма текстларидан (вақфнома жуда катта бўлиб, 1400 йўл сатрдан иборат), араб, форс ва турк тилидаги манбалардан, 30 дан ортиқ ҳужжатли манбалардан фойдаланган. У шайхнинг мақбараси харобасидаги ёзувларни ўқиб, уни 586 (1190 мелодий) ҳижрий йилда тугилиб, 659 (1261 мелодий) ҳижрий йилда ўлганини қайд қилади. 1317 йилда ёзилган “Тарихи Бенокатий” китобининг “Мангу Хоқон” ҳикоясида кўрсатилишича, Мангухон, Хулагухон ва Хубилайхонларнинг оналари Севуркуктен бека Бухоро вилоятида мадраса ва хонақоҳ қурдириб, унга жуда кўп қишлоқларни сотиб олиб вақф қилган ва мутавалий қилиб шайх Бохарзийни тайинлаган. Шайхнинг мақбараси Бухоронинг шарқида — Қарши дарвозаси ташқарисида, Фатҳобод деган жойда жойлашган. Вақф қилинган ўн учта катта қишлоқлар ҳам ана шу Фатҳободда бўлган.

Шайхнинг мозори ва хонақоҳи фойдасига вақф қилган киши шайхнинг набираси шайх Мухийдир (ибн Баттутада унинг исми Яҳё). У Эроннинг Керман вилоятидан Фатҳободга 722 (1324 мелодий) ҳижрий йилда келиб, шу ерда 736 (1335—36 мелодий) ҳижрий йилда ўлади.

Вақфнома ҳужжатида икки хил сана кўрсатилган. Асосий ҳужжат 726 (1326 мелодий) ҳижрий йилда битилган, кейинроқ ҳужжат орқасига янгидан вақф мулкига қўшилган ерлар қайд қилинган. Вақф мулкига суғориладиган экин ерлари, мевазор боғлар, уй-жой бинолари, хўжалик асбоблари, каналлар ва ариқлар кирган. Шайх Сайфуддин Бохарзий ва унинг авлодлари XV асрдаги Хўжа Убайдулла Аҳрор, XVI—XVII асрдаги Жўйбар хўжалари каби йирик феодал, диний ва ижтимоий ҳаётда нуфузли шахс бўлган.

М. Саиджонов томонидан вақфномани тадқиқ қилиш жараёнида атамалар соҳасида олиб борган ишларининг аҳамияти ҳам муҳимдир (Қадийур, афлак, зиё, намарз, захкаш, зар, нава, кунда, адақ ва шу каби). Олим жуда кўп сўзларнинг луғавий ва лексик маъноларини текширган.

М. Саиджоновнинг Самарқанд ва Шаҳрисабзнинг меъморий обидаларига бағишланган ишлари қаторида шайх Сайфуддин Бохарзий вақфномаси ҳақидаги монографик тадқиқоти ҳам нашр қилиниши керак.

Олимнинг бундан 30-35 йиллар олдин ёзилган ва айрим сабабларга кўра нашр қилинмай қолган асарлари тарих фанининг ҳозирги талабларига тўла жавоб бера олади. Заковатли ва истеъдодли олим томонидан пухта бажарилган тадқиқотлар ҳамон ўзининг илмий қиммати ва салоҳиятини йўқотмаган.

*Хисоо Кўматсу
(Япон олими)*

М. А. АБДУРАИМОВНИНГ “БУХОРО ҚУШБЕГИ МАҲКАМАСИ АРХИВИ” МАҚОЛАСИ

Мазкур иш Ўзбекистоннинг таниқли шарқшуносларидан бири, марҳум профессор Маҳкам Абдураимовнинг (1916—1975) юқорида тилга олинган мақоласининг (у рус тилида ёзилган, эълон қилинмаган) япон тилига таржимаси ҳисобланади. Маълумки, Абдураимов қушбеги маҳкамасида сақланиб қолган Бухоро хонлигининг сўнгги даврига доир ҳужжатларнинг асосий мазмуни билан ўқувчиларни биринчи марта таништирган эди.

Бу мақола Ўрта Осиё тарихини ёритишда қимматли манба ҳисобланадиган мазкур нодир ҳужжатлар ҳақида муҳим маълумотлар беради. Хива ва Қўқон хонликларига доир қўлёзма манбалар тадқиқ этилгани маълум, аммо маъмурий-идоравий ишлари юқори даражада тараққий этган Бухоро хонлигига доир ҳужжатлар эса шу пайтгача деярли ўрганилган эмас.

Бухоро хонлиги архиви ўз кўламига кўра XIX аср охири XX аср бошларидаги Бухоро амирлигининг ижтимоий ҳаёт тарзи ҳақида тўғри тасаввур беради. Ҳеч шубҳасиз, улар Ўрта Осиё тарихини ўрганишга доир асосий материаллар жумласига киради. Ҳозир Ўрта Осиёнинг ўзида уларни батафсил ўрганиш ва тадқиқ этиш имкониятлари туғилди. Шунинг учун кенг ва атрофлича маълумот берувчи мазкур илмий мақолани таржима қилишни лозим топдим.

1991 йилнинг ёзида Тошкентда бўлган чоғимда Абдураимовнинг оила аъзолари ҳамда “Шарқ юлдузи” жур-

налининг бўлим мудирини Ортиқбой Абдуллаев билан учрашган эдим. Уларнинг илтифоти туфайли ҳанузгача эълон қилинмай келаётган юқоридаги йирик илмий ишни кўришга муяссар бўлдим.

Энди Абдуллаевнинг Абдураимов ҳақидаги мақоласига таянган ҳолда тарихчи Абдураимовнинг таржимаи ҳолига ва муҳим аҳамиятга молик бу қимматли мақоланинг босилмай қолиш сабабларига қисқача тўхталиб ўтаман.

Абдураимов Ленинграддаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтида Петрушевский раҳбарлигида таълим олди. Уруш йилларида армияда тўрт йил хизмат қилиб қайтганидан кейин 1948 йилда “Темур ва Тўхтамиш” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Расмий оппонентларидан бири А. Ю. Якубовский эди. Бир йилдан сўнг у Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) шарқшунослик факультети деканлигига тайинланди. Унинг илмий иши шу йиллардаги совет тарихшунослигида қалтис мавзулардан ҳисобланар эди. Номзодлик диссертациясида Темурнинг кўп йиллардан бери Москвага хавф солиб келаётган Олтин Ўрда хони Тўхтамиш устидан 1395 йилда қозонган ғалабаси Россия тақдирида муҳим роль ўйнагани кенг ёритиб берилган эди. Масаланинг бу тарзда қўйилиши рус князларининг 1380 йилда Куликово жангидаги ғалабаси салмоғини пасайтирар эди. Бундан ташқари, унинг тарихга ёндашиши бутун тарихий ҳодисалар марказида Россия туради, деб талқин этувчи совет тарихшунослиги ақидаларига ҳам мос келмасди. Шу туфайли у университетдан қувғин қилинади ва узоқ йилларгача ўзига муносиб иш билан таъминланмайди. Сабаби, ҳукмрон мафкура мутасаддилари томонидан Абдураимов “миллатчи жадидларни ишга қабул қилиб, совет ёшларини миллатчилик руҳида тарбиялашга” уринганликда айбланди. Аслида у мадрасада ўқиган билимли қарияларни шарқшунослик факультетига жалб қилиб, талабалар араб ва форс тилларини ўрганишларидан ташқари қадимги қўлёзмаларни бемалол ўқийдиган бўлиши учун йўл очиб бермоқчи эди. Бу режаларнинг ҳаммаси барбод бўлади. Диссертацияни эълон қилиш қатъиян тақиқланади, ҳатто уни тилга олишга ҳам йўл қўйилмайди.

Илмий фаолиятни яна давом эттириш учун у тадқиқот йўналишини ўзгартиришга мажбур бўлади.

1964 йилда у “Бухоро хонлигида XVI аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида ер-сув муносабатлари тарихи” тадқиқоти учун тарих фанлари доктори унвонига сазовор бўлади. Бу мавзунини давом эттирар экан, у Бухоро қушбеги маҳкамаси архиви материалларини тадқиқ этишга киришади ва ўз мақоласида таъкидлашича, 1965—1973 йиллар давомида архив ходимлари билан биргаликда 90 минг қўлёзмани тасниф қилиб чиқади. Бу иш ниҳоясига етгач, Абдураимов катта муқаддима билан Қушбеги ҳужжатлари тўпламини тузади (эълон қилинмаган). Ана шу сўзбошидан ташқари у кенг ўқувчилар оmmasига таништириш учун мазкур мақолани ҳам ёзади. У қачон ёзиб тамомлангани номаълум. Ҳар ҳолда Абдураимов ҳаётининг сўнгги йилларини Қушбеги архивини ўрганишга бағишлагани кўришиб турибди.

Шу билан бирга, мана шу йиллар давомида у ўзи севган мавзу — Темур ва темурийлар даврига нисбатан қизиқишини асло йўқотмайди. 1960 йилда у “Темурийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганишга доир” номли мақоласини эълон қилади, унда Темурнинг шахсий қобилиятлари ва юксак бунёдкорлик фаолияти кенг ёритилади. Бундан ташқари, у Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан кўп йиллик тадқиқотлари самараси сифатида темурийлар тарихи китобини тайёрлайди (эълон қилинмаган).

Қушбеги ҳужжатлари ҳақидаги мақола ёзилганига ҳам 20 йилдан кўп вақт ўтди. Мустақиллик даври бошлангандан кейин Ўрта Осиё тарихига доир қарашлар тубдан ўзгарди. Ўзбекистонда ҳам Андижон қўзғолони ёки жаҳидчилик ҳаракати каби мунозарали масалалар ўз ижобий ечимини топмоқда. Шубҳасиз, Абдураимовнинг ижодий тақдирига баҳо берилганда, энг аввало қадимги қўлёзмалар ва ҳужжатларни ўрганишдаги хизматлари тилга олинади. Мазкур мақолани таржима қилишдан мақсадим муҳим тарихий ҳужжатларни таҳлил этганига қарамай, асоссиз унутилиб келаётган иш билан жамоатчиликни таништиришдан иборатдир.

*Токио университети илмий асарлар
тўплами. 1992 йил, 37-сон*

ОЧИЛМАЙ ҚОЛГАН ҲАҚИҚАТ

(Хотима ўрнида)

Тургунлик даврининг оғир кишанларидан қийинчилик билан кутулиб бормоқдамиз. Қатагон қилинган ижодкорларимиз тўла оқланди. Бизнинг талабалик йилларимизда ҳатто номини тилга олиш мумкин бўлмаган Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, Фитратнинг “Абул Файзхон”, “Ҳинд ихтилолчилари”, Бехбудийнинг “Падаркуш” асарлари халққа қайтарилди. Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикмат”лари, муқаддас китобимиз — Куръони Карим ўзбек тилида нашр этилди.

Фақат бадийят оламида эмас, хусусан тарих фанида ҳам узоқ йиллар ҳукм суриб келган адолатсизликлар барҳам топаётгани қувонарлидир. Қисқагина фурсат — икки-уч йил ичида бу соҳада ҳам маданий инқилоб деб аташ мумкин бўлган жиддий ўзгаришлар юз берди. Чоризм томонидан Туркистон халқларини шафқатсизларча бўйсундирилиши ҳақидаги асл ҳақиқат баралла айтилмоқда. 1920 йилда Қизил Армия томонидан Бухорои шариф қандай вайрон қилингани, Фарғона водийсида босмачиларни таъқиб қилиш баҳонасида қурол-яроғсиз маҳаллий тинч аҳоли устидан юргизилган қирғин (“қизил террор”) сиёсатига доир ҳужжатлар пўлат сандиқлардан ташқари чиқди. Ва ниҳоят, ҳақиқат кўзига тик боқишдан ожизлик қилган тарихчи олимларимизни иснодга, маломатга қолдириб келган мавзу — Амир Темурнинг ижтимоий фаолияти ва Хўжа Аҳрор Валининг чинакам тарихий қиёфасига доир асл ҳужжатлар ҳам адолат тарозисига қўйилди. “Темур тузуклари” босилиб чиқди. Хуллас, амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган хайрли, эзгу ишлар ҳақида истаганча гапириш мумкин.

Маҳкам Абдураимов “Темур ва Тўхтамиш” мавзуидаги номзодлик ишини 1948 йилда Санк-Петербургдаги Шарқшунослик институтида ёқлаган. Илмий раҳбари — И. П. Петрушевский, расмий оппонентларидан бири: А. Ю. Якубовский. (Бу атоқли шарқшуносларни ўқувчи яхши билади, албатта.) “Темур ва Тўхтамиш”да ўнлаб нодир Шарқ қўлёмалари — Рашидиддин, Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Фиёсиддин Али, Ибн Арабшоҳ,

Ҳофиз Абру, Хондамир, Мирхонд, Абдураззоқ Самарқандий сингари улуғ алломалар ёзиб қолдирган шоҳ асарлар синчиклаб таҳлил қилинганини кўрамиз. Маҳкам Абдураимов форс ва немис тилларини мукамал билар, луғат ёрдамида араб тилини ҳам ўқиб таржима қиларди. У Шарқ тарихига оид қўлёзмаларни бошқа манбалардан эмас, аслият орқали бевосита ўрганган эди. Шунинг учун ҳам “Темур ва Тўхтамиш” ҳаваскор олимнинг катта илм йўлидаги илк тажрибаси эмас, етук мутахассиснинг ўзига хос салмоқли асари сифатида юзага келганди.

Яхшиси, сўз навбатини олимнинг устозларига берайлик. И. П. Петрушевский мазкур ишга ёзилган тақризида М. Абдураимов форс тилини мукамал билиши ва биринчи қўлёзма манбаларини пухта ўрганиши асосида катта илмий тадқиқот яратганини алоҳида таъкидлайди. “Темурнинг Тўхтамишга қарши олиб борган уч босқичдан (1385—1388, 1388—1391, 1391—1395) иборат ҳарбий ҳаракатларига бағишланган IV боб ўртоқ Абдураимовнинг ишида энг қимматли ўрин ҳисобланади. Бу боб муаллифнинг мустақил тадқиқоти бўлиб, мавзу жуда батафсил ёритилган, келтирилган манбалар эса илк марта илмий истеъмолга киритилгандир”, деб ёзади у.

А. Ю. Якубовский ҳам ишга умуман юқори баҳо берган ҳолда тадқиқотнинг айна шу қисми катта аҳамиятга эгаллигини қайд этади. (Бу тақризлар олимнинг шахсий қоғозлари орасидан топилди. — *О. А.*)

Хуллас, ҳужжатлар, далилларга бой, хулосалари, умумлашмалари теран бўлган бу тадқиқот ёш тарихшуноснинг илмдаги дадил қадами деб баҳоланганини кекса олимлару адибларимиз яхши эсласа керак. Шу пайт Маҳкам Абдураимов 32 ёшга тўлганди. (Иккинчи жаҳон уруши халақит бермаганда мазкур иш анча илгари ёқланган бўларди. Олим тўрт йил оғир жанглarda қатнашиб, оддий аскарликдан гвардиячи капитан даражасигача кўтарилди, орден ва медаллар билан тақдирланди. Булар ҳақида “Комус”да ҳеч қандай маълумот йўқ. Уларни биз “Фан” нашриёти 1976 йилда чиқарган “Ўзбекистондаги ижтимоий фан вакилларининг биобиблиографик очерки” деб номланган икки жилдлик йирик асардан олдик.)

Мазкур илмий иш ҳимоя этилган йиллар қанақалигини эслайлик. Ждановнинг машъум нутқлари ҳаммаёққа

даҳшат солаётган, ижодкор зиёли зоти борки дами ичига тушиб, эртага нима бўларкин деб ваҳимада кун ўтказаётган машғум замонда Амир Темурдек мураккаб сиймо ҳақида ёзиш учун чинакамига жасорат кераклигини исботлаш шартмикин?

Хўш, бу асарда Темур шахси ва ижтимоий фаолияти қандай баҳоланган? Ўқувчи, энг аввал, шуни билишни истайди, албатта. Қўлёзмани синчиклаб ўқисак, олим бу улуғ зот барпо этган марказлашган қудратли давлат қай тарзда юзага келгани ҳақида, соҳибқироннинг саркардалиқ даҳоси, бунёдкорлиги, Самарқанддаги улуғвор иншоотлари, юртнинг ободонлиги учун ўнлаб улкан каналлар қурдиргани, адолатли қонунлар чиқаргани хусусида холисона фикр юритганига гувоҳ бўламиз. Мавзу талабига кўра, тадқиқотчи ўрта асрлар тарихидаги яна бир муҳим нуқтани: Темур томонидан мўғул хони Тўхтамишга берилган қақшатқич зарба Россия халқлари тақдирида қай даражада буюк роль ўйнаганини ҳам кўпдан-кўп қўлёзма манбалар асосида тўғри кўрсатишга муваффақ бўлади. (Бу борадаги тарих ҳақиқати ҳали тўла тикланмаганини ёдга олинг.) Рус олимлари ва адиллари Куликово жанги ҳақида фахр ва ифтихор билан кўп ёзишади. Бу — табиий, албатта. Куликово жангида мағлубиятга учраган Мамай йирик сиймолардан бўлган эмас. Шунинг учун ҳам рус қўшини қозонган ғалаба қанчалик муҳим бўлмасин, у омонат эди. Олтин Ўрданинг шу йиллардаги чинакам кучли ҳукмрони Тўхтамишхон 1382 йилда Москвани қайта забт этгани ҳам шундан далолат беради.

Тверь князи улуг князликка ёрлик олиш умидида Тўхтамиш хузурига бош эгиб борган... Бу воқеалардан кейин Москва князи бир неча вақт яна татарларга хирож тўлашга мажбур бўлган” (Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовский. “Олтин Ўрда ва унинг қулаши”, Тошкент, 1956, 207—208-бетлар).

Тўхтамишхон кучайиб бораётганидан хавфсираган ва унинг Мовароуннаҳрга қилган қалтис ҳужумларидан дарғазаб бўлган Амир Темур ёш рақибини мажақлаб ташлашга аҳд қилади ҳамда бу мақсадни тўла амалга оширади. А. Ю. Якубовскийнинг юқоридаги китобда ёзишича, “1395 йилда (эътибор беринг, Куликово жангидан ўн беш йил ўтгандан кейин — О. А.) Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси, Астрахан ва айниқса Олтин Ўрда

пойтахти Сарой Берканинг хароб қилиниши ва ёндириб юборилиши фақат Ўрта Осиё ва ўша вақтдаги жануби-шарқий Европа учунгина эмас, балки Рус учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди... Оқсоқ Темур... Тўхтамишни енгиш билан Рус ерига объектив суратда катта хизмат кўрсатган, лекин шундай бўлиб чиқишини унинг ўзи мутлақо пайқамagan” (317—318-бетлар). Амир Темур ўз галабаси туфайли Рус князликлари учун катта хизмат қилганини билганми-йўқми, бунисидан қатъи назар, улуғ халоскорлик вазифасини бажарган. Бугунги кунда Куликово жангининг аҳамиятини қанчалик улуғласак, Амир Темурнинг Россия халқлари тақдиридаги улкан хизматларини ҳам шунчалик қадрлашимиз, эъзозлашимиз зарур. Аммо, афсуски, бу ҳақиқат турғунлик йилларида яратилган тарихга оид тадқиқотларда деярли унутилди. Хоҳлаган тарих дарслигини олиб кўринг, унда сиз Темурнинг “босқинчилиги”, “золимлиги” бўрттирилгани, тарих саҳнасида қилган ижобий хизматлари эса четлаб ўтилганини кўрасиз. Ҳатто ўз вақтида юксак баҳоланган юқоридаги китоб ҳақида ҳам лом-мим демасдан, сукут сақлашга одатландик.

Шу ерда ўз-ўзидан савол туғилади. Маҳкам Абдураимов мазкур китобдаги тайёр фикрлар, хулосаларни такрорлагандир? Аввало, биз махсус таъкидлаётган диссертация 1948 йилда ҳимоя қилинган, “Олтин Ўрда ва унинг кулаши” эса илк бор 1951 йилда босилиб чиққан. Мазкур тадқиқотда Темур фаолиятининг фақат бир жиҳати — Олтин Ўрдани парчалаб ташлаши ва рус князликларининг кучайишига йўл очиб бергани ҳақидагина кенг фикр юритилган. Маҳкам Абдураимовнинг тадқиқотида эса Амир Темурнинг ҳаёт йўли ва қудратли марказлашган давлат барпо этиш учун олиб борган мураккаб курашлари қўлёзма манбалар асосида батафсил ёритилган. Муаллиф Темурнинг бунёдкорлик, қурувчилик фаолияти ҳақида гапирар экан, Самарқанддаги буюк обидалар, янгидан барпо қилинган жаннатмонанд боғлар, Мўғон даштларида қурилган улкан каналлар ва яна бошқа кўплаб улуғвор иншоотларни мисол қилиб келтиради. Кейинроқ у илмий ишидаги асосий хулосаларни “Темурийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганишга доир” номли йирик мақоласида (“Ўзбекистонда XV—XVI асрларда ижтимоий-иқтисодий тафаккурнинг ривожланиш тарихи-

дан” тўплами. ЎзФА нашриёти. Тошкент, 1960 йил, 5—32-бетлар) анча кенг баён қилади. Олимнинг айрим мулоҳазаларини биргалашиб кўриб чиқайлик: “Темур ёшлигидаёқ ақли расолиги ва мардлиги билан ажралиб турарди. Ундаги ҳарбий истеъдод жуда эрта уйғонди: у отда яхши чопар, ўқ-ёйни моҳирлик билан отар эди. Тенгқурлари орасида Темурнинг обрў-эътибори баланд эди” (8-бет).

“Темурнинг ҳаётлик пайтида дин аҳллари дахлсиз эди, авлодлари ҳам бу анъаналарга содиқ қолдилар.

Темур фақат дин арбобларига эмас, балки дунёвий фанларнинг намоёндалари бўлган шоирлар, мунажжимлар, шифокорлар, тарихнависларга ҳам ҳомийлик қилган... У туркийлар, араблар ва форсларнинг тарихини яхши билар, амалий аҳамиятга эга бўлган тиббиёт ва илми нужум фанлари хусусида кенг мушоҳада юрита оларди. Кези келганда Темур душманларига ҳам олижаноблик ва саҳийлигини намойиш эта оларди” (9-бет).

“Темур болалигидан бошлаб туркий ва форсий тилларни мукаммал ўзлаштирган эди. У кўчманчи чорвадорлар ҳаётинигина эмас, ўтроқ деҳқонлар турмуш тарзини ҳам яхши биларди” (9-бет).

... Темурнинг ички сиёсати имкони борича Мовароуннахрнинг моддий ва маданий фаровонлигини кўтаришга қаратилган эди. Айниқса, Темур Самарқанд ҳамда қадрдон шаҳри Кешни обод қилишга катта эътибор берди. У буйсундирилган мамлакатлардан қўлга киритилган жуда катта маблағларни ўз юртидаги қурилиш ишларига ва бошқа зарур эҳтиёжларга сарфлади. Мовароуннахр ва Самарқандда бунёд этилган нодир моддий ва маданий обидалар бевосита Темур номи билан боғлиқдир. Ўрта Осиёда ўтган барча ҳукмдорлар орасида у улуг бунёдкор ва забардаст амир сифатида ном қозонган эди” (19-бет).

Урушдан кейинги алғов-далғов кучайган, сиёсий ёрликлар ёпиштириш қайта авж олган пайтларда — 1949 йилда Маҳкам Абдураимов Ўрта Осиё дорилфунунининг (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) шарқ факультети декани эди. “Қалтис” мавзуда илмий иш ёқлаган олим орадан кўп ўтмай тазйиқ остига олинади. Уни дорилфунунга махсус дипломи йўқ кишиларни “миллатчи жадидларнинг қолдиқларини” жалб қилиб, совет ёшларини чалғитиш, миллий маҳдудликка тортишга уринишда айблаш-

ди. Аслида у малакали мутахассислар етишмай турган бир шароитда эски мадраса кўрган, араб, форс тилларини мукаммал биладиган саводхон қарияларни ишга олган ва талабалар ана шу тилларни яхши ўрганишдан ташқари эски кўлёмаларни ҳам бемалол ўқий олишлари учун замин ҳозирлашни назарда тутган эди. Ўзбек зиёлиларининг катта қисми космополитизм, пантуркизм, панэронизм, панисломизм ва яна бошқа ғалати “изм”ларда айбланаётган, Ойбеку Шайхзодалар боши устида қора калтаклар айланаётган бу даҳшатли кунларда Маҳкам Абдураимов қандай қилиб қамалмай қолгани бизга қоронғи, аммо барибир у қувғинга учради: 1952 йилда дорилфунундан четлатилиб, тарих музейига ишга ўтказиб қўйилди. Номзодлик ишини нашр этиш у ёқда турсин, ҳатто бу ҳақда гапириш ҳам мумкин эмасди. Илм-фан энди бошқача оқимга тушди, адабиётда мадҳиябозлик, “конфликtsizлик” кучайди. “Менинг оғам рус бўлур” тарзида куллуқ қилиш оддий мажлисдан тортиб юқори минбарларгача ёйилди. Сохталик, ёлғон гаплар мактаб иншоларидан бошлаб, асл мақсади ҳақиқатни ёритиш бўлган тарих китобларигача кириб борди. 20—30-йилларда нашр этилган барча илмий асарларда (ҳатто 1947 йилда эълон қилинган “Ўзбекистон халқлари тарихи”нинг 2-китобида ҳам) чор қўшинлари томонидан Туркистон халқлари истибдодга солингани тўғри баҳоланган, Чор Россияси мустамлакачиларининг босқинчилик сиёсати ҳужжатлар асосида ҳаққоний очиб ташланган эди. 50—60-йилларда пайдо бўлган тарих китобларида эса бу ҳодиса бошқача нуқтаи назардан ёритила бошланди. “Ўрта Осиёнинг босиб олиниши” деган сўзни “қўшиб олиниши” тарзида “юмшатиб” ишлатадиган бўлди. (Гўё бу билан моҳият ўзгариб қолади-гаддек!) Ижтимоий фанларда бу “қўшилишнинг” “прогрессив аҳамияти”ни бўрттириб кўрсатишга зўр берилди. Чор истибдодига қарши қаратилган Андижон ва Жиззахдаги халқ ҳаракатларига “реакцион кўзғолон” деган тамга босилди. Олис тарихда яшаган аждодларимиз: буюк олимлар ва шоирларимизни “синфий кураш”ни англаб етмаганликда айблаш, “дунёқараши чекланганлиги”ни исботлаш, бутун ўтмишни икки қисмга — “прогрессив” ёки “реакцион”га ажратиб ўрганиш одатий тус олди. Ҳукмдорларнинг деярли барчаси — Амир Темурми, Хусайн

Бойқароми, барибир, фақат қора бўёқларда кўрсатилди. Халқни маърифатга, илм олишга чақирган бечора жадидлар — янгилик тарафдорларининг “халққа қарши” қаратилган фаолиятини “фош этиш” учун неча ўнлаб китоблар битилди!

Хуллас, бу мавзуни давом эттириш мумкин эмаслигига ақли етган Маҳкам Абдураимов тарихимиздаги бутунлай бошқа давр ва бошқа муаммони тадқиқ этишга мажбур бўлди. Ўрта Осиёда феодализм тарихига доир ўнлаб йирик мақолалар ҳамда бир китоб чиқаргандан кейин 1964 йилда “XVI аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлигида аграр муносабатлар очерки” деб аталган докторлик ишини муваффақият билан ҳимоя қилди. Мазкур тадқиқотнинг икки жилди (1966, 1970 йилларда) 650 (!) нусхада босиб чиқарилди. (Ўзбек фанига бўлган “ҳурмат”ни қаранг!) Шу ишнинг мантиқий давоми бўлган “Бухоро Қушбеги маҳкамасининг архиви” деб аталган 25 босма тобоқлик ноёб ҳужжатлар тўплами эса ҳамон босилмай сарғайиб ётибди.

Шунга қарамай, Амир Темур ҳақидаги тадқиқотни нашр этиш орзуси олим хаёлини тарк этган эмас. Биринчи имконият туғилиши биланоқ у Иқтисод институти чиқарган тўпланда юқорида тилга олинган мақоласини чоп эттирди. Самарқанднинг 2500 йиллик тўйига атаб 16 босма қоғозлик “Темур давлати тарихи” номли улкан тадқиқотни нашрга тайёрлади.

Бутунги кунда Маҳкам Абдураимовнинг Амир Темур ҳамда Бухоро Қушбегисининг ноёб ҳужжатлари ҳақидаги йирик тадқиқотларини кенг жамоатчиликка етказиш зарур. Шунингдек, олимнинг юқорида тилга олганимиз Бухоро хонлигидаги ер-сув муносабатлари тарихига бағишланган икки жилдлик улкан асари қайта нашр этилиши керак. Зеро, у жуда оз сонли одамларнинг қўлидагина мавжуд бўлиб, кенг ўқувчилар оммасигина эмас, ҳатто илмий жамоатчилик ҳам ҳозир улардан деярли беҳабар.

Бундан ташқари, Маҳкам Абдураимовнинг турли йилларда ёзилиб, илмий журналлар ва тўпламларда қолиб кетган, ҳозир ҳам қимматини йўқотмаган кўплаб теран мазмунли мақолалари борки, уларни ҳам тўплаб, яхлит китоб ҳолида чиқариш фурсати етди.

Ортиқбой Абдуллаев

МУНДАРИЖА

Марҳум олимдан хотирот (<i>Бўрибой Аҳмедов</i>)	3
Темур ва Тухтамиш	6
Темур ва Тухтамиш ўртасидаги муҳораба	16
Жосулар қарвони	50
Сайджоновнинг илмий мероси	58
Хисао Кўматсу (Япон олими). М.А. Абдураймовнинг “Бухоро қушбеги маҳкамаси архиви” мақоласи	69
Очилмаб қолган ҳақиқат (<i>О. Абдуллаев</i>)	72

Адабий-бадиий нашр

Маҳкам Абдураимов

ТЕМУР ВА ТҶҲТАМИШ

Мухаррир *Мавсуда Йўлдошева*
Мусаввир *Темур Саъдуллаев*
Бадий муҳаррир *Маркос Карпузас*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Кичик муҳаррир *Назми Фозилова*
Мусахҳиҳ *Феруза Тўйчиева*

ИБ 3889

Босишга 21.08.2000 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108^{1/32}. 4,20 шартли босма тобоқ. 4,5 нашр босма тобоғи. Жами 2000 нусха. 214 рақамли буюртма. 121-2000 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди.
Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

340 =

2

63.3
A

